

БК
А50

Алимбеков. А.

ТУРК АДАБИЁТИ

(XIII-XVIII асрлар)



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ**

АЛИМБЕКОВ АДҲАМБЕК

ТУРК АДАБИЁТИ
(XIII-XVIII асрлар)

Тошкент - 2014

Адхамбек Алимбеков. “Турк адабиёти (XIII-XVIII асрлар)”. Тошкент, 2014

“Турк адабиёти (XIII-XVIII асрлар)” монографик тадқиқотда турк мумтоз адабиёти тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган ижодкорлар ҳакида фикр юритилади. Ўрта асрлар турк адабиёти ўкув қўлланмаси илк бор яратилаётгани учун, муаллиф қисқача турк ҳалқ адабиёти ҳакида ҳам маълумот беради. Ушбу монографик тадқиқот Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилаётган Ф-1-139 «Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихи ва жанрлар типологияси» номли илмий-тадқиқот лойиҳаси асосида тайёрланди.

Бир китобда бутун турк мумтоз адабиёти намояндаларини қамраб олиш имконияти йўқлиги туфайли, автор XIII-XVIII асрларга алоҳида умумий характеристика бериб, асосан ҳар бир асрда яшаган машҳур шоирлар ижоди хусусида фикр юритади.

Монографик тадқиқотни ёзишда турк адабий манбалари ва турк адабиётшунослари Ф. Кўпрулу, А. Қабокли, А. Танпинар, С. Камол Қора Али ўғлининг, рус шарқшунослари акад. В. Гордлевский, А.В. Гарбузова, И.В. Боролина ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир – филология фанлари доктори, профессор

Абдураҳим Маннанов

Тақризчилар - филология фанлари доктори, профессор

Қосимжон Содиков

филология фанлари доктори, профессор

Улфатхон Муҳибова

Мазкур монографик тадқиқот Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Кенгашида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия қилинган (30 октябрь 2014 йилдаги 3-сонли баённома)

©Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2014

КИРИШ

Жуда қадим тарихга эга Шарқ адабиёти ўзининг бой адабий мероси билан жаҳон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. Шарқ бадиий оламида турк адабиётининг ўзига хос ўрни бор. Минг йиллардан бери ўзининг ёзув тарихига эга Шарқда турк адабиёти нисбатан ёшдир. Турк адабиёти тарихи ҳозирги туркларнинг авлодлари бўлмиш туркий ўғиз қабилаларининг Кичик Осиё ерларида (XI-XIII асрларда) ўтроклашишидан бошланади.

Тарихий манбалардан маълумки, ўғиз қабилалари VI-VIII асрларда Марказий Осиёда яшаганлар ва мунтазам бошқа туркий қабилалар билан аралашиш жараёнида бўлган. VIII асрда Ўрта Осиёда, Сирдарё бўйларига кўчиб келган ўғиз қабилалари ислом динини қабул қилгач XI асрда салжуқийлар сулоласи бошчилигига Кичик Осиё ерларига бостириб кирадилар. Бу пайтда Кичик Осиёда Византия хукмронлик қиласиди. Умуман туркий қабилалар VIII-X асрларда ёқ Кичик Осиё ерларида пайдо бўлиб, қарлуқлар, қипчоқлар Византия империясига қарши доимий уруш олиб борганлар. Қабилалардан бир қисми босиб олган ерларда жойлашар ва маҳаллий аҳолига қўшилиб кетарди ҳам. XI асрда Салжуқийлар сулоласи бошчилигидаги ўғизларнинг Кичик Осиё территориясига бостириб кириши ниҳоятда кучайди. Шундай қилиб пойтахти Константинополь бўлган Кичик Осиёдаги Византия империяси ўрнида иккита туркий давлат-- Донишмандийлар давлати (1067-1180) пойтахти Сивас шаҳри, пойтахти Конъя бўлган Салжуқийлар давлати (1077-1307) пайдо бўлди. Кичик Осиёнинг шарқи-жанубида ва марказий қисмida жойлашган бу икки давлат XV асрнинг ўрталарида Византия империясининг тамоман емирилишида муҳим роль ўйнади.

Турк ёзма адабиёти манбаи ҳалқ оғзида ижодидирким, унинг илдизи ўғизлар Кичик Осиёга келгунча кўчманчи

бўлиб яшаган ерларга бориб тақалади. Турк адабиёти бошқа туркий халқлар маданияти билан ўзаро чамбарчас алоқада шаклланди. Туркий қабилалар илгаридан бирбири билан узвий муносабатда бўлиб, умумтуркий маданий ёдгорликларни, қадимги турк ёзма ёдгорликларини яратганлар. Қадимги турк ёзма ёдгорликлари – Ўрхун-Энасой (VI-VIII асрлар) ёдномалари бунга мисолдир. Туркий қабилалар ўртасида ўзаро адабий, маданий алоқалар бўлган. Айрим образлар, сюжетлар деярли барча туркий халқлар оғзаки ижодида учрайди. Кейинчалик ҳар бир халқ адабиёти маълум ижтимоий-тариҳий шароитда ўзига хос ривожланиш йўлидан борди. Мана шу ўзига хосликни, ҳар бир адабиётнинг тараққиёт тадрижини чукур ўрганиш адабиётшуносликнинг вазифалариданdir. Адабий меросга бўлган муносабатга қараб турк адабиётшуносларини икки гурухга бўлиш мумкин.

Биринчилари, турк адабиёти бой адабий меросга эгалигини таъкидлаб, ҳозирги замон турк адабиёти ўтмиш адабий анъаналарига суюнган ҳолда ривожланаётганилигини айтсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари ўтмиш турк адабиёти тақлид адабиётдир, асосан форс ва араб адабиётига тақлиддан бошқа нарса эмас, бу адабиёт давр ҳақида тўлиқ маълумот беролмайди дейишади ва ҳозирги адабиётдаги қусурларни ҳам адабий мероснинг заиф томонларини ўзлаштиришдан деб биладилар.

Жаҳон адабиёти тарихида адабий меросга ногўри муносабатда бўлиш жузъий ҳол эмас. Бир вақтлар эронликлар, араблар, ҳиндлар ҳам ўз адабий меросга шундай муносабатда бўлган.

Ҳозирги вақтда адабий мерос ҳар томонлама жиддий ўрганилмоқда.

Турк адабиётшунослари адабиёт тарихини уч даврга бўладилар:

1. Туркларнинг ислом динини қабул қилгунигача бўлган давр. X асргача бўлган бу давр адабий мероси барча туркий

халқларга тегишли деб қараң керак.

2. Ислом дини қабул қилингандан сүнгти давр.
3. Яңги давр, яъни Гарб адабиёти намуналари таъсири сезила бошлагандан кейинги давр.

Булар ўз навбатида яна замона рухидан келиб чиқиб бир қанча ном билан кичикроқ даврларга ажратилади.

Исломиятдан аввалги адабиётни иккиге ажратиш мүмкін:

1. Сұзли адабиёт
2. Ёзма адабиёт

Ислом дини қабул қилингандан сүнгти турк адабиёти учға бўлинган:

1. Ўтмиш даври адабиёти
2. Халқ адабиёти
3. Мумтоз турк адабиёти

Яңги, Гарб адабиёти ва санъати таъсири сезила бошлаган сүнгти учинчи давр, яратилган асарлар рухидан, умуман замон талабидан келиб чиқиб олтига ажратилган:

1. Танзимот даври турк адабиёти
2. “Сарвати - фунун” адабиёти
3. “Фежри - Ати” адабиёти
4. Миллий адабиёт
5. Миллий мужодала даври адабиёти
6. Жумҳурият даври турк адабиёти

Адабиётни даврлаштиришни нисбий тушуниш керак, чунки икки давр ўргасига “хитой девори” қўйиб бўлмайди. Турк адабиётшунослари турк халқ адабиётини мазмун моҳиятдан келиб чиқиб куйидагига таснифлайдилар.

Аноним турк халқ адабиёти

Турк халқ адабиёти

Диний-тасаввифий турк адабиёти

Ошиқ тарзи турк адабиёти

Аноним турк халқ адабиётининг назмий шакллари:

1. Турку
2. Мани
3. Айит (йўқлов)
4. Текерлема
5. Билмеже (топишмок)
6. Нинни (алла)

Насрий шакллар:

1. Масал (эртак)
2. Достон
3. Афсона
4. Фикра (латифа)
5. Халқ ҳикояси
6. Отасўзлари (мақоллар)
7. Анъанавий халқ томоша ўйинлари

Диний-тасаввуфий турк адабиёти назмий шакллари:

1. Илохий
2. Нафас
3. Нутқ
4. Шатхийе
5. Даврийе
6. Муножаат
7. Тавхид
8. Наат
9. Мавлид

Насрий шакллари:

1. Футувватнома
2. Газовотнома
3. Манокибнома
4. Батталнома

Ошиқ тарзи турк адабиёти

1. Кошма
2. Варшаги
3. Самой

4. Достон
5. Гўзаллама
6. Кочаклама
7. Ташлама

Турк адабиётининг ривожланишида форс, араб адабиётларининг таъсири катта бўлган. Шоирлар форс тилида ҳамда турк тилида ижод қилганлар. Туркияга форс сарой адабиёти билан бирга ҳалқ оғзаки ижоди ҳам кириб келган. “Газира” тузиш ҳам туркларга эрон адабиётидан ўтган. Турк адабиётини ўтганиш, ўрга асрлардан бошланади дейиш мумкин.

Танқидий қарашлар ҳам бўлган бунингдек тазкиралар (антологиялар) турк адабиёти ҳақида Европада китоблар пайдо бўлишида асос бўлди. XVIII асрнинг 70 йилларида Венецияда эълон қилинган турк адабиёти тарихига оид китоб ва “Туркиядаги ҳар хил фанлар ахволи” деб номланган аббат Тодерининг иши, XIX аср бошларида эълон қилинган Австралиялик шарқшунос Хаммер Пруштгалнинг тўрт томлик “История османского изящной словесности” (Усмонли сўз саънати тарихи) китоблари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда жаҳон шарқшунослари томонидан турк адабиёти тарихи изчил ўрганилмоқда.

Ҳалқ оғзаки ижоди

Туркулар маҳсус бир оҳанг, мусиқа боғланишила айтилган ҳалқ қўшиқларидир. Қадимда бутун ҳалқ қўшиқларини ҳам турку деб аташган. Туркуларнинг асосий мавзуси атроф мухит, табиат, ёки бирор воқеа таъсирида пайдо бўлган туйғуларни тилга кўчиришдир. Шу жиҳатдан мавзуу ранг-баранг. Асосий фикр бир мисрада бўлиб, бошқа мисралар шу фикрни тўлдирадилар. Аноним ҳалқ адабиётининг назмий шакли турку кўпинча 11 ҳижоли бўлиб,

а

а

_____ a
_____ x
_____ x

_____ b
_____ b
_____ b
_____ x
_____ x

_____ c
_____ c
_____ c
_____ x
_____ x

...
тарзида қофияланади. Анадолу туркулари халқ ичидә машхур. Туркулар түрли мавзуда - севги, табиат, гүзәллик, айрилиқ ўлим ва ҳаказо мавзуларда бўлиши мумкин. Туркуларда ҳар банддан сўнг боғловчи мисралар бўлади. Бу мисралар кавуштак деб аталади. Туркулар миллиатнинг тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, ўзига хосликларини кўрсатувчи миллий назм шаклидир. Туркияning вилоятларида туркулар басталанган нақорат мисраларига кўра бўзлак, кошма, хўйрат, чукрова номлари билан ҳам аталади. Туркларни муайян бир қоидаси йўқ. Баъзи мисралар сарбаст бўлиб, нақорат банд ўргасида келиши ҳам мумкин.

Т У Р К У

Ики турнам гелир, оқли қорали,
Бирин шохин урмиш, бири ярали,
О йавруйа сўрун, асли нерели?

Қатор, қатор ўлмуш гелир турналар,
Айрим, айрим не хўш гелир турналар.

Кетма турнам кетма хабар сўрайин,
Қанотинг тагига нома солайин
Нозли жононима хабар берайин.

Қатор, қатор ўлмиш гелир турналар
Айрим, айрим не хўш гелир турналар.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар туркуларда акс этиши мумкин, яъни туркуларда сўз кўлланиши, мавзу замонавийлашади.

Масалан:

Поезд келир хўш гелир
Хоналари бўш гелир

МАНИ

Мани тўрг мисралик мустақил шеърлардир. Мани арабча маъно сўзидан бўлиб, аноним халқ адабиёти назм намунаси. Озарийларда баёти, қирғизларда ўлан, ўзбекларда халқ кўшиклиари каби. Манилар тўрг мисралик, 7 ҳижо ўлчовида айтилиб, кўпинча

_____ a
_____ a
_____ x
_____ a

шаклида қофияланади. Ёзма адабиётда робоий, туюқ (XIV-XV) жанрлари мани асосида пайдо бўлган. Мустақил шеър бўлган маниларда асосий мазмун сўнгти икки мисрада бўлади. Соф ҳазил учун тузилган, кулгили манилар ҳам бор. Кўпроқ аёллар тилидан айтиладиган манилар ният, фол, севги, мактуб, тўй фалсафий ва бошқа мавзуларда бўлиши мумкин.

Манилар шаклан тўрг хил бўлади:
1. Дуз мани (оддий мани);

2. Жинасли (сўз ўйинли) мани;
3. Кесик мани (оёқли, зинапоя шаклидаги мани);
4. Йедекли мани (кўшимчали мани);

1. Дуз мани:

Тоғлар туман бўлди кел
 Кўнглим гумон бўлди кел
 Ойларга ваъда бердим
 Йилим тамом бўлди кел

2. Жинасли (сўз ўйинли) маниларда қофия шаклан бир хил, мазмунан ҳар хил сўзлардан (омоним) бўлади.

О баним оч кўзларим
 Ёра мухтож кўзларим
 Кечди гўзал карвони
 Ўтирдим бож кўзларим

О менинг бахти ёrim
 Кўнглингда таҳти ёrim
 Юзингда кўз изи бор
 Сенга ким боқти ёrim.

3. Кесик (аёқли) манининг илк мисраси 7 ҳижодан оз, қофиялари жинозли, мисралар сони 4 тадан 19 тагача бўлган манилар

Бағ бана
 Бахча сана, бағ бана
 Дейме зинжир кяр этmez
 Зулфинг тели бағ бана

4. Йедекли (кўшимчали) маниларда мазмунни кучайтириш учун банд сўнгига яна икки мисра кўшилади.

Дардим вар беллар каби
 Сўйлемем еллар каби
 Қалбими хузуни вар

Йиқилмиш эллар каби
Күзларимдан ёш оқар
Бүшаган селлар каби

Шоирлар ҳам мани шаклида шеърлар. ёзганлар. Орхан Сейфи Бейнинг қўйидаги мисралари бунга далиллар:

Не хиндда, не Чиндаймисш
Ажаб нердаймисш, неймисш
Излаганим маҳалда
Кўнглимни ичиндаймисш.

КЎШМА

Халқ адабиёти назм шаклларидан. Асосан 11 ҳижоли, бандлари тўрт мисрали, энг оз уч, энг кўп б гоҳида ундан ортиқ тўртлик бўлади. Кўшмалар мазмунига қараб турлича номланиши мумкин. Табиат ва инсон гўзаллигидан баҳс этганлари гўзаллеме, йигитлик мардлик, уруш мавзу бўлса кўчаклама ўлим ҳақидаги айит бир кимса ёки гуруҳнинг ёмон томонларини кўрсатгани ташлама. Кўп учрайдиган қофия шакиллари.

a	a	x
a	б	б
б	а	х
а	б	б

Кўшмалар оҳанг услубига кўра, Ажам, Анкара, Керем, Сиврихисар кўшмалари номлари билан аталиши мумкин. Тузилишига кўра кўшмалар дуз, йедекли, мусаммат, айакли, занжирбанд айакли, зинжирлеме кўшмалар каби турларга бўлинади.

Мусаммат кўшмада илк бандидаги биринчи ва иккинчи байтларида беш ҳижоли зиёда боғловчи сўз бўлади.

Эй баним жаноним, жан ичра жаним
Шўх навжувоним ўлма бевафо

Мен сана қурбан кел кес гарданим
Түк ерларга қоним фақат бўл ошина

Бўлма бевафо

Кўшма сўзи “кўшоқ” феълидан. Проф. Фуад Купрули
кўшмани “сўзга куй боғламоқ ва мосламоқ” дейди.

К Ў Ш М А

Гўзал кўзларини севдигим дилбар
Кел бизим элларни кез, карам айла
Гўла кўлларинг вар, кезар қаламла
Ол мени дафтара ёз, карам айла

Йироқтирий йўлларим, адашдим келдим
Тотлидир тилларинг, айландим келдим
Вафолим бўйнуна, энди мен ўлдим
Мозор кўксинга қаз, карам айла

И Л О Х И Й

Диний мавзуларидаги ошиқ адабиёти шеърий шаклидир. Теккеларда оллоҳ ишқида куйлаган манзумалардир. Илоҳий - оллоҳга оид демак. Илоҳийларда асосан тангри севгиси ва диний мавзулар акс эттирилган. Халқ адабиётидаги илоҳий, девон адабиётидаги “тавҳид” ва “муножатларга” ўхшаш. Илоҳий диний тасаввуфий мавзуда бўлгани билан, бирор тариқатнинг ўзига хослиги, афзалигини тарғиб этмайди.

Тариқатлар ўзига хослигини кўрсатган илоҳийлар бекто-шийликда - нафас, яссасийликда - ҳикмат, мавлавийлар - айин, гулшехрилар - тапуу, халватилар-дурак бошқа тариқатдагилар жумҳур дейилган.

Илоҳийлар 7, 8, 11, 14, 16 ҳижоли вазнларда ёзилган. 7-8 ҳижоликлари тўртлик, 11, 14, 16 ҳижоликлари байт шаклида

ёзилган. Байт шаклида ёзилганлари ғазал каби қофияланган. Аруз вазнида ёзилган илохийлар ҳам бор. Илохийлар мавлуд ва бошқа диний байрам кунлари кўпчилик бўлиб теккеларда (бир тариқат йўлидаги дарвешларнинг йифиладиган жойи) ҳам айтилади.

Илохийнинг энг яхши намуналарининг Юнус Эмре ижодида кўриш мумкин.

МАНГА САН КЕРАКСАН

Ишқинг олди мандан мани,
Манга сан кераксан, сан!
Жисмим ёнур кечакундуз,
Манга сан кераксан, сан!

На борликқа севинарман,
На йўқлиққа қувонарман,
Ишқинг ила овонарман,
Манга сан кераксан, сан!

Ишқинг ошиқни ўлдирур,
Ишқ денгизида қолдирур,
Тажалло ила тўлдирур,
Манга сан кераксан, сан!

Қайғуларинг улуг пешам,
Мажнун бўлиб тоғлар ошам,
Сенсан умрлик андешам,
Манга сан кераксае, сан!

Сўфилара сухбат керак,
Оқиллара охират керак,
Мажнунлара Лайли керак,
Манга сан кераксан, сан!

Агар мани ўлдирсалар,
Кулим күкка совурсалар,
Тупроғим сани чақирап,
Манга сан кераксан, сан!

Мискин Юнус маним отим,
Куну кундан ортар ўтим,
Икки жаҳонда муродим,
Манга сан кераксан, сан!

Х. Даврон таржимаси.

С А М О И Й

Ўзаги араб, калимасидан бўлган бу сўз эшитмоқ, ўрганмоқ маъноларини англатади. Халқ адабиётида, айрим шоирлар ижодида кўп учрайдиган бун назм шакли, арузнинг “мафоилун, мафоилун, мафоилун, мафоилун” вазнида, ҳижода эса $4+4=8$ ли вазнда бўлиб, ўзига хос оҳанг билан куйланади. Табиат, гўзаллик, севги ва айрилиқ мавзуларида кўпроқ яратилган самоийлар қофия ва мисра тузилишига кўра кўшмага ўхшаб кетади. (Айримлар самоийни кўшманинг бир тури ҳам дейишадилар). 3-5 бандли, гоҳида ортиқроқ ҳам бўлган самоий ўзига хос ҳаволи, ҳафиҳ мусиқий бўлган. XVIII асрдан халқ шоирлари ўртасида кенг тарқалиб, самоий ўқишилар авж олган.

Каражайғлан ижодидан:

С А М О И Й

Инжаликдан бир қор ёғар,
Тузар Алиф¹, Алиф дея.
Далли кўнгил телба ўлмиш,
Кезар Алиф, Алиф дея.

Алифин чачвони нақши
Куш боласидек боқишили

1 Киз исми.

Яйлов чечаги уфируши
Уфиар Алиф, Алиф дея

Алиф қошларини чатар
Фамзаси сийнама ботар,
Оқ қўллари қалам тутар,
Ёзар Алиф, Алиф дея.

Уйларинг олди чордоқ
Алифин кўлида қадаҳ
Гўё яшил бошли ўрдак
Сузар Алиф, Алиф дея.

ШАРҚИЙ

Шарқийлар турк шеъриятида XVIII асрдан яратила бошлиган назм шаклларидан. Шарқийларга куй басталанган. Кўпи билан иккидан беш тўртликкача бўлган. Турк адабиётига шарқийни олиб кирган А.Нодим ижодида 3 бандлик шарқийлар кўп. Ишқ ва гўзаллик мавзулари қаламга олинган шарқийлар, халқ шеъриятидаги турку ва кўшма ҳамда девон адабиётидаги мураккаб шаклларининг ўзига хосликларини жамлаган дейиш мумкин. Шарқийлар кўпроқ аruz вазнининг фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун ўлчовида, шунингдек хижо вазнида ҳам ёзилган.

_____ a
_____ a
_____ a
_____ a

_____ b
_____ b
_____ b
_____ a

_____ c
_____ c
_____ c
_____ a

шаклида, гоҳида

_____ a
_____ b
_____ a
_____ b

_____ c
_____ c
_____ c
_____ b

шаклида қофияланиб, такрор келган мисрага нақорат дейилган. Лола даври шоири А.Нодим, Эндерунлу Восифлар турк адабиётида гўзал шарқийлар ёзган шоир сифатида машхурлар.

Нодим шарқиларидан:

Яна базми чамангга лола фурузан келди,
Муждалар гулшангага ким вақти чароғон келди
Булбул ашуфталанип базми ғазалхон келди
Муждалар гулшангага ким вақти чароғон келди.

Сайр олуп рақси яна дилбари мумтозларин
Яна эфлоке чиқар нолалари созларин
Жона оташ берадур шуласи овозларин
Муждалар гулшангага ким вақти чороғон келди.¹

Эслатма: Халқ қўшиқлари оҳангини сақлаб қолиш ва айрим сўзлар ўзбек ўқувчисига тушунарли бўлгани учун ўзгартирмадик.

¹ Адабиёт. Дарс китоби. – Анқара 1991. 103-б.

ЭРТАКЛАР ҲАҚИДА

Эртаклар турк халқ оғзаки ижодида ўзига хос мухим ўрин эгаллаган, фольклор жанрлари дандир. Турк тилида эртак масал дейилиб, “Қомуси Усмония”да ёзилишича одоб ва нисиҳатни англатган арабча сўздир.

Туркий тиллар билимдони Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготот турк” китобида эртак сўзи этук шаклида берилиб, бирор воқеани ҳикоя қилишни билдиради.

XIX асрнинг 80-йилларидан турк эртаклари ёзив олина бошлаган. Танзимот давридаги (1860-1896) адабий мухит бунга омил бўлган. Бу ишни бошлаганлардан бири можаристонлик шарқшунос И. Кунощир. XX аср бошларида Г. Якоб, Ф. Гизе, Д. Немет, В. А. Гордлевский каби Европалик шарқшунослар турк эртакларини ёзив олдилар ва шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бордилар. Турк эртаклари хусусида самарали иш олиб борган фольклоршунослар ичида Парстав Ноили Баратовни алоҳида таъкидлаш керак. П. П. Баратов асримизнинг 20-60 йилларида 3800 ортиқ эртакларни ёзив олди ва Вольфрам Эберхард билан ҳамкорликда турк эртаклари катологини тузди. П. П. Баратов 1953 йили “Замон замон ичида” эртаклар тўпламини Истанбулда, 1969-йили “Оз кетдик, кўп кетдик” китобини Анқарада нашр эттирди. 1955 йили Француз, 1968 йили олмон китобхонларини турк эртаклари тўпламлари билан таништирди.

Мазмунан ранг-баранг турк эртакларини 4 грухга ажратиш мумкин:

1. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклари
2. Сехрли эртаклар
3. Маиший эртаклар
4. Калўғлон туркум эртаклари

Ҳайвонлар ҳақидаги турк эртаклари хронологик жиҳатдан қадимиyroқ ва ўзига хос хусусиятларга эга. “Айик билан тулки”, “Тулки билан илон”, “Кампир билан тулки” ва бошқа кўпгина ҳайвонлар тўғрисидаги эртакларда хар бир

ҳайвон маълум бир рамзийликка эга бўлиб специфик мазмун ташиёди. Кўпгина жаҳон халқлари эртакларида тулки айёрлик рамзи бўлиб, деярли салбий образ сифатида талқин қилинади. “Тулки илон билан илон” эртагида буни ўзгача вариантини кўрамиз. Тулки илон билан дўстлашиб, бир куни йўлга чиқибдилар. Йўлда улар бир сойга дуч келишиб, тулки сувдан ўтиб кетаётганида, сойдан ўтолмайдиган илон тулкидан уни ҳам олиб ўтиб кўйишни илтимос қилибди. Тулки дўстлик қилиб, илонга бўйнига ўралишини айтади. Сувни ўртасига борганда илон тулкини бўға бошлайди. Тулки бўйнимни бўшат деган илтимосига ҳам қулоқ солмайди. Шунда тулки илонга бироз бўйнингни узат, ўлимдан олдин томоғинг тагидаги қирмизи холингдан бир ўпай деб илтимос қиласди ва илонни томоғидан тишлаб ўлдиради. Дўстликка хиёнат, қаллоблик бўлмаганида илон тирик қолишини айтиб, йўлига кетади. Бу эртакда тулки айёрлик қилиб бошқаларни алдовга эмас, ақли фаросати билан ўлимдан қутилиб қолган, жабрланувчи сифатида тасвиirlанган.

Сеҳрли эртакларда ҳам ҳайвонлар қатнашади, аммо бу эртакларда ҳайвонлар кўпинча бош қаҳрамонга ёрдамчи ёки бош қаҳарамоннинг ўзи маълум вақт сеҳр-жоду билан бирор ҳайвон шаклига кириши мумкин. “Бенли(холдор) Баҳри”, “Қора мушук” эртакларидағи каби. “Бенли Баҳри” эртагида шахзода қора мушук кўринишсида пайдо бўлади ва эртак сўнгида эртакнинг асосий қаҳрамонларидан бўлган гўзал қизга уйланади. Турк сеҳрли эртакларида ҳам кўпинча ижобий қаҳрамонлар сифатида шоҳнинг кенжা ўғли ёки қизи, камбағал чол ва кампирнинг ёлғиз ўғли, ақл фаросати билан шоҳлик даражасига етган чўпон, боғбон, ўгинчи фарзандлари тасвиirlанади. Туркияда эртаклар маддоҳлар томонидан, кўпинча эса аёл эртакчилар томонидан айтилган. Шунинг учун турк эртакларида аёллар сиймосига, уларнинг тасвирига алоҳида эътибор берилади. “Дев бобо”, “Куёш қизи”, “Олтин арава”, “Пари қиз” эртакларида асосий воқеалар

марказида аёллар туради. Сехрли эртакларда воқеалар умумий қоидалар асосида ривожланади. Воқеанинг бошланиши, бош қаҳрамонлар ўз жасурликлари, ақли-фаросати, уддабуронлиги билан гоҳида парилар, қушлар, ҳайвонлар, сеҳргарлар ёрдамида турли тўсиқларни енгигиб ўтиб мурод мақсадлари етадилар. Яъни эртак, бошлама, асосий мазмун ва эртак сўнгтидан (хотима) иборат. Бошлама турк тилида текерлама дейилиб, бунда эртакчи тингловчини ўзи айтмоқчи бўлаётган воқеалар оламига олиб киришга ҳаракат қиласди. Такерлама сўз ўйинидан иборат, бунда бир-бирига мазмунан алоқадор бўлмаган сўзлар бир маълум тарзда қофияланиб келади ва гўзал бир шакл ясайди.

Масалан: “Бир бор экан, бир йўқ экан. Замон замон ичида, игна самон ичида. Туя даллол экан чивин сартароп экан, хўroz имом экан, онам қошиқда отам бешикда экан. Мен отамни бешигини тингир - минғир тебратар эканман. Отам тушди бешикдан, чиқиб кетди эшикдар, Онам қисқични олди, отам куракни олди, менга эшик орқасидаги бурчак қолди... Онам яхши. Отам яхши, қўлларидан кутилсанг ундан яхши”. Ёки бошқа бир эртак шундай текерлеме билан бошланади. “Бир бормиш, бир йўкмиш... Аввал замон ичида, игна самон ичинда... Туялар даллолмиш эски ҳаммом ичинда... ҳаммомчининг тоси йўқ гўлаҳчининг болтаси йўқ, қўлтиғида бўғчаси йўқ... ҳандадир ҳанда бир қўтос ва етмиш икки тентак банда... Едик, ичдик, тишимиш эт кўрмади, баракат берсин отбоқарга, бизга- бир от берди тўриқдир дея, от бизни бир тепиб берди нари тур дея...”

Эртакдир бунинг оти, сўзлассанг чиқар тоти, кимки тингламаса, келсин чўлоқ тарбиячи...”

Турк эртакларининг манбалари ҳақида турлича назариялар бўлиб, бу қарашларни асосан уч гурухна жамлаб, уч илмий мактаб деб қараш мумкин.

1. Мифологик мактаб. Бу назарияга кўра эртаклар қадимги афсоналарнинг парчалар ҳолида қолган ва бизгача етиб келган бўлакларидир.

2. Антропологик мактаб. Бу мактаб вакиллари айни бир эртакларни ривожланмаган халқлар орасида ҳам борлигини айтади. Бирор мифни эртак ҳолига келишини чегарасини кескин күрсатмайди.

3. Адабий мактаб назариясига кўра халқ эртакларининг келиб чиқишини Ҳиндистондан излайди. Халқ эртакларини бугунги кунда унтуилган бир қисм қадимий оҳангларининг сўнгти излари ва аломатлари сифатида кўради.(Қаранг: Турк эртаклари. Анкара.1992.3-4 бетлар).

Эртаклар қайси вактда яратилганига қараб, озми кўпми замон руҳини ўзида акс эттирган. Муҳими бош мезон адолат бўлган. Яхшилик, эгулик ҳамиша ёвузлик устидан ғалаба қозонган. Эртаклар синфийликдан ҳоли. Бир камбагал ниҳоятда бой бўлиб кетиши, ёки аксинча подшо бир бечора бўлиб қолиши мумкин. Эртакларда бош қаҳрамон учун бажара олмайдиган иш йўқ. Қаҳрамонлар ўз идроки ва мажозий образлар ёрдамида, албатта мақсадига етадилар. Турк эртакларидаги асосий типлар жаҳон халқларида кўп учрайдиган қаҳрамонлардир. Сехрли эртакларда асосан дев, жодугар кампир, занги кул, яъни қора араб, парилар, аждарҳо, аёл дев, дарвиш, подшолар, Калўғлон типлари бўлса, ашёлардан: учар гилам, ур тўқмоқ, сехрли кўза, кийган одам кўзга кўринмайдиган қалпоқ кабилардир. Шунингдек уч, етти, кирқ сонлари билан боғлиқ анъанаалар ҳам бор.

Турк халқ эртаклари тугалланмаси ҳам ўзига хос. Эртак мазмунидан келиб чиқиб якун тўй-томуша тасвири, оталар сўзи, мақоллар ёки тингловчилар руҳиятини кўтарувчи адабий парчалар бўлиши мумкин. Кўпинча эртакчилар ўз сўзларини оригинал шаклда тутатмоқ, айтганлари ҳаётйликка яқинлигини кўрсатмоқ учун чиройли якун ясашга ҳаракат қиласидилар. Масалан: “Тўйга мени ҳам чақирдилар. Бордим. Менга бир тўрва ширинликлар бердилар. Эшагимга юкладим. Эшагимнинг оёқлари мумдан, кўзлари шишадан эди. Қанча шошилсан ҳам етолмадим, куёш чиқди, мум эриди, шишалар синди. Шириликлар тош қотиб қолди”.

Ёки: “Кирқ кун, кирқ кече түй бўлди. Улар етмиш муродга, биз чиқамиз айвонга... Кўқдан уч олма тушди, бири сизга, бири эртак айтганга, бири менга”. Кўринадики, эртакчи ниҳоятда сўзга чечан, сўз санъаткори бўлиши керак. Зиё Кўкалп куйидаги сўзларни ёзганда ҳақли эди. “Эртакчи ўз соҳасида бир санъаткордир. Айтган ҳар сўзи ўз ўрнига кўлланилган. Бу каби эртакчиларни бир калимасини ҳам ўзгартириб бўлмайди”.(Турк эртаклари. Анқара.1992. 14-бет).

Оғзаки нутқининг гўзал намунаси бўлган эртакларни тарбиявий яҳамияти жуда муҳим. Ёшларни ватанпарварлик, эзгулик руҳида вояга етказиб, яхшилик ҳамиша ёмонлик устидан ғалаба қилишига ишонч туғдиришда ҳеч бир фольклор жанри эртак ўрнини боса олмайди.

ЛАТИФАЛАР

Юмор ҳар бир халқнинг ўзига хос характерли хусусиятларини ёрқин кўрсатади. Турк халқ оғзаки ижодида, латифалар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу латифалар турклар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, турк халқининг маънавий маданиятининг ажралмас қисмидир. Турк латифаларининг илк ёзма намуналарини XIII-XIV асрга оид бўлган адабий ёдгорликларда кўриш мумкин. Хўжа Насриддин ҳақидаги 43 латифани қамраб олган илк тўплам санаси 1571 йил. Насриддин Хўжа тарихий шахс бўлиб 1208-9 йили Сиврихисорда яқин жойдаги Ҳорто қишлоғида туғилган. Отасидан сўнг бироз вақт қишлоқда имомлик қиласида ва 1237 йилда мутасаввуф олим Сайид Махмуд Ҳайронийга мурид бўлиш учун Оқшашарга келади. Умрининг охиригача (1284) бу ерда яшаб қолган Хўжа халқ орасида ниҳоятда зукко, гапга уста,adolatpеша одам сифатида танилади. Нуктадон, ориф инсон бўлган Насриддин Хўжа замондошларининг кўнглидаги гапларини топиб айтаганки, бора-бора у ҳақида латифалар тўқилиб, халқ қаҳрамонига айланаб кетган.

1837 йилдан буён Хўжа Насриддин латифалари китоб

ҳолида тез-тез босилиб туради. 1857 йилдан Европа тилларига таржима қилина бошлаган. 1865 йилда қирқдан ортиқ латифалар ўзбек тилида китобот қилинган. Хўжа Насриддин бугунги кунда кўплаб туркий халқларнинг севимли қаҳрамонидир. Хўжа Насриддиндан бошқа Бекри Мустафо, Бектоший, Қора күш, Хобеннека каби турк халқ қаҳрамонлари борки, булар ҳақидаги латифаларнинг ўзи алоҳида-алоҳида туркумлардан иборат. Бекри Мустафо эркин фикрловчи, қотиб қолган, қолоқликка қарши курашувни сифатида тасвиrlenса, дарвиш Бектоший топқирлиги билан айrim калтибин қозиларнинг, дин пешволарининг устидан кулувчи халқ қаҳрамони сифатида тасвиrlenади. Гўл, бефаҳм, қайсар хукмдорлар ҳақидаги латифалар вазир Қоракуш номи билан боғлиқ. Қоракушнинг калта фаҳмлиги унинг сўзларида, хизматларига иш буюришида кўринади. Хобеннеки ҳақидаги латифаларда ҳам содда, гўл ёдамлар устидан кулинади.

Латифаларда мавзу жиҳатдан ўзга халқ фольклорида учрайдиган воқеаларга қисман ўхшашлари ҳам бўлиши мумкин.

Намуналар:

Дарвозани ёпинглар.

Бир кунӣ Қоракушнинг лочини кафасдан чиқиб кетибди.

– Дарвозани ёпинглар, лочин чиқиб кетмасин, – буюрибди Қоракуш қоровулларига.

Виждоним тоза

Қози бўлган Афанди даъвогарнингми, жавобгарнингми ҳақлигиними еча олмай боши қотдида, иккаласини ҳам калта-клашни буюрди.

Жазо бажарилгач, хўрсиниб деди:

– Энди виждоним тоза, қайси бири айбдор бўлса ҳам жазодан куттилолмади.

Қарзлар

Афандидан сўрапибди:

- Айтишларича, сен қарзларингни тўламас эмишсан?
- Ёлғон, мен фақат эски қарзларимнигина тўлаганман.
- Ундаи бўлса, янги қарзларингни қандай тўлайсан?
- Эски бўлишини кутаман.

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ОҒЗАКИ ИЖОДИ ТИПОЛОГИЯСИГА ДОИР

Типология - вақт ва манзил, давр ва замондан қатъи назар, турлича яқин ва узоклиқдаги адилар ижоди ва миллий адабиётлар аро: дунёқараш, ирқ, дин, тараққиётга боғланмаган равишда, таъсир рол ўйнамаган ҳолда бадиий тафаккур хосликларида зоҳир топувчи ижодий метод, йўналиш, оқим, ижод типи ва услубдан тортиб, ҳар бир алоҳида санъаткор ижодида дунё ва инсонни кўриш ҳамда уларни бадиий акс эттириш масалаларида намоён бўлувчи яқинлик, ўхшашлик, муқобилик, ҳамоҳанглик, айниятдошлиқ. Бадиий адабиётнинг бу қонунияти конкрет ёзувчи ижоди ҳамда муайян миллий адабиётни қиёсий адабиётшунослик аспектида жаҳон адабиёти ёки муайян регионлар контекстида ўрганиш имкониятини яратади; ёзувчи(лар), миллий адабиёт(лар) нинг кенг ва миқёсли адабий жараёндаги ўрнини ёритади; муайян ва ранг-баранг миллий ўзликлар гармониясидан ташкил топган жаҳон адабиётига: ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам яхлит назар ташлашга йўл очади. Бир сўз билан, айтганда, меҳварида санъаткорлар турган, Жаҳон адабиётини табиий хужайралараро нафас олаётган яхлит жараён, яхлит организм сифатидаги ички ва ташки қиёфасини гавдалантиради¹.

Халқ оғзаки ижодининг бой образлари ичida бир-бирига ўҳшайдиган тимсоллар бўлиши жаҳон фольклорида тез-тез кузатиладиган ҳодиса. Образлар қиёсий типологиясини ўрганиш, бу ўша халқларнинг тарихи, маданиятининг илдизи ҳақида маълумот беради. Тарихий келиб чиқиши **бир-бирига яқин** бўлган халқлар оғзаки ижодида айниқса,

¹ “Ўзбек адабиёти. Таъсир ва типология”. “Мухаррир” нашриёти. Тошкент 2013. Б. 6-7

типовогик жиҳатдан бир-бирига яқин тимсолларнинг учраши табиий. Халқ оғзаки ижодида ҳам, умуман адабиётда ўхшаш образларнинг яратилишининг маълум бир асос ва сабаблари бор.

1. Халқлар тарихий илдизининг бир нуқтага бориб тақалиши. Масалан туркий халқлар учун Ўрхун-Энасой ёдгорликлари муштарак адабий манбадир. Славян халқларида ҳам ҳудди шундай фин-угор халқлари ҳам ҳудди шундай муштарак манбага эга бўлиши табиий ҳол.

2. Халқлар бошидан кечирган ижтимоий форматцияларнинг ўхшашлиги. Яъни бугунги даврга қадар ҳар бир халқ маълум бир ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

3. Маълум бир халқ достони таъсирида йўккинчи бир халқда шундай достоннинг яратилиши. Бу айниқса ҳудуд жиҳатидан кўшни яшаган ва тил жиҳатидан тиллари бир оиласа мансуб бўлган халқларда кўпроқ кузатилади.

Ўзбек-турк халқ оғзаки ижодидаги айrim образларни типологик ўргансак ёки умуман ўзбек-турк фольклорини жанр нуқтаи назаридан ҳам, мазмун нуқтаи назаридан ҳам қиёсласак яқинликни- мазмунан, шаклан ўхшашликни учратамиз. Халқ оғзаки ижодидаги энг кичик жанр бўлган мақоллардан бошлаб йирик эпосларда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Ўзбек ва турк халқ мақолларидаги ўхшашликлар бўлиши ажабланарли эмас. Чунки келиб чиқиши бир бўлган туркий халқлар бугунги даражасига етгунича деярли бир хил турмуш тарзини босиб ўтганлар. Куйидаги ўзбек ва турк халқ мақолларига эътибор қилинг:

Тил қўнгил таржимонидир. Lisan gönlün tercümanıdır
Экканингни ўрасан. Ne ekersen onu biçersin

Сабр эттан – муродга еттан. Sabreden derviş, muradına ermiş.
Аяган кўзга чўп тушар. Sakınan göze çöp düşer

Чумчукдан кўрққан тариқ экмайди. Serçeden korkan dari
ekmez.

Хазил, хазилнинг таги зил. Şakanın sonu kakadır¹.

1 “O’zbek va turk maqollari iboralari”. Özbek-türk ata sözleri ve deyimleri sözlüğü.

Икки халқ оғзаки ижодидаги барча мавзулардаги мақолларда шу каби ўхшашликларни күришпимиз мумкин.

Турк халқ мавсум, маросим, йўқлов, аллаларидағи образлар силсиласи ва ташбеклар ҳам, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги шу мавзудаги кўшиқларга ўхшашдир.

Латифа жанри халқ оғзаки ижодида жуда кенг тарқалган. Насриддин Хўжанинг тарихий шахс бўлганлиги ва у Оқшаҳарда яшаб ўтганлиги маълум. Халқ оғзаки ижодида Афанди образи бу шахс билан боғланар экан, бугунги кунда ўзбек фольклоридаги Насриддин Афанди шунчалик сингишиб ўзбек бўлиб кетганки, уни ҳеч ким Оқшаҳарлик Насриддин Афандига боғламайди ҳам.

Халқ эртакларига эътибор қилсакда ўхшаш тимсолларни учратамиз. Масалан эртаклардаги кўп учрайдиган дев, ялмоғиз, жодугар кампир ва ҳоказо. Шунингдек бош қаҳрамонларга жонзотларнинг ёрдами от, куш, ит ва бошқа. Турк халқ оғзаки ижодида “Калўғлон” туркум эртаклари бор. Унда содда кўринувчи, аммо ўзига яраша шум, уддабурон Калўғлоннинг ҳар қандай вазиятдан тадбир билан чиқиб кетиши ҳикоя қилинади. Ўзбек эртакларида эса “Кал” образи бор. У ҳам айёр, уддабурон. Турк эртагидаги Калўғлон билан ўзбек эртагидаги Калда фақат ёш жиҳатидан фарқ бор холос.

Ўзбек халқ эпоси Алпомиш билан турк халқ -оғзаки ижодининг йирик намунаси Дадакўркут (“Кўркут ота китоби”) достонларини кузатиш типологик жиҳатдан жуда бой материал беради. “Кўркут ота китоби” мустақил ўн икки достондан иборат, аммо бу достондаги ички ва ташқи ўғиз қабилаларининг ўзаро муносабати уларни боғлаб туради. Айниқса, Бамси Байрак ҳакидаги достон сюжети, ҳам айрим мотивлар жиҳатидан ҳам Алпомиш достонига жуда яқин¹. Алпомиш достонидаги ёй отиш, отда чопиш, курап тушиш

Toshkent. 1998

1 В.М. Жирмунский. “Тюркский героический эпос”. Изд. “Наука” Ленинград. 1974

мотивлари Бамси Байрак достонида ҳам бор. Шунингдек Алпомишнинг зинданбанд қилиниши Бамси Байракнинг зинданбанд қилиниши, Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч ойим билан Бамси байракнинг синглисидаги характер ўхшашликлар аник мисоллардир. Кўркут ота ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берадиганимзинг сабаби шундаки. “Дада Кўркут китоби” нинг Дрезденда сақланаётган нусхасида “Кам Пуренинг ўғли Бамси Байрак” боби бор бўлиб, бу саҳифалардаги воқеалар тафсилоти кўп жиҳатдан “Алпомиш” достонидаги тасвирларни эста солади. Ўз вақтида В.М. Жирмунский¹ ва Ҳ.Т. Зарифовлар “Ўзбек ҳалқи қаҳрамонлик эпоси” китобларида “Алпомиш” достони билан “Бамси Байрак” ўртасидаги исмларда, фарзандсизлик мотивида, кейинчалик фарзандларнинг туғилиши ва бешик кергти қилинишида, бош қаҳрамоннинг асирга олинишида, хотинининг бошқа бирорга узатишадиги куни қайтишида жуда кўп ўхшашликлар борлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, достоннинг пайдо бўлиши ўғизларнинг анча қадимги замонларда Ўрта Осиёда истиқомат қилган пайтларига тўғри келади. Факат салжуқийлар замонидагина (XI-XII) асар сюжети Кавказ орти ва Кичик Осиё ҳудудига кўчган ва “Дада Кўркут китоби” га киритилган бўлиши мумкин. “Бамси Байрак” эса қўнғирот “Алпомиш”ининг бошланишига асос бўлган қаҳрамон эмас, балки кўжна манбадан ўрин олган параллель нусхадир. Бу достон ўғиз туркийлари оғзаки ижодида машҳурлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Туркий ҳалқлар адабиётида Алпомиш достонинг 35 варианти бўлганидек (масалан қозоқ, қорақалпок, нўғай) Гўрўғли (Кўрўғли, Карўғли, Гургули) туркум достонларининг ҳам ўнлаб вариантлари бордир. Ўзбек, турк, озарбайжон, туркман фольклорида Гўрўғли туркум достонлари айниекса машҳур. Аммо, Гўрўғли ҳақидаги энг кўп достон ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида яратилган. Юзга яқин вариантлари бор².

1 Ўша китоб

2 Тўра Мирзаев. “Ўзбек ҳалқ эпоси” Т. 2009 й.

Гўрўғли туркумидаги достонларнинг генезеси Ўрхун-Энасой ёдгорликларига бориб тақлиши ҳақида олимлар илмий фикр билдирганлар¹.

Турк халқ оғзаки ижодида ўзбек халқ оғзаки ижоди билан муштарақ жихатларнинг бўлиши табиий ҳол. Чунки ўрта асрларда Ўрта Осиёдан кетган туркий ўғиз қабилалари Кичик Осиё худудида жойлашиб секин-секин у ерларни забт этиб ўрнашганлиги тарихий факт. Ҳар бир қабила бир жойдан иккинчи жойга кетганида у қандай тарихий воқеа таъсирида кетишидан қаътий назар ўзи билан бирга халқ ижодини ҳам олиб кетади. Демак ўзбек ва турк фолклоридаги ўхшашликларни асосий илдизи қадим тарихимизга бориб тақалади.

Бинар(икки) типология қиёсга асосланган тадқиқотларнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Зоро, фақат иккиланган, иккига бўлинган нарсанигина солиштириш мумкин, битта парса эса қиёсга энмайди.

Типология фаннинг барча соҳаларида қўлланиладиган универсал илмий тадқиқот усулидир. Мўтабар луғатлардан бирида унга шундай таъриф берилади: “Типология обьектлар тизимини бўлиб ташлаш ва уларни умумлашган модел ёки тип ёрдамида гуруҳлаштиришга асосланган илмий метод; обьектлар тузилмасидаги муҳим белгилар, алоқалар, функциялар, муносабатлар, сатҳларни қиёсий ўрганиш мақсадида фойдаланилади; типологияда қўлланиладиган асосий мантикий шакллар – тип, таснифлаш, систематика, таксономия”².

Туркий халқлар оғзаки ижодини, хусусан ўзбек ва турк халқлари оғзаки ижодини типологик тарзда ўрганиш, ҳар икки халқ тарихи, маданиятидаги умумий нуқталарни янада теранроқ ҳис қилишимизга ёрдам беради.

1 О. Мадалиев. “Гўрўғли достонлари генезесига доир”, “Шарқ юлдузи” 2013 йил. 4-сон

2 “Советский энциклопедический словарь”. Москва. Советская энциклопедия, 1984..Б.1325

XIII-XV АСРЛАРДА ТУРКИЯДАГИ ИЖТИМОЙИ ВА АДАБИЙ МУХИТ

Түрк мұмтоз адабиётининг ilk намуналари XIII асрнинг иккінчи ярмидан яратила бोшлади. Кейинги асрларда ўзининг эң яхши намуналарини яратған бу адабиёт XIX асрнинг иккінчи ярмігача, яъни Farb адабиёти ва маданияти таъсири сезила бोшлагангача бўлган даврда дунёга кўплаб талантли ижодкорларни берди. Түрк мұмтоз адабиёти тарихини шартли равишда уч даврга ажратиш мумкин:

1. Шаклланиш (қурилиш)
2. Юксалиш
3. Тақлид

Биринчи даврни ўз ичига олган XIII-XV асрларда түрк шоирлари форс тилидаги адабиётiga эргашыб асарлар ёздилар. Форс тилида яратилған машҳур бадиият намуналари таржима қилдилар. Агадўли учун эрон адабиёти ўша вактда бир намуна эди. Зотан бу асрларда форс тилида кўплаб жаҳон адабиётiga ўрнак бўлгулик асарлар яратилгани сир эмас.

Түрк шоирлари шакл ва мазмун жиҳатидан ҳам эрон адабиётiga эргашар, форс тилидаги асарларни чукур мutoала қилиб, ўзлаштиришга интилардилар.

Форс тили шеърият тили саналар, түрк тилида форс тилида яратилғандек бадиий юксак адабиёт намунасини яратиш имконисиздек туйиларди. Аруз вазни ҳам түрк адабиётiga эрон адабиёти орқали кириб келди. Аруз вазнида ижод қилган шоирлар кўплаб арабча ва форсча сўзларни кўллардилар. Натижада маълум “қолип”га солинган адабий тил-усмонлича юзага келди. Бу давр шоирларининг тили, келажакда яратиладиган асарларга нисбатан содда ва қусурлардан ҳоли эмасди.

Истанбулни фатҳ этилишидан (1453) XVIII асрнинг охирларига бўлган “Юксалиш” даврида яшаб ижод қилган түрк шоирлари, мұмтоз адабиётнинг ажойиб намуналарини яратиб, ўзларини эронлик шоирлардан устун кўядилар. Бу даврда том маънодаги түрк мұмтоз адабиёти юзага келди. XV-XVI

асрларда усмонлилар империяси кучайган, сиёсий жиҳатдан Эрондан бир қадар устунликка эришганди ҳам. Истанбул йирик сиёсий марказ ва маданият, адабиёт гуллаган шаҳарга айланди. Эрон адабиётининг олтин даври XV аср бўлса, турк адабиётининг олтин даври XVI аср бўлди. Кейинчалик Усмонлилар империясининг заифлашуви, ўзаро урушларнинг таъсири адабий муҳитга таъсир қилмай қолмади. XIX асрға келиб адабиёт маълум даражада тароватини йўқотди.

Учинчи давр, яъни “Тақлид” даври XIX аср бошларидан Танзимот адабиёти деб аталган XIX асрнинг 60 йилларгачадир. Танзимот адабиёти даври турк адабиётига Европа маданиятининг таъсири сезила бошлаган даврdir. “Тақлид” даврида адабий асарлар яратилиб турса ҳам, бу асосан устозлар традицияларини давом этдириш бўлиб йирик шоирлар етишиб чиқмади.

XIII асрда Анадўлида салжуқийлар ҳукмронлик қилиб, сulton Аловиддин даври бу асардаги энг порлоқ даврdir. Аммо, 1232 йилда бошланган мўғул истилоси салжуқийлар ҳукумдорлигига барҳам берди. Истило давридаги зулм, қароқчилик ҳар-хил мазҳаблар ўртасидаги кураш халқни ҳолдан тойдирди. 1308 йилга келиб салжуқийлар давлати турли бекликларга бўлиниб кетди.

XIII юз йил урушларга бой бўлишига қарамасдан, Анадўлида турк адабиёти шакллана бошлади. Бу даврдаги истилоларга қарамасдан Конъя, Сивас, Арзум, Караман каби шаҳарларда карvonсаройлар, жоме, мадраса ва бошқа меъморлик иншоотлари бунёд этилди. Йирик шаҳарларда илм, санъат, адабиёт вакиллари тўпландилар. Мусулмон давлатларидан зиёлиларнинг Анадўлига келиши ҳам бу ердаги адабий ва маданий муҳитга таъсир қилмай қолмади. Ж.Румий каби даврининг йирик алломалари ҳам Анадўлига келиб қолди. Аммо, зиёлилар кўпроқ форс тилида сўзлашпар ва асарлар ҳам форс тилида яратиларди. Бу даврда яратилган йирик асарлардан Ж. Румийнинг “Маснавий”си ҳам форс

тилидадир. Айни пайтда турк халқ оғзаки ижоди таъсирида ва ёш зиёллар, турли тариқат вакилларининг ҳаракати туфайли туркий шеърлар ҳам пайдо бўла бошлади. XIII асрда яшаган Хўжа Дехқоний “Салжуқийлар шоҳномасини” ёзгани маълум, бирор бу асар ҳанузгача топилмаган. XIII юз йилнинг охирларида давлатни бирлаштиришга ҳаракат қилган салжуқий Караман ўғилларидан Мехмед Бей 1277 йилда турк тилини қўллаш ҳақида фармон чиқаради. “Бундан буён девонда, маҳкамаларда, мажлисларда ва кишилар тўпланадиган жойларда туркчадан бошқа тил қўлланилмасин” мазмунидаги буйруқ ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди.

XIV аср бошларида Согут ерларидаги кичик бир бейликка ҳукмдорлик қилган усмонлилар секин аста кучайиб, курашларда ғалаба қозониб давлатни бирлаштира бошлади. Анадўлида сиёсий бирлик вужудга келди. Бурса пойтахт шаҳар сифатида довруқ қозонди. Шоирлар, меъморлар файласуфлар бу шаҳарга йигила бошладилар. Давлат мустаҳкамланиб, юксалиш сезила борди. XIV аср турк мумтоз адабиётининг, девон шеъриятининг бошланиш асидир. Хўжа Маъсүт, Аҳмадий, Қози Бурҳониддин каби ижодкорлар етишиб чиқди.

XV асрда усмонлилар империяси янада кенгая борди. 1453 йил 29 майда Истанбулнинг фатҳ этилиши Туркия сиёсий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди.

Истанбулнинг олинини билан Кичик Осиё турклар ҳукмронликни тўлиқ қўлга киритдилар. Айни пайтда Византия империяси тарихга кетди. Истанбулнинг бошкент бўлиши туфайли шаҳарга бутун усмонлилар қўл остида бўлган ерлардан шоирлару фозиллар, меъморлар оқиб кела бошлади. Истанбул ҳам сиёсий, ҳам маданий марказга айланди. Кўплаб меъморий ёдгорликлар бунёд этилди. XV юз йил охирларида турк девон адабиёти “шаклланиш” даврини ўтиб бўлиб “юксалиш” даврига қадам қўйганди. Ўрга асрлар адабиётининг асосий адабий тури бўлган шеърият анъанавий йўлни давом этдириш билан бирга, янги жанрларда асарлар

яратила бошлади. Айниқса, маснавий шаклида кўплаб асарлар яратилди. Халқ оғзаки ижоди йўлида шеър айтган “ошиқ”лар шеъриятида ҳам, тасаввуф руҳида асарлар ёзган шоирлар ижодида ҳам кўтарилиш кўзга ташланади. XV асрда наср ва тарихий асарлар ёзиш, тазкиралар тузиш кўпайди. Аммо, насрий асарлар тили жуда жимжимадор, мажозли эди. Синон Поро, Ашраф ўғли Румий, Ориф Али, Ошиқ Пошозода асарлари бунга мисол бўла олади. “Сулаймон шоҳнинг ўлими”, “Усмон Фозининг васияти”, “Усмон Фозининг рўёси” (Ошиқ Пошозода), “Ўгитлар”, “Ишқ” (Синон Поро), “Ўғизхон ва Дада Кўркут”, “Усмон бейнинг ўғизларга бей сайланиши” (Ёзижи ўғли Али) каби асарлар XV аср насрининг энг яхши намуналари дидир. Турк адабиётидаги ilk сатирик асар ҳам XV асрда яратилди. Шайхий, Адмади Доий, Ҳабибий, Зайнаб Хотун, Мехри Хотун, Масиҳий, Жомолий, Аҳмад Поро, Иваз Пошозода Атоий, Накқош Сафий, Нажотий, Висолий каби турк мумтоз адабиётининг гўзал намуналарини яратган шоирлар ҳам XV асрда яшаб ижод қилдилар.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ (1207-1273)

Ўрта аср шарқининг энг йирик алломаларидан Жалолиддин Румий Хуросоннинг Балх шаҳрида туғилган бўлиб, асл исми Мухаммаддир. Жалолиддин Румий тахаллуси бўлиб, турклар Кичик Осиёни Румэли дердилар.

Унинг отаси Баҳовуддин Валад ўз даврининг йирик уламоларидан бири эди. Мухаммад Хоразмшоҳ билан ихтилоф туфайли замонасининг “Султонул уламо”си бўлган Баҳовуддин Валад ўз оиласини олиб Балхдан чиқиб кетади. Яна бир маълумотларга кўра Баҳовуддин Валад мўғул истилоси туфайли, олдиндан Балх тақдирини сезгани туфайли шаҳарни ташлаб кетган, деган фикрлар бор.

Дарҳакиқат, мўғуллар Балхни босиб олгач қатли ом қилади, тўрт юздан ортиқ машҳур алломаларнинг боши кесилади.

Балхдан чиққанларида Жалолиддин 12 ёшда эди. Уларнинг оиласи Ниппопурда, Боғдодда, Маккада, Мадинада, Дамашқда, Халабда, Оқшаҳарда яшайдилар. Бу машхур шаҳарларнинг қайси бирига бормасин Баҳовуддин Валад иззат-хурмат билан кутиб олинади, сиёсат аҳли ҳам, илм аҳли ҳам бирдек эъзозлашади. Охири турк султони 1 Қайқубоддининг (1219-1236) таклифи билан 1229 йилда Конъя шаҳрига келиб ўрнашадилар. Бу вақтда Жалолиддин балоғатта етган йигит бўлиб, отасининг муридларидан, асли самарқандлик бўлган Саид Бурҳонидиннинг Гавҳар исмли қизига уйланган (1225) эди. Гавҳар хотиндан Жалолиддин икки ўғил кўради, каттаси Султон Валад келажакда шоир бўлиб етишади. Гавҳар хотин вафотидан сўнг, Кира Хотунга уйланади. Бу оиласидан Музаффариддин, Олим Чалабий ва Малика исмли фарзандларини кўради.

Аввало, отасидан ва даврининг йирик алломаларидан таълим олган Жалолиддин йирик мутафаккир, файласуф, шоир бўлиб етишади. Унинг иктидори жуда ёшлигига ёқ сезилган экан. Машхур мутасаввуф олим Муҳиддин Арабий ҳали бола Жалолиддинни отасининг орқасидан кетаётганини кўриб, “Оллоҳ, оллоҳ бир дарё орқасидан уммон кетаётир” деган экан. Дарҳақиқат 1231 йил отасининг ўлимидан сўнг ўрнига шайх бўлган Жалолиддин Румий кейинчалик отасидан ҳам машхур аллома бўлиб етишади. Унинг адабий фалсафий мероси ниҳоятда бойдир. “Маснавий маънавий” асари олти дафтардан иборат бўлиб 30000 ортиқ мисрани ўз ичига олган. Бу асарни Жалолиддин Румий умрининг сўнги 14 йилида яратган. “Девони Кабир” (“Девони Шамсул ҳақойиқ” яъни, “Ҳақиқат қуёшининг китоби” деб ҳам аталади) 44000 мисрадан иборат бўлиб 2703 ғазал жамланган. Рубоий ва тўртликлари 4000 мисрадан ортиқ. “Фиҳи мо фиҳи” яъни “Нимаки унладир-унладир” (ўзбек тилида “Ичингдаги – ичингдадир” номида 1997 йил нашр қилинган. Таржимон Улугбек Абдуваҳобов) фалсафий асари, 147 мактубдан иборат “Мактубот” тўплами

бор. Бу асарлар асосан форс тилида бўлиб, уларнинг жуда оз қисмини шоирнинг ўзи ёзган. Жалолиддин Румий деярли барча адабий мероси котиблари томонидан Жалолиддин Румий айтиб турганида ёзиб олинган. Бу нарса улуғ мутафаккир меросини заррача камситмайди.

“Форс тилидаги Қуръон” – деб улуғланган “Маснавий”, “Най таронаси”ла:

Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур,
Айриликлардан шикоятлар қилур

мисралари билан бошланади. Чунки най тасаввуфда ошиқ, яъни илоҳий ишқ ошигининг рамзий образидир. Ориф ва оқил инсоннинг ўзини илоҳий ишқ йўлига бағишлаган инсони комилнинг лутфи ниҳоятда ошиқона ва лазиз бўлиши керак. Ўзининг тоза ҳаётидан айрилган найнинг “жудоликдан шикоятлар қилиши” ориф инсоннинг рухи каби ҳамиша бокий руҳоният оламига интилишидир. “Маснавий маънавий”да Жалолиддин Румий ўзининг таълимотини, дунёқарапини баён қилган. ҳадис ва оятлар, халқ оғзаки ижодидан олинган масаллар, нақллар, латифалар, ибратли воқеаларга ва ҳикоятларга ўралган фалсафий фикрлар асарнинг моҳиятини ташкил этган. Инсонларга тушунарлироқ бўлиши ва тезроқ етиб бориши учун у ўз фикрларини шеърият тили билан сўзлайди. Румий мутафаккир шоир сифатида мурккаб сўфиёна қарашларини, рамз билан ишора қилинган мулоҳазаларни оддий ҳаётий тафсилотлари билан тушунтириб беради. “Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта эта олган, тасаввуф ва фалсафани қўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улуғ мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирор-бир мутаассиблиқ, кўр-кўронга ақидапараастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва ҳушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг

нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, рухимиз иқлиmlаридаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради. (Н. Комилов. Ж. Румий. Ичингдаги ичингдадур. Тошкент.”Ёзувчи”.1997.6-бет)

“Маснавий”да инсоннинг бутунлиги, улуғлиги, мусаффолиги ҳам, нуқсонлари худбинлик оқибатида келиб чиқадиган иллатлар ҳам таҳлил этилади, бу иллатлардан, нуқсонлардан кутулиш, покланиш фазилатлари баён қилинади. Румий учун инсонлар динидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар бирдир. Муҳими у инсон бўлганлиги учун қадрлидир. Тасаввуфда, асосийси, инсон кўнглидир, кишилар турли тилларда сўзлашадиган халқларга бўлинишидан қатъий назар улар бир бирини тушуниши англаши керак. “Маснавий”нинг бош ғоясини “сўфий тилни” яъни “тилсиз тилни” билишга ундашдир. Жалолиддин Румий мана шундай умумбашарий ғояларни тарғиб қилиб ёзади:

Яна кел,
Ким бўлсанг - ўша бўл,
Хоҳи кофир, хоҳи мажусий, хоҳи будпараст,
Майли юз карра тавба қилган бўл,
Майли юз карра бузган бўл тавбани
Умидсизлик даргоҳи эмас бу даргоҳ,
Қандоқ бўлсанг- шундоқ кел...
(Миртемир таржимаси).

Инсонни улуғлаш Шарқ шеъриятида ҳамиша биринчи даражада бўлган. Бу ғоя Ж. Румий шеъриятида ҳам, фалсафий асарларида ҳам, ваъзларида ҳам бирдек ўз ифодасини топгандир. Румий даврининг буюк нотифи ҳам эди. Унинг ваъзларини эшлиши учун жуда узоқлардан муҳлислари келишар ва бу ваъзларидан олам-олам маъно, завқ олиб қайтишардилар. Ж. Румий нутқларини эшлиши учун Табриздан Муҳаммад Шамс Табризий деган дарвеш келади. 1244 йил 29 ноябрда даврнинг икки инсони учрашадилар.

Ҳозир ҳам Туркияда Жалолиддин Румий ва Шамс Табризий учрашган жой “икки нахр учрашган” жой сифатида зиёрат қилинади.

Шамс Табризий билан сұхбатлар Румийға янада илқом берди. Бу икки дўст соатлаб сұхбатлашар, зоҳирий ва ботиний белгилар ҳақида бир бирининг фикрни тўлдирардилар. Улар умрининг охиригача дили бир дўст бўлиб қолдилар.

Румий бир умр эзгуликни, покликни тарғиб қилди ва ўзи комилликнинг намунаси бўлди. Мана ҳазратнинг шу руҳдаги рубоийси:

Яхшилик қил, замон яхшилик олсин,
Яхшилар бошига яхшилик солсин.
Мол дунё барчадин, сендан ҳам қолур,
Яхши мол эмас, яхшилик қолсин.
(Жамол Камол таржимаси)

Румий инсонларни илм олишга ундали, тўғриликка, соғлика йўналтириди. Ҳар бир инсон “Тожи олам” бўлишига интилиши даркорлигини уқдирди:

Бўлай десанг доимо сен шоду хуррам,
Қайта борсанг ҳамки азиз мукаррам.
Илм ўргану покиза ва тўғри юр,
Шунда бўлажаксан сен тожи олам
(Жамол Камол таржимаси)

Асарлари фикрлапшга, инсон ўзлигини танишга бошловчи Жалолиддин Румий умр бўйи одамлар онгини руҳоний билимлар билан чароғон этди. У тушунчаларни шеърият, мусиқа орқали англашни ўргатди. Румий ижоди ўзидан кейинги авлодларга бир мактаб бўлди, маънавиятнинг юксак чўққиларини эгаллашга чорлади. Румийдан сўнг яшаб ўтган деярли шарқнинг барча буюк шоирлари уни ўзига устоз деб

билидилар. Абдурахмон Жомий “Маснавий маънавий”ни беназир китоб, форсийдаги Куръон”- деб улугласа, ҳазрат Алишер Навоий ўзининг “Насойимул муҳаббат” асарида Румийни юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс “Жалолиддин лирикаси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқларидан биридир. Агар у Ғарбда кенгроқ маълум бўлганида, унинг номи жаҳон адабиётининг Шекспир, Гёте, Пушкин каби гигантлари қаторига ўтиши шубҳасиз эди” - деб Румий ижодини жуда юксак баҳолаган эди. Ж.Румий ижоди бугунги кунда ҳам инсонни маънавий камолотга етишувида хизмат қилмоқда.

СУЛТОН ВАЛАД (1226-1312)

Карманада туғилган Султон Валад Мавлона Жалолиддин Румийнинг тўнғич ўғлидир. У бир умр отасининг тарбиясини олган, мавлавийлар муҳитида тарбияланиб вояга етган зот. Конъя ва Шомдаги энг машҳур мадрасаларда таҳсил олиб, илоҳий билимларни чукур эгаллади. Отаси Ж. Румий вафотидан сўнг мавлавийлар сулуки шайхи Хусомиддин Чалабий бўлади, кейин С. Валад шайх бўлиб, Румий талимотини элга танитмоқ унинг бир умрлик мақсадига айланди. С.Валаднинг шахс сифатида шаклланишида Шамс Табризийнинг таъсири ҳам кучли бўлган. Султон Валад шоир сифатида отаси Жалолиддин Румий даражасига етаолмасада, унинг ташкилотчилиги кучли эди. У бир умр отасининг таълимотини ривожлантириш ва тарғиб қилишни ўзига мақсад қилиб кўяди. Ж.Румий асос солган “мавлавийлик” тариқат ўлароқ Султон Валаддан бошланади, кейинчалик ўғли Ориф Чалабий ҳам шу ишни давом этдиради.

Султон Валад мавлавийлик тариқатининг баъзи қоидаларини ишлаб чиқди. Унинг асарларининг мазмуни ҳам мавлавийлик таъриқатини хусусида бўлиб, асосан дидактик руҳдадир. Султон Валаднинг бобоси Баҳовиддин Валад ва

бошқа ўзига замондош шайхлар ҳақидаги ёзиб қолдирғанлари айникса ақамиятлидир. Румийнинг баъзи асарлари тўғридан тўғри Валад ёзиб қолдирған манбалардан олинган.

Султон Валад турк тилида ёзилган илк шеърлар намунасини берган шоир сифатида ҳам қадрли. Тасаввуфий руҳда бўлган, мавлавийлик руҳиятини кенг халқ оммасига сингдириш учун ёзилган туркий шеърларнинг услуби ўзига хосдир. Султон Валаднинг девонида уч маснавий – “Ибтидонома” (1291) “Рубобнома” (1301) “Интихонома” ва “Маориф” номли насрый асари бор. Шоирнинг адабий мероси асосан форс тилида бўлсада, девонда, туркча-форсча, туркча-форсча-румча аралаш байтлар, ҳамда туркча шеърлар учрайди. Жами 156 байтни ташкил қилган “Рубобнома”даги бу туркий шеърлар 1301 йилда Кичик Осиёда ёзилган санаси аниқ бўлган илк туркий ёзма адабиёт намунасидир. Шоирнинг туркча девонини биринчи маротаба 1925 йилда Валад Чалабий Избудак “Девони Туркий-й Султон Валад” номида жамлаб эълон қилган. Девонда асосан шоирнинг туркийда ёзган адабий мероси ва маснавийларидан парчалар олинган. Адабиётшунос олим Маждут Мансур ўғли 1958 йили “Султон Валаднинг туркча манзумалари”ни тайёрлаб напр этдирди. Шоирнинг туркий тилдаги адабий мероси адабиётшуносликда “илк салжуқий шеърлар” номила ҳам аталади.

Султон Валаднинг адабиёт олдидаги асосий хизмати тасаввуфий, фалсафий руҳда биринчи бўлиб турк тилида асар яратганидир. С.Валад асарлари мазмунан ва шаклан янгилик бўлмасада, ўша давр адабий маҳсули, тил хусусиятлари жиҳатидан қимматбаҳо меросдир. Турк тилида адабий асарлар яратишга туртки берган шоир мавлавийликни содда тилда, оддий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қиласиди. Томчи сув уммонга сингиб кетгандек, инсон руҳи агадиятта сингиб кетишини уқтиради. Кўзни очиб “томчикдек денгиз сари тўғри юриш, томчикдек денгизга қоришиб мангу қолиш” яъни адабий руҳ салтанатида бўлиш ҳар бир сўфий учун

маслақдир. Султон Валад сүфий шоир сифатида, асарларида давр адабий мұхитини акт эттиrolдикі, бугун күн учун бу жуда ажамиятлидір.

“Маориф” асаридан

Бирор менга савол берібди, Деди: баъзи дарвешларни күрдім, бошқа жойларда таъқиқланған самоъ ва қүшиқ мажлисларини қызитадилар. Қандай бўлар экан, бу дарвешлик мазҳабига тўғри келадими, бундай ишлар равоми?

Мен жавоб беріб дедим: Буни батафсилик қилиб, кенгайтириб тушунтириш керак эди, аммо мухтасар айтадиган бўлсан, шуни билгинки, агар дарвеш сидку вафоли бўлса, жаҳд билан йиллар намозу рўза, зикру хилватнишинлик шартларини адо этиб, Худо талабида юрган бўлса, ботини мезон орқали Уни давр этган ва ўзининг ҳам каму кўсти (нуксони)ни англаган бўлса, у самоъ (мажлисида иштирок этиб), доира ва най, танбур ва рубоб (овозини) эиштганда Худовандга яна ҳам яқинлашади, ҳолати ўзгариб, илоҳий шавқ илҳомида ёнади. Ишқ ва факр муфтилари буни у ҳақда рано кўрадилар. Негаки, унинг бундан мақсади қурб (яқинлашиш) ва Илоҳ жамолидан лаззатланишдир.

Аммо, намоз вақтида ҳол ва важдга берилишга қўймадилар, чунки ҳар бир мақсаднинг ўз мавриди, сурату русуми бордир. Бироқ булар билан бирга (яъни намозу рўза билан бирга) самоъга берилиб, хузурланса (руҳий ҳаловат топса), уни бошқаларга қиёслаб ҳукм чиқармаслик керак. Зероки, унинг ибрати зоҳиран куфр бўлиб туоялса-да, лекин аслида бу куфр замирида дин бордир ва маъни юзасидан айни иймондир. Аммо, бошқаларнинг ишратлари куфр устига куфр ва зулмат устига зулматдир. Факр йўлида қилинадиган қолган барча ишлар ҳам шариатнинг мағзидир, демак, ҳар бир нарсанинг мағзи унинг мухолифи бўлолмайди. Ёнғоқнинг мағзини шафтоли ёки ўрик мағзи демайдилар. Шариат омманинг ибодату тоатидир – осонлаштирилган йўлдир, токи киппилар ўз юмушларини бажариб, беш вақт намоз воситасида

Худойим таоло ибодатини адо этсинлар ва Худони ёдга олиб турсинлар. Уларнинг майл ва ишқлари кучсиз бўлганлиги учун бундан ортиқقا чидолмайдилар. Куруқликдаги кушлар доимо сувда юролмайдилар ва тупроқдан буткул халос бўлолмайдилар, илло, гоҳ-гоҳида сув атрофида юрадилар, сувдан ичадилар ва у билан баданларини тозалайдилар, яна ўзларининг қуруқликдаги масканларига учиб борадилар. Бу (иш) баликнинг вазифасидирки, “Ало салотиҳи доимуна” (намозлари доимийдир). Балиқлар денгиздан ажралиб яшаплари мумкин эмас, уларнинг ҳақиқат денгиздан пайдо бўлган ва дengiz билан биргадир: “Рашпа алайхим мин нури” (нур ёмғири ёғилсин унга).

Шариатдан мақсад сувга ва дарёга юз буришdir, аммо хос бандалар бамисоли балиқлардек буткул дарё ичиладирлар ва дарё уларнинг донидир, улар дарё туфайли тириклилар, таомлари, кийимлари, маскан-манзиллари, орому уйкулари, ризку-рўзлари ҳам дарёдир, яъни: “Аллазина язкурунналлоҳа қиёман ва қуъудан ва ало жунубиҳим ва ятаффаккуруна фи фаққис самовати вал-арзи” (Еру кўкнинг маҳлукоти Аллоҳ зикридадирлар ва унинг фикри билан банддирлар).

ЮНУС ЭМРЕ

(1239-1321)

Ўрта асрларда яшаган турк шоирлари ичida турк тилида асарлар ёзиб, ёзганда ҳам кенг ҳалқ оммасига тушунарли тарзда равон шеърлар яратиб машҳур бўлган шоир Юнус Эмредир. Юнус Эмре 1239 йилида Эскишаҳардан унча узок бўлмаган, Порсук дарёсининг Сакаряга қуйилиши қисмida жойлашган Сарикўй қишлоғида дунёга келди. Эмре унинг тахаллуси бўлиб, тасаввуф сулукларидан бири “Текке” сулукига мансублигини билдиради. Ю. Эмре ҳалқ орасида машҳур шоир бўлсада, ўрта аср тазкираларида у ҳақда маълумот кам. Унинг таваллуди ва вафоти саналари ҳам нисбийдир. Аммо, ҳалқ орасида шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид кўп-

лаб ривоятлар мавжуд. Гарчанд бу ривоятлар Ю. Эмре машхурлигидан, кенг омманинг унга муҳаббатидан далолат берсада, айни пайтда шоир ҳаёти ҳақида аниқ ҳақиқатни билишни мушкуллаштиради. Масалан: Туркияда Бурса, Сивас, Сарикуй ва бошқа ўн бешга яқин жойда Ю. Эмре қабрини кўрсатадилар. Мулада эса Ю. Эмре қабри, шоирнинг пири бўлмиш Табдуқ Эмрега мурид бўлганлиги ва унинг эшигига кирқ (айрим маълумотларга қараганда ўттиз) йил хизмат қилганлиги, Ю. Эмре устоз фотиҳасини олиб шоир бўлганлиги ҳақида шундай ривоят бор.” Очарчилик бошланиб, Юнуснинг оиласи қийналиб қолади. Шунда Юнус чора излаб шайх Ҳожи Бектоший¹ хузурига келади. Бироқ нима мақсадда келганини айттолмай турганида Ҳожи Бектош “Дуо истаб келдингми?”, - деб сўрайди. Юнус буғдой сўраб келганлигини айтади. Ҳожи Юнусга сўрагандан ортиқ буғдой беради. Уйига қайтаётгib Юнус ўзининг хато қилганини сезади, дуо эмас буғдой сўраганидан пушаймон бўлади ва орқага қайтиб Ҳожи Бектошийдан дуо сўраб келганини айтади. Ҳожи Бектош Юнусни Табдуқ Эмрега юборади. Юнус бутун қалби билан Табдуқ Эмрега мурид бўлиб, унинг уйидаги ўтин ташиб хизмат қилади. Кунлардан бир кун ўтин ташиб келтирган Юнусга Табдуқ: “Юнус сен бирор марта ҳам эгри ўтин олиб келмадинг”, – дейди. Шунда Юнус: “Бу даргоҳга эгри бўлган ҳеч бир нарса киролмас”, – деб жавоб берадики бу Юнуснинг пирига эътиқодли юксаклигидан далолатдир. Орадан кирқ йил ўтади. Тадбуқ Эмре даргоҳида тез-тез фозиллар мажлиси бўлиб тура, бу мажлисларда Юнус Гўянда исмли овози ширали киши ҳам албатта қатнашарди. Тадбуқ Эмре: “Юнус Гўянди куйла” деб буюради. Гўянди жим. “кўшиқ айтгин Юнус, бизлар сени эшитмоқ истаймиз” – деб такрорлайди Тадбуқ. Юнус Гўянда яна жим. Шунда Тадбуқ Юнус Эмрега: “Тангрининг инояти или сенга мурожаат қилиш вақти етти, биз бу хазинанинг қулфини очурмиз, сен куйла”, - дейди. Шунда Юнус Эмре қирғоқларидан тошмоқчи бўлган дарёдек

¹ Ҳожи Бектош - шайх, Бектоший сулулининг асосчиси.

тошиб, жўшиб куйлади ва кейинчалик халқ орасида машхур бўлиб кетади.

Бу ривоятдан қатъий назар Юнуснинг Тадбуқ Эмрега мурид бўлганлиги ва шоир дунёқарашида, унинг шахс сифатида вояга етишида Тадбуқ Эмренинг таъсири катта бўлгани аниқ. Буни Юнус Эмре асарларидан ҳам кўриш мумкин. Шоир адабий мероси анча бой бўлиб, унинг кўплаб халқ йўлида ёзилган шеърлари, ғазаллари ва “Рисолат-ал нусхия” номли дидактик руҳдаги достони бизгача етиб келган. Шоир ҳаётлигига девон тузганми, йўқми? Бу хақда турк адабиётшунослари турлича фикр билдирадилар. Абулбоқи Гулпинарли Эмре ҳаётлигига девон тузган деса, бошқа машҳур турк адабиётшуноси М. Фуад Кўпрулу шоир девони унинг вафотидан анча сўнг, издошлари томонидан тузилганлиги айтади. Аммо, Ю. Эмре шеърларида шундай сатрларни учратамиз:

Юнус ўлса исмим не ажаб
Ўқиорлар менинг бу девонимни.

Бундан кўринадики, А. Гулпинарли фикрлари ҳақиқатга яқинроқ. Ривоятларга кўра Ю. Эмренинг 3000 дан ортиқ шеърлари мерос қолган. Шоир вафотидан сўнг унинг девони Мулла Қосим исмли кимса қўлига тушиб қолади. Қосим денгиз қирғоғига бориб Эмре асарларини ўқишга киришади. Биринчи марта мингта шеърини “шариатга қарши руҳда” деб Мулла Қосим ёқиб ташлайди, иккинчи мингтаси сувга оқизади. Учинчи минг шеърларини ўқиётганда Мулла Қосим ўзига аталган шундай мисраларга:

“Дарвеш Юнус сўзларини ёлғон дема,
Сени синамоқقا Мулла Қосим келади”

кўзи тушади. Мулла Қосим Юнусни валий билиб, девонини ўпиб пешонасига суртади. Айтишларича Қосим ёқиб юборган мингта шеърини фаришталар, денгизга ташлаганини балиқлар

куйлармиш. қолган мингтасини одамлар ўқиб завқланармиш. Балки ҳакикатан ҳам Эмредан кўпдан-кўп шеърлари қолгандир. 1986 йил Анкарада проф. Ф. Темуртош нашр этган Ю. Эмре девонида, шоирнинг 325 дан ортиқ ғазаллари, шеърлари берилган.

Ю. Эмренинг шу асарлари ҳам шоир бадиий маҳорати, фалсафий қарашлари, ўша давр шеъриятининг савияси ва турк тили ҳакида фикр юритишга асос беради. Шунинг учун ҳам шоир ижодини пухта ўрганиш даркор.

XV аср охирида яратилган “Вилоятнома”да Эмре ҳакида ҳам маълумот берилган. Ю. Эмре ҳаёти ва ижодини ўрганишни бошлаб берганлардан бири австралийлик туркшунос Ҳаммер Пругшталдир. У XIX асрнинг биринчи ярмида турк адабиётига оид бир қанча тадқиқотларни эълон қиласди. Шоир шахсига қизиқиши сўнги пайтларда анча кучайди. Ф. Купрулзода, Али Ҳасан, А. С. Левенд, Н. С. Банарли, Н. Қосим, К. Ф. Темиртош, С. Аюбўғли, А. Гулпинарли ва бошқа турк адабиётшунослари шоир ижоди юзасидан илмий изланишлар олиб борадилар. Рус шарқшунослари академиклар А. Е. Кримский, А. В. Гордлевский, адабиётшунос В. С. Гарбузова, Л. Алькаева, А. Бобоев, Г. А. Горбаткина, И. В. Боролина, В. Б. Куделинлар илмий ишларида ҳам Ю. Эмрега тааллуқли қимматли маълумотлар берилган. Масалан туркийшунос олим И. В. Боролина Юнус Эмре шеърларининг содда, равон тилдагини рўкач қилиб, Ю. Эмрени саводи бўлганлигига гумон қилувчиларга қарши шундай ёзади: “Юнус Эмре шеърларини чукурроқ таҳдил қилиш шуни кўрсатадики, у ўз даврининг ниҳоятда маълумотли кишиси бўлган. Араб ва форс адабиёти, ўтмиш файласуфларининг таълимотини яхши билган, замондош сўфий шоирларнинг кўпчилиги билан шахсан таниш бўлган”.¹ Умуман адабиётшуносликда Юнус Эмре девонинг ўнга яқин нусхаси маълум ва машҳур.

Тасаввуф таълимоти VIII асрда Шарқий Арабистон, аниқроғи Ирокла пайдо булиб, сўфийлар дунё бойликларига қарши

¹ Литература Востока в средние века. М., 1970 г. стр.336.

чиққанлар. Мураккаб таълимот бўлган тасаввунинг асоси инсон ва унинг худога муносабатидир. Сўфий шариат, тарикат, маърифат босқичларидан ўтгачгина ҳақиқатга эришади, яъни “Худонинг жамолига” етишади. Тасаввув тарикатининг мураккаблиги, йуналишларининг кўшили туфайли мутасаввиф шоирларни бир ёқлама тушуниш ҳоллари ҳам кўп бўлган. М.Ф. Купрулу, М.А. Айний каби турк олимларининг илмий тадқиқотларида сўфизмнинг минга яқин таърифи ва тавсифи борлиги айтилган. Маънавий бойликни ҳақиқий бойлик деб билган Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Аттор, Жалолидин Румий, А. Яссавий, Ибн ал Арабий каби тасаввув тарихида алоҳида ўрни бўлган алломалар ижоди Юнус Эмрега илҳом бағишилаган. Айниқса Ибн ал Арабий (1165-1224) ва Ж. Румийларнинг таъсири кучли бўлган. Ю. Эмре Румий ваъзларини эшитиш учун Конъя шаҳрига келади ва Румий асос солган мавлавий сулуки зикрларида иштирок этади. Румий билан учрашув Эмрени янада фаол тасаввув тарғиботчисига айлантиради. Шоир Ж.Румий билан кўришганлигини шундай таърифлайди:

Мавлоно Худобеннигор бизга назар қилади
Унинг кўркли назари кўнглимиз ойнасидир.

Ю. Эмре шеъриятида сўфиёна гоянгина эмас, сўфиёна образ ва размларни ҳам кўрамиз. Тасаввув шоирлар ижодида маъшуқа, дўст деб худони назарда туттганлар, шамга ўзини ураётган парвона - илоҳга интилиш, май ичиб маст бўлиш - илоҳий завқ, жазава, ёр билан висол илоҳ билан бирлашиб кетиш каби.

“Сўфиёна поэзия қонунларига кўра худо тўғрисида факат аллегорик тарздагина сўзлап мумкин. Шунинг учун ҳам уни дўст ёки маккора маъшуқа деб атаганларки, телбаларча севиб қолган дарвишнинг қалби унга интилади. Тасаввув поэзияда лирик муҳаббат поэзиясининг образли тилидан усталик билан фойдаланилган”.¹

1 А.В.Гарбузова. Турк адабиёти классиклари. Т., 1960. 22-бет.

Ю. Эмре шеърларидағи реал, дунёвий образлар мәгзида илоҳга интилиш ётади:

Йўлдош бўлайлик иккимиз,
Кел, дўстга борайлик кўнгил
Холдош бўлайлик иккимиз,
Кел, дўстга борайлик кўнгил

Ю. Эмре пантеист сифатида хар бир нарсани худонинг бир зарраси деб билади. Ўзлигини табиат билан қоришиб кетгандек ҳис қиласи. У инсонни ҳам худонинг бир зарраси деб билар экан, худони улуғлаш билан инсонни улуғлагандек бўллади. Ҳар бир нарса аслига интилганидек, инсон ҳам аслига интилади, яъни худога интилиш керак, интилиш илоҳий ишқда кўринади. Бу йўлда инсон, яъни ошиқ турли ҳолатларга тушиши мумкин.

Гоҳ эсаман еллар каби
Гоҳ шошаман йўллар каби
Гоҳ тошаман селлар каби
Кел, кўр мени ишқ найлади!

Мен Юнуси бечораман
Бошдан-оёга яраман
Ёр элида овораман
Кел, кўр мени ишқ найлади

Ошиқнинг (шоирнинг) маъшукә (худога) ишқи, илоҳга етишувга интилиши тасаввуф шоирлар ижодида кўп учрайди. Ўзидан кейинги яшаган ва туркий тилда ижод қилган деярли барча мутасаввуф шоирларга таъсири кучли бўлган Аҳмад Яссавий “ҳикматида” буни янада яққол кўрамиз.

Ишқ бозори улуг бозор, савдо ҳаром,
Ошиқларга сендан ўзга ғавғо ҳаром,
Ишқ йўлига кирганларга дунё ҳаром,
Ҳарна қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор.¹

Хожа Аҳмад Яссавий сатрлари билан юқорида келтирганимиз Ю. Эмре мисраларида ҳамоҳанглик Юнус Эмре А. Яссавий ижоди билан таниш бўлган деган фикрни тасдиқлагандек бўлади. “Туркистонлик Аҳмад Яссавий - деб ёзганди шоир Тоҳир Қаҳҳор - биринчи бўлиб шеъриятда, хусусан исломий – туркий адабиётда илоҳиёт билан боғлиқ бир санъат йўлини очди: бу йўл бутун эски Турк элини - Турон дунёсини исломиятта – башарият эришган энг тўғри руҳоний ва маънавий яшаш йўлига даъват этди. Унинг бу даъвати Олтой ва Тангри тоғларидан ошиб ўтароқ бутун Ҳиндистонда, Хазарда, Туркияда, Эрон ва Араб ерларидаги турклар юрагида садо берди. Бу садо инсоннинг ўз Яратганини танишга ва севишга, у яратган нарсаларга муҳаббат билан яшашга даъват этди”².

Дарҳакиқат, Ю. Эмре мисраларида ҳам мазмунан, ҳам шаклан ҳазрат Яссавий ижодига ҳамоҳанг мисраларни учратамиз. Яссавий: “турли-туман кийғанлар, тотли-тотли еғанлар, тупроқ аро ётмишлар” деса, Эмре “Тонгла қабристонга бордим, кўрдим жумла жаҳон ётар” матласи билан бошланадиган ғазалида Яссавий фикрларини давом эттиргандек “Юнус сен агар ҳақиқий ошиқ бўлсанг, ўзингни бойлик билан безама, ўзини бойлик билан безаганлар бунда тупроқ бўлиб ётибдирлар”, - дейди. Эмре ижодидаги бундай оҳангларни тарки дунёчиликнинг тарғиби сифатида эмас, аксинча шоирнинг руҳий исёни сифатида тушунмоқ лозим. Юнус Эмре ҳам ижтимоий воқеликдан норозиликларини шу тариқа ифодалади. Унингча ҳақиқий ошиқ (сўфий) жаннатни орзу қиласлиги, дўзахдан қўрқмаслиги керак. Олий мукофот қалбни поклаб, қалбан Оллоҳга (ҳаки-

1 Хуршид Даврон. Қақнус. Т., 1987. 79-бет.

2 Аҳмад Яссавий. Хикматлар. Т., 1991. 106-бет.

катта) етишмокликдир. Шоир фикрларини ифодалашда бадий санъатлардан, анъаналари Жолинус, Мансур Халлож, Румий, Хусрав, Анушервон каби кўплаб тарихий шахсларнинг номларининг учраши, қорун, Мажнун, Лайли каби фольклордан ёзма адабиёттага кирган тимсоллар ва “куръон”, “Таврот”, “Инжил”дек муқаддас китоблардаги ривоятларга ишорани, бу китоблардаги рамзлардан фойдаланишни кўрамиз, бу шоирнинг чуқур маълумотли бўлганидан далолат беради.

Ҳаёт ва ўлим, мутлоқ борлик, илоҳий ишқ, табиат билан узвийлик Эмре ижодининг асосий мавзуидир. Шоир ўз фикрларини ифодалашда тарихий ва афсонавий шахслар, фольклордаги образлардан кўра ҳам кўпроқ реал ҳаётдаги, табиатдаги нарсалардан фойдаланади. Масалан, шоир оддий дарахт умрини инсонга қиёслайди. Ниҳолнинг ўсиб улкан дарахт бўлишини, гуллаши, бир қанча вақт гуркираб яшинаши ва охири куриб ҳалок бўлишида инсоний ҳаёт фалсафасини кўради. Фасллар - қиши ва ундан сўнг баҳор келиши эса узоқ ҳижронда бўлган ошикнинг ёр висолига етиши сифатида намоён бўлади, киши кўнглидаги баҳор, унинг ёрини кўриб дилига нур юргургани, қалбидаги чачаклари очилгани. Эмре сўфий шоир сифатида инсон ва табиатни доимо уйғуныликда кўради. Жонли, жонсиз табиат илоҳийликнинг турлича кўринишларидир холос. Эмре шеърларида учрайдиган булбул, қарға, булат, дарахт ва бошқа кўпгина образлар шоирга ҳақиқатни айтишга хизмат қиласди. “Кул-ил-ақ” - тўғри сўзни айтиш Юнус Эмре шоиридир. Эмре ҳақиқатни улкан денгизга, ёлғонни шу денгизда пароканда бўлган кемага қиёслайди. Башариятнинг илғор фарзанддари инсон эрки, ҳақиқат учун, қайсиидир шаклда курашганлар. Юнус Эмре “худо” инсон қалбida, инсон ўз қалбida “илоҳ”ни топмаса, бошқа ҳеч қаерда тополмаслигини айтиб, инсонни илоҳий даражада улуғлар экан, бундан “инсон ҳеч қачон қул бўлиши керак эмас”, - деган мазмун чиқади. Шоир лирикасидаги инсоний “май” ҳам ботиний ҳам зоҳирий, ҳам аввалий, ҳам охирийдир.

Шоирнинг фалсафий қарашлари дидактик руҳдаги “Рисолат-ал-Нусхия” (рисола кичик китобча, нусха-(насиҳат), аклдир. “Насиҳатлар рисоласи” дейиш мумкин) достонида яна ҳам равшанроқ акс этган. “Рисолат-ал-Нусхия” достони 1307 йили яратилган бўлиб, 600 байтдан ошикроқдир. Асарнинг кириш қисми назм ва насрда ёзилган. Достон ўз навбатида яна олти қисмга бўлинниб, ҳар бир қисм алоҳида номланган. Аллегорик руҳдаги “Рисолат-ал-нусхия” ичидаги ҳар бир достон мустақил сюжетли ва фикран туғуллангандир. Булар куйидагича номланган:

1. “Рұх ва Ақл” достони.
2. “Қаноат” достони.
3. “Нафрат” достони
4. “Сабр аҳволи”.
5. “Нокаслик ҳоллари”.
6. “Ақл” достони.

“Рисолат-ал-нусхия”да Юнус Эмре қарашлари янада ёрқинроқ акс этган. Достонда шоирнинг дунёни идрок қилиши, борлиқни билишда Ақл ва Эътиқод асосий қуроллиги кўрсатилади. Унга мувофиқ инсон атрофидаги аниқ моддий борлиқни билишдан бошлаб, моддий борлиқдан ташқари бўлган “мутлақ ақл” ҳақиқатни билишгача бўлган йўлни ўз ақл-идроқи, қаліб шуури билан ҳис қилиб босиб ўтиши керак. Асарнинг кириш қисмida шоир тўрт унсур – ер, олов, сув, шамол (ҳаво) ҳақида сўз юритади. Инсон ҳам дунёнинг бир бўлаги сифатида шу тўрт унсурдан яратилган. Одамдаги яхши ва ёмош хусусиятларнинг асоси ҳам, инсон характери - саъжиясидаги қарамакқаршиликлар ҳам мана шу унсурлардандир. Ю. Эмре кўпроқ, шунинг учун доимо охир оқибатда яхшилик енгиб чиқади. Мажозий бу асарда воқеалар “Ақл” деб номланган шаҳарда кечади. Шаҳардаги кураш, инсондаги зиддиятларнинг Кибр ва Камтарлик, Хасислик ва Сахийлик, Очкўзлик ва Қаноат, Ёлғон ва Ҳақиқат

ўртасидаги курашдир. Инсондаги “Рахмоний ва шайтоний” кучларнинг курашидир, бу. Нафс, очкўзлик балосини шундай таърифлайди шоир:

Бу нафс ўғлонлари тўққиз кишидир,
Нифоқ ва ширк келтирмоқ алар ишидир
Катта ўғил Хасислик яхшилик қилмас
Жаҳон мулки аниңг бўлсада унга етмас.¹

Инсон ўзидағи иллатлардан - очкўзлик, хасислик, худбинлик, манманликлардан қутилиши лозим, зеро, инсоннинг имкониятлари чексиз, руҳий камолоти бениҳоя юксакдир, – дейди шоир. Инсон қудратига ишонч, агар у хоҳласа ҳар қандай тўсикларни енга олишини кўрсатиш достонга нуманистик рух бағишлайди. Зотан, одам қалб қусурларидан ўзи қутилмаса, у ўзлигидан қочиб ҳеч қаерга боролмайди. Дидактик достоннинг ажойиб намунаси бўлган “Рисола-алнусхия” Юнус Эмренинг инсон руҳий қудратига ишончи, хурфикр шоирнинг ҳақиқатга етишиши йўлида ҳеч қандай машакқатлардан қайтмаслигининг назмий инъикосидир.

Ю. Эмре турк шеърияти тарихида “ошиқлар шеърияти” деб ном олган йўналишнинг асосчисидир. Ўзбек китобхонлари Ю. Эмре шеърларини Хуршид Даврон, Азим Суюн, Жамол Камол, Тохир Қаҳхор, Нафиса Султонкулова таржимасида ўқимоқдалар.

¹ Али Чичекли. Юнус Эмре. Истанбул, 1971, 164-бет (асар турк тилида).

АҲМАДИЙ (1329-1413)

Тожиддин Аҳмад ибн Иброҳим ҳаёти ва ижоди ҳақида бизгача етиб келган маълумотларда чалкашликлар мавжуд. Манбаларда шоир туғилган ва вафот этган саналарда ҳам фарқ бор. Гармиёнда (баъзи манбаларда Сивас, Истанбул кўрсатилган) туғилган Аҳмадий бопланғич маълумот олгач, билим олиш учун Қохирага жўнайди. Қохирада ўз даврининг машҳур табиби Шамсиддин Мухаммад ал Фанорийдан табобат илмини ўрганади. Аҳмадийнинг Қохирада неча йил яшаганлиги ва қачон ватанига қайтганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. У 1403 йили Амасъега келганда, Анқара яқинидаги жангда Боязид устидан ғалаба қозонган Амир Темур ҳам ўша ерда экан. Аҳмадий Темурга бағишлиб қасида ёзади ва Темур уни ўзига нодим қилиб олади. Лекин, тез орада Аҳмадий Амасъедан қочиб кетади жуда юқори баҳолаганида хайрон бўлган Темур шоирдан ўзини баҳолашни сўрайди. Аҳмадий Темурнинг камари қанча турса, ўзини ҳам шунча баҳолайди. Темур бунингдек хазилга аввал кулган бўлса ҳам, аммо кечира олмади. Буни яхши билган Шоир бир кечада Боязиднинг тўнғич ўғли шахзода Сулаймон хукмдорлик қилаётган Эдирна шахрига жўнаб қолади.

Таҳт талашган шахзода Мехмет ўз акаси Сулаймонни 1410 йилда ўлдиради. Аҳмадий яна Амасъега қайтиб келиб умрининг охиригача шу ерда қолади.

Шахзода Сулаймон саройида яшаган вақт Аҳмадий учун сермаҳсул ижодий давр бўлади. У хукмдорни улуғловчи бир қанча қасидалар ва газаллар ёзади. Аҳмадий номини турк адабиёти тарихига олиб кирган машҳур “Искандарнома” достонини ҳам шоир ўша вақтда яратган.

Искандар Зулқарнайн машҳур тарихий шахслардан бўлиб унинг ҳақида кўплаб афсона ва ривоятлар тўқилган. Шарқда биринчи бўлиб Искандар образини бадиий адабиётга олиб кирган шоир Абулқосим Фирдавсийдир. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си бу пайтда хали турк тилига таржима қилинмаган

бўлса ҳам араб ва форс адабиёти билан яхши таниш булган Аҳмадий “Шоҳномада”дан хабардор бўлиши мумкин. Аҳмадий ўз достонини яратишда асосан Низомийга шунчаки эргашгани йўқ, аксинча ижодий ёндашди. У достонга Кичик Осиё тарихидан ҳикоя қилувчи бутун бир боб киритди. Аҳмадий “Искандарнома” да ўз даврининг илм фани хақида анча кенг маълумотлар берганки, бу айниқса қимматлидир. Шунингдек у усмонийлар сулоласининг тарихини ҳам анча мукаммал ёзади. Традицион Шарқ адабиётида Искандар образи олижанобликка хизмат қилувчи ҳукмдор, адолатпарвар, идеал шоҳ сифатида тасвирланган. Бу нарса Аҳмадий достонида ҳам кўринади. Аҳмадий Искандарни Эрон таҳтининг вориси, македониялик Филиппнинг қизига уйланган Доронинг ўғли сифатида тасвирлайди. У буюк алломалар Арасту, Сукрот, Афлотун, Гиппократлардан таълим олади. У ҳарбий юриш қилиб-Хиндистон, Хитой, Миср ва бошқа кўғина мамлакатларни ўзига бўйсунтиради. Искандарнинг саргузаштлари ниҳоятда қизиқарли қилиб ҳикоя қилинади. Искандар Зулқарнайн муқаддас шаҳар Маккани ҳам забт эттач, ўзини бутун дунё ҳукмдори деб билиб, энди ўлмасликни, бу дунёда бокий қолишининг йўлини қидиради. У тириклик сувини топиш учун Зулмат мамлакатига сафар қиласди. Аммо тириклик сувини топиш унга насиб қилмайди ва тез орада Искандар вафот қиласди. Аҳмадий достон ёзишда факат Фирдавсий ва Низомий асарларигагина суюниб қолмади. У Искандар хақидаги халқ тўқиган афсоналардан ҳам фойдаланади. Шунинг учун Искандар билан Гулшоҳнинг муҳаббати хақида ишқий романтик тарихни достонига киритди. Сўфиёна асарларга хос бўлган икки йўналишлик, яъни реал борлиқ ва маҷозийликнинг қоришиб кетиши “Искандарнома”нинг характерли хусусиятларидан. Аҳмадий илм-фанни тириклик суви деб билади. Илм-фанни чукур эгаллаган кипининг номи адабийликка эришади. Искандар билан олишадиган ёвуз кучлар инсондаги иллатлар тимсолидир.

Сүфий адабиётида илм-фан ҳақиқатта олиб борувчи йўл сифатида қаралган. Шунинг учунни шоир достонида илм-фан ҳақида кенг маълумот берилган. Бадиий жиҳатдан достон жуда юксак даражада эмас. Аммо 16500 мисрдан иборат бўлган бу достон, турк тилида, дунёвий темада яратилган илк маснавий сифатида, ўша давр адабий савияси, маърифий даражаси, тил намунаси сифатида аҳамиятлидир. Аҳмадийнинг иккинчи достони “Жамшид ва Хуршид” ҳам форс адабиёти таъсирида ёзилган. Чин подшосининг ўғли Жамшид тушида гўзал бир қизни кўриб севиб қолади. Жаҳоннининг кўп мамлакатларини кезган сайёҳ рассомдан тушида кўрган қиз юонон хукмдорининг қизи – Хуршид эканлитини билади. Жамшид юз минглик кўшин билан Рум элига қараб жўнайди. У сувсиз саҳролардан, қалин ўрмонзорлардан ўтиб, йиртқич хайвонлар билан олишади, жанг қилиб аждаҳони, девни енгади. Денгизда кемаси ҳалокатта учраб, ўзи тасодиф билан қутилиб қолади ва Румга келади. Хуршид ҳам бир кўрганда Жамшидни яхши кўриб қолади. Икки севишганлар ўртасидаги муҳаббатга Хуршидининг онаси қарши чиқади. Кўпгина саргузаштлар, рақиблар билан яккама-якка жанг қилишлар оқибатида икки севишган муродларига етадилар ва Жамшидинг ватани Чин юргига келадилар. Аҳмадийнинг бу достони ҳам тасаввуфий ружда бўлиб, образлар аллегорик маънога эга. Жамшид ва Хуршид ҳақиқат ва илоҳ бўлса, аждахоманманлик, унинг етти боши-ҳасад, кибрлик, очкузийик ва бошқа иллатларнинг тимсолидир. Аҳмадий достонларида тасаввуфни тарғиб қилишга интилган бўлса, у лирик шеърларида реал хаётта бир мунча яқинлашади. Фузулий Аҳмадийни ҳаёт шодликларини куйлашда Абунувосга тенглаштирганди. Аҳмадий шоир бўлибгина қолмай, моҳир таржимон ҳам эди. Ибн Синонинг “Алқонун” китобини турк тилига таржима қилган.

Саккиз минг байтдан ортиқ девони қасидалар, ғазаллар, таркибандлардан иборат. Қасидаларнинг кўпи Амир Сулаймонга бағишлиланган. Замонасининг машҳур шоири бўлган Аҳмадий хаттотлик ҳам қилган, мусаввир бўлган

ҲОЖИ БАЙРАМ (1352-1429)

Ўз даврида шоир ва шайх сифатида жуда катта эътиборга сазовор бўлган Ҳожи Байрам Чубук дарёсининг водийисидаги Зулфозил қишлоғида дунёга келди. Унинг отаси Аҳмад дехқончилик билан шуғулланган. Бошланғич маълумот олгач, таҳсил олишни мадрасада давом эттиради. Ҳижоз ва Шомга бориб тасаввуф шайхларидан таълим олади. Бурса ва Оқсаройда бўлиб, сўнгра Анқарага келиб мударрислик қиласди. Тасаввуф таълимотини пухта ўрганганд Ҳожи Байрамнинг ўзи ҳам пирлик мақомига етиб “Байрамийлик” (маломатийлик) тариқатига асос солади. Маломатий тариқатидагилар ўзларининг фазилатларини кўз-кўз қиласди, кенг халқ оммасидан ўзларини юқори кўймас, аксинча халқнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиласдилар... Ҳожи Байрам асос солган тариқат дарвешлари ўзларини кўпчиликдан олиб қочмай фойдали иш билан шуғулланиши даркор эди. Дехқончилик, тижорат ҳатто лозим бўлса аскарлик ҳам қилишарди. Умуман халқقا фойдали бир иш билан шуғулланиши уларнинг маслакларидан бўлган. Байрамийлик тариқати тасаввуф оқимининг халқقا фойдали, халқ манфаатини кўзловчи йўлларидан бири деса бўлади. Байрамийлик тариқати халватийлик ва накшбандийлик тариқатлари асосида вужудга келган дейиш мумкин. Бунда Ҳожи Байрамга Оқсаройдаги Шайх Ҳамидий Валининг таъсири кучли бўлган. Ҳожи Байрамнинг тасаввуфий руҳда шеърлар айтгувчи текке шоири ва шайх сифатида обрўси шу қадар ошиб кетдики, ундан чўчиган султон Мурод II уни Эдирнага юборади. Кейинчалик яна Анқарага келишига рухсат бериб, ҳатто унинг дарвешларини солиқдан озод қиласди. Ҳожи Байрам Анқарада жоме мударриси бўлса ҳам далада муридлари билан баробар меҳнат қиласган. Тирикчилик учун лозим нарсаларни ўзлари ишлаб топиб, ортиқчасини муҳтожларга улашган. Тасаввуф буюк шайхлари ва фозиллари орасида Ҳожи Байрам жуда обрўли бўлиб, уни Анқаранинг

маънавий қиёфаси санаардилар. Мавлоно Жалолиддин Румийдан кейинги улуг шайх ва шоир деб билардилар. Ҳожи Байрам текке шоири сифатида довруқ қозонган экан, турк текке шеърияти ҳакида бироз маълумот бериш ўринлидир. Текке маълум бир тариқатдаги дарвешларнинг йигиладиган даргохи. Илк текке Шомда (Сурия) VIII асрда Абу ҳошим томонидан қурилган. Ҳар бир тариқатдаги дарвешларнинг саломлашиши, кийиниши, соч-соқол кўйишлари ўзига хос бўлган. Тариқатдаги зикр тушиш усуллари ҳам турличадир. Теккелар асосан тасаввуфий рухда шеърлар ўқилиб, мусиқага солинган. Текке шоирларининг кўпчилиги тариқатлардан етишган шайх ва дарвешлардир. Фикрий асоси исломият ва тасаввуф. Оллоҳнинг гўзал сифатларини мадҳ этиш, жамоли мутлакқа ошиқлик, ишқи илоҳий улар шеъриятининг асос мазмунидир. Текке шоирлари девон шоирларидан фарли ўларок, кенг халқ оммасига хитобан шеърлар ёзганлар. Тариқатларнинг марказдан узоқ қишлоқларда ҳам кенг тарқалганлиги, омманинг асосий қисми саводсиз бўлганлиги сабаблари ҳам текке шоирларини содда тилда, халқ оммаси тушунарли тарзда ёзишларини талаб қилгандир. Текке шоирлари ўз асарларини ўқимишли фозиллардан, саводсиз чўпонгача тушунишини истардилар. Кўпчилик тез илғаб олиши учун асарларни куйга солиб, қўшиқ тарзида куйлашдилар.

Текке шоирлари кўпроқ Анадўли шаҳар, қишлоқларида яшаб ижод этганлар. ҳамманинг маънавий юксалишида, билим ва хунар эгаси бўлишида бу шоирларнинг хизмати каттадир. Уларнинг ўзлари ҳам илмли кишилар бўлиб, араб, форс тилларини билар ва замонавий билим савиясидан ҳам хабардор бўлганлар. Чукур фалсафий фикрларни халқ тушунадиган тарзда, содда тилда англата олганлар.

Текке шоирлари асарларини девон шоирларидек ғазал, маснавий шаклида ёки халқ қўшиқлари (қўшма, турку) тарзида ёзганлар. Махсус текке назм шакли йўқ. Вазн асосан бармоқ вазни бўлиб, аruz ҳам қўлланилган. Текке шоирлари назм

тилига алоҳида эътибор берганлар. Текке шеърияти тили девон шеъриятидек мураккаб, ёки соз шоирлариникидек жуда содда ҳам бўлмаган. Бунинг сабаби уларнинг шеърларида тариқат тушунчалари, илми, фалсафаси акс этиши ва айни пайтда кўпчилик англай оладиган бўлиши кераклигидир. Айтиш мумкинки текке шоирлари тили девон ва соз шоирлари тили оралиғидаги шеър тилидир. Текке шоирлари асосан сўфиёна ишқ, дунёнинг фонийлиги, нафснинг қабоҳати, инсоний ахлоқ мавзуларини қаламга олиб жўшқинлик билан куйлаганлар. Рухнинг ҳолати, соғинч ва истаклар илоҳий ва реал ҳаётнинг гўзал тасвирлари билан қоришиқ ҳолда акс эттирилади. Бу йўлда текке шоирлари девон шеъриятида халқ шеъриятида қўлланган мажозлар, рамзлардан, халқ мақол, маталларидан, тариқат атамаларидан усталик билан фойдаланадилар. Турк текке шеърияти XIII асрдан бошланиб XIV-XV асрларда энг гуллаган даврdir. XX асргача текке шоирлари асарлар яратсада, аввалги шукуҳи сусайған эди. Ўрта асрлар турк шеъриятидаги асосий уч йўналишнинг бири бўлган текке шеърияти (яна девон шоирлари ва соз шоирлари ижоди кўзда тутилади) ўзига хос фикрлаш тарзи билан ажралиб туради.

Ана шундай ўз йўлига эга бўлган шоир Ҳожи Байрам тариқатда ўз йўлини очганидек, шеъриятда ҳам “мактаб” яратганининг турк адабиётшунослари алоҳида таъкидлайдилар (мн. А. Қабоқли). Унинг халифаси бўлган, ёки тариқати шайхларидан етишиб чиқсан шоирлар Визоли Қайғусиз (?-1562) Аҳмад Сарбон (1545-1646), Шайх Ибраҳим (?-1655), Ғоибий (?-1663), Идрисий Мухтефий (?-1615), Сари Абдуллаҳ (?-1660) каби шоирларни Ҳожи Байрам издошлиари дейиш мумкин.

Ҳожи Байрамнинг шеърлари Юнус Эмре шеърларига ҳамоҳангдек. Бир мисра ёки байтда ишқи илоҳий ҳақида, бирор фалсафий фикрни тушунарли тарзда баён қилиб бериш Ҳожи Байрам шеърларининг хусусиятларидан. Туркий тилда сўфиёна қарашларни нозик лирик услубда ифодалаш,

ўйноқилик хос унинг шеърларига. Шоир ёниб яшамоқни, кўнгли ҳамиша пок тутмокни тарғиб қиласди.

XIV аср охири XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган текке шоирларининг пешқадами, файласуф. Байрамийлик тариқатининг асосчиси Ҳожи Байрам миллат маънавиятининг юксалишида муҳим хизмати синган шахслардандир.

ЮСУФ СИНОН ШАЙХИЙ (1371-1422-23)

Турк адабиёти тарихида шайх аш-шуаро, яъни шоирларнинг шайхи номи билан улугланган Юсуф Синон Гармиёний – Шайхий Гармиён (Кутахя) бейлигидаги 1371 йил дунёга келди. Шайхий хақида адабий манбаларда бизгача анча мунча маълумотлар етиб келган. У ўз юргида бошланғич маълумот олгач, билим олиш учун Эронга кетади ва у ерда офтальмологияни (кўз табиби) чукур ўрганиб, малакали табиб бўлиб етишади. Ю. Шайхий Эрондан Эдирнага келиб 1410 йилгача султон Сулаймон саройида хизмат қиласди, сўнгра Бурсада Мехмед 1 даволаганлиги учун сарой бош ҳакими лавозимига эришади. Ю. Синон Шайхий даврининг улуғ табибларидан бўлса ҳам унинг машҳурлиги шоирлиги туфайли эди. Фазаллари билан танилган Шайхий Султон Муроддан “Низомий Ганжавий” “Хамса” сидан бирор достонни турк тилига таржима қилиш топшириғини олади ва “Хисрав ва Ширин” достонини турк тилига таржима қиласди. Маълумки, самонийлар ҳукмдори бўлган Хусрав Парвиз (VII аср) ва унинг гўзал, садоқатли рафиқаси Ширин ҳақида, адабиёт оламида биринчи Фирдавсий машҳур “Шоҳнома”сида ёзганди. Низомий достонини биринчи маротаба туркий тилга Олтин Ўрдалик шоир кутб эркин таржима қилган. 1367 йилда Фахриддин Ёкуб ибн Муҳаммад-Фаҳр таҳаллусли шоир Ойдин бегининг илтимосига кўра, Низомий асарини усмонли туркласига эркин таржима қиласди. Аммо, Фахрий ўз достонига “Шоҳномадан” баъзи бобларни (М; Баҳром

Гүр хақида) киритади. Ю.Шайхийнинг “Хусрав ва Шириң” достони усмонли турк тилида, шу мавзуда бўлган иккинчи достон эди.

Шайхий Султон Мурод 11 нинг буйруғига кўра Низомий “Хамса” сининг “Хусрав ва Шириң” достонидан 1000 байт таржима қилиб, султонга тақдим этади. Мамнун бўлган Мурод 11 шоирга Докузлар қишлоғини ином қилади. Шайх Докузларга кетаётгандаги қишлоқнинг аввалги эгаси томонидан ўюштирилган қароқчилар хужумига учрайди ва ўзи зўрга қочиб қутилади.

Мана шу воқеа таъсирида Шайхий “Харнома” сатирик асарни ёзади. “Харнома” турк адабиёти тарихида ёзилган илк ҳажвий асар бўлиб, бу достон хақида биринчи маротаба 1917 йил проф.Фуад Купрулду маълумот берган. Асар 126 байтдан иборат бўлиб, илк 12 байт тавхид ва наътдир. Подшоҳга бағишланган 26 байтлик майдия бор. Достон масал шаклида бўлиб, асосий мавзуни Эронлик шоир Амир Ҳусайннинг асаридан олинган бўлса ҳам, Шайхий илк бор юқори мансабли шахслар ҳақида ҳажвий гап айта олди. Ҳўқизга ҳасад қилиб, унингдек шоҳ истаб, қулоқларидан ҳам айрилиб қолган эшак ҳақидаги масал Шайхий достонида ижтимоий мазмун касб эта олган.

Шайхийга катта шухрат келтирган “Хусрав ва Шириң” 6944 байтдан иборат бўлиб, шоир таржимани тўлиқ охирига етказа олмаган. Низомий достонига эркин ёндошган Шайхий бу достонда Хусрав, Фарҳод ва Шириналар томонидан айтилган 26 ғазални киритган. Фарҳод образи ҳам жуда ёрқин яратилган. Низомий “Искандарнома”сини эркин таржима қилган. Аҳмадий асар тилини соддалаштиришга харакат қилган бўлса, Шайхий “Хусрав ва Шириң”да аксинча араб, форс сўзларидан кўпроқ фойдаланади. Шайхиннинг бир девони бизгача етиб келган ва девон икки маротаба нашр қилинган. Девонда 20 қасида, 2 таркибанд, 3 таржибанд, 2 мустаҳзод, 200 ғазал бор. Проф. Али Ниҳод Тарлан 1946 йилда биринчи

нашрини тайёрлаган. Девондаги ғазаллар асосини сўфиёна руҳда бўлиб, шоир ўзини бир ошиқ дарвеш деб билади. Унинг назарида бутун дунё дафттардир, унга гуллар билан севикли ёр тасвирини ёзиш керак. “Жон булбули ёр юзини кўрмаса ғамни унугмас, жаннат боғи ҳам кўзга қафас кўринади”.

Шайхий ғазаллари тасаввуфона мажозларга бойлиги, бадиий анъаналар моҳирона қўлланганлиги, нафислиги билан ажралиб туради.

АҲМАД ПОШО (?-1497)

XV аср турк адабиётининг энг ёрқин юлдузларидан бўлган шоир Аҳмад Пошо, ўша вақтда усмониларнинг пойтахти бўлган Эдирна шаҳрида туғилди. Унинг отаси Валийуддин Илёс Мурод 11 нинг қозиаскари, яъни бош харбий қозиси эди. ўз даврида яхши маълумот олган Аҳмад Пошо фаолиятини Бурсадаги Муродия мадрасасида мударрисликдан бошлагади. Тез орада Эдирна қозиси бўлди. 1451 йил тахтга ўтирган Фотих Султон Меҳмет назарига тушган Аҳмад Пошо қозиаскар, шахзодалар отабеги ва вазир лавозимигача кўтарилди. Вазир Аҳмад Пошо кўплаб шоирларга валинеъматлик қиласи, устози Малихийнинг султонга таништириб, хурматини бажо келтиради. Аммо саройдаги курапшлар шоир Аҳмад пошони ҳам четлаб ўтмайди. Шоирнинг “ахлоқиз”лиги ҳакида подшога чақув бўлади ва Аҳмад Пошо зиндонга ташланади.

Йеди-Куле (етти минора) зиндонида ётган шоир “Карам қасидаси”ни ёзиб султонга етказадики; “кулларнинг адашмоғи мумкин, аммо подшонинг авғи қаерда” мисраларини ўқиган шоҳ шоирни авғ қилиб Бурсага жўнатади. Шоир Бурсада Орхан ва Муродия мадрасаларида дарс беради. Кейинчалик Анқара санжақбейи этиб тайинланади, Меҳмет иккинчининг вафотидан сўнг тахтга чиқсан Боязид 11 Аҳмад Пошога илтифот кўрсатиб Бурса санжақбейлигини беради. Айрим манбаларда Аҳмад Пошо оила курмаганлиги айтилса,

бошқаларда Фотих Мехмет Аҳмадни Тўти исмли жорияга уйлантиргани, шоирнинг бир қизи бўлиб, қизи ҳам хотини ҳам эрта вафот этгани, ундан сўнг Аҳмаднинг оила курмаганлиги айтилади. Аҳмад Пошо умрининг охиригача Бурсада яшайди ва 1497 йил қазо қылгач ўзи курдирган мадрасага дафн қилинади.

Аҳмад Пошо лирик шоир бўлиб, унинг шеърияти турк адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутади. Аҳмад Пошо дунё гўзаллигини тариф этар экан, инсон мана шу гўзалликдан баҳраманд бўлишини куйлайди. Шоир сифатида у Ҳофиз Шерозий ижодини бир намуна деб билган ва ижодда унга эргашган. Аҳмад Пошо ғазаллари ўзининг нафислиги араб, форс сўзларини қўллапши билан ажралиб туради. Шоир ижодини икки даврга бўлиш мумкин. 1. А. Пошони зинданбанд бўлгунига қадар ёзган ижоди. Бу даврда шоир қасидалар ва ғазаллар ёзиб ижодда кўпроқ форс шоирларига (Ҳофиз) эргашган. 2. Ҳазрат А. Навоий билан танишгандан кейинги шиърияти. Манбаларда кўрсатилишича 1481 йил А. Навоий ўзининг 33 ғазалини Султон Боязид 11 га юборган. Султон бу ғазалларни Бурсага, Аҳмад Пошога жўнатади ва Навоий ғазалларига назира бағишлапни шоирдан сўрайди. Аҳмад Пошога А. Навоий ғазаллари шунчалик маъкул келадики А. Пошо Навоийнинг 33 ғазалига назира бағишлайди. Мана шу назиралардан бири;

Зулфингки узорингда этар жилвалар, эй дўст
Товуси жунондирки очар болу пар, э дўст
Хаттинки тилсим этди лабин доирасига
Шириналлик учун мушк ила афсун ёзар, э дўст.
кўй, борма қуноғига рақибинг, билурсен
Ит бўлган ерга ҳеч малак этмас, гузар, э дўст
Зулфи сиёхнинг чикмади зебо кулохиндан
Зероки харир ичра булур мушки тар, э дўст
Воиз сўзига вокиф ўлуб, ёз тукмади чашмим.

Сард бўлса-ҳаво бўлмагай мардумда гар, э дўст
Не важ хила юз сурмагай Ахмад аёғингта,
Не бош ила тарк этмагай йўлингда сар, э дўст

Шоир ўзининг Фотих Мехмет замонидаги кунларини эслаб, ўзинни А. Навоийга Фотихни Ҳусайн Бойқарога қиёслашга ишора бор.

Аҳмад Пошо ғазалларида муҳаббат бош мавзу. Шоир ўзини “Муҳаббат куйчиси” лигини айтади. Севги жамики шодликларнинг айни пайтди ғам-андухнинг сабабчисидир, у ошиқ-машук муносабатларини тасвирларкан, табиат кўринишларидан усталик билан фойдаланади.

Хар кимин ким хамдами гул юзли бир жанон ўлур
Хонаси жаннат киби доим бохористон ўлур
Ошуғу машукқа ўхшар офтоб ила замин
Ким бири йиглагунча бириси ҳандон ўлур.

(Таржима бизники А. А.)

Аҳмад Пошо ижодининг, ундан кейинги кўплаб турк шоирлари ижодида таъсири кучли бўлган.

Аҳмад Пошо девонида усмонли турк тилида ёзилган ғазаллар билан баробар, араб, форс тилида ёзилган ғазаллар борким, шоир бу тилларни яхши билганинги кўрсатади.

Аҳмад Пошо ғазалнавис сифатидагина эмас, қасиданавис сифатида ҳам машҳур бўлган. Биринчи ёзган “Сарой қасидаси” 1461 йил Султон Мехмет Фотих Истанбулда курдирган, Европада Северал номи билан машҳур, ниҳоятда гўзал сарой хақидадир. Шоир саройини фотографик аниқликда тасвирлаш билан чекланмай, шоҳона одоб-ахлоқ ҳақида ҳам фикр юритади. Асар бадиий жиҳатдан ҳам, маданият обидаси ҳақида маълумот бериши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Иккинчи қасида “Карам қасидаси” олижанобликни мадҳ этса, учинчи “Куёш қасидаси” Султон Мехмед II га бағишиланган.

Умуман Аҳмад Поро усмонли тилининг кенг имконияти ўз шеърияти мисолида кўрсата олди ва ўрга аср турк адабиётини янада юксакликка кўтарди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТУРК АДАБИЁТИ

Буюк Алишер Навоийнинг гўзалликни куйлаган асарлари, умумбашарий ғоялари жаҳон маданияти ва адабиёти тарихидаги улуғ сиймоларнинг ижоди билан ҳамоҳангдир.

Академик Н.И.Конрад уйғониш даври ҳақида гапириб, унинг VIII-IX асрларда Хитойда бошланганлигини IX-XV асрларда Ўрга Осиё, Эрон, Ҳиндистоннинг бир қисмida давом этганлигини ва XVI-XIX асрларда Европада ниҳоясига етганлигини ёзган эди.

Уйғониш даврининг буюк вакиллари ижодида қандайдир умумийликни кўриши мумкин. В.М.Жирмунский ҳақли равишда “Алишер Навоийнинг улкан фигураси жаҳон адабиётидан алоҳида ажralиб қолган эмас. ўзбек адабиётининг буюк асосчисининг ижоди бевосита Farbdagi ҳамфикрларининг уйғониш даври шоир ва мутафаккирларининг илғор ғоялари билан кўшилиб кетади”-деб ёзади. Шарқ адабиёти тарихини қиёсий типологик ўрганганд олимлар, бошқа халқлар адабиётининг маълум тарихий даврига хос характерли хусусиятларининг айrim тенденциялари турк адабиёти тарихида ҳам кўринишини таъкидлашади. Турк уйғониш даврини XV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асрнинг ўргаларигача деб белгилайдилар.

Уйғониш даври турли вақтларда хар жойда ўзига хос тарзда кечгани билан барча халқлар маданияти ва адабиётида умумий ўхшаш томонларни ҳам вужудга келтирган. Бу давр тинанларининг умуминсоний ғояларни кўтариб чиққанлиги, башарият такдирни учун қайғурганлигидандир. Уйғониш даври алломаларининг ижоди бир халқ доирасидан чиқиб, бошқа халқ ижодкорларига таъсир қилиши шубҳасиз.

Ҳазрат Навоийнинг асарлари ўзи ҳаётлигига ёқ Ватани сарҳадидан узок-узоқларда машҳур эди. Унинг ғазалларини

бир бор ўқиган, тинглаган киши, беихтиёр шоир мухлисига айланган, бошқа асарларини топиб ўқишга ҳаракат қылган. Ҳеч бир халқ Навоий ижоди билан танишгач, унга бефарқ бўлган эмас.

Шарқ халқлари ўртасида, айниқса туркий халқлар ўртасида А.Навоий машҳур бўлган. Шоир ғазаллари севилиб ўқилибгина қолмай, унинг ғазалларига назиралар бағишлиланган, эпик асарларидан илҳомланиб достонлар яратганлар. Турк адабиёти мисолида бунинг яққол намунаси кўришимиз мумкин.

XV аср Туркиядаги энг яхши шоирлардан хисобланган, турк адабиёти тарихида ўзига хос ўрни бўлган шоир Аҳмад Пошо (туғилган йили номаълум, 1497 йилда вафот этган) турк шоирлари ичидаги биринчилардан бўлиб А.Навоий ижодига мурожаат қылган. Замондошлари кўпроқ форс, араб поэзиясининг улуғ сиймоларига тақлид қылган бир даврда Аҳмад Пошонинг Навоий ижодига ёндошиши ижобий холдир.

Эдирна шаҳрида туғилган Аҳмад Пошо Султон Мехмед II Фотиҳ унинг ўғли Боязид II ларнинг ҳомийлигига бўлиб, юқори лавозимларда ишлаган. 1481 йили Боязид II Аҳмад Пошони Бурса шаҳрининг ҳукмдори қилиб тайинлайди. Илмий манбалардаги маълумотларга қарагандо худди шу йиллари А.Навоийнинг бир қанча ғазаллари (33та) Туркияга етиб борган. Бу ғазалларни Туркияга Боязид 11га Навоийнинг ўзи юборган бўлиши мумкин. Султон дарҳол бу ғазалларни Бурсага, Аҳмад Пошога юборади ва уларга назира бағишлишга шоирдан илтимос қиласди.

Бу ғазаллар Аҳмад Пошога жуда ёқсанлигидан, шоир ўз кўлида бўлган Навоий ғазалларининг ҳаммасига назира бағишлийди. Аҳмад Пошо Низомий, Жомий каби улкан сўз санъаткорлари ижоди билан таниш бўлган. Лекин Навоийнинг ғазалларигина унинг ижодига жуда катта таъсир ўтказади. Аҳмад Пошонинг Навоий ғазалларига бағишилаган назиралари унинг девонларига ҳам киритилиб, эл орасида жуда машҳур бўлган ва бизнинг давримизгача ҳам етиб келган.

Навоий ғазалларида юксак бадиј маҳорат, инсонпарварлик ғоялари Аҳмад Пошони шоир сифатида ром қилган бўлиши шубҳасиз.

Аҳмад Пошо Навоий ғазалларига назиралар бағишлар экан, демак у шоир ижодини жуда қадрлаган, ундан бадиј маҳорат сирларини ўрганишга интилган.

Кўринадики Аҳмад Пошо лирикасининг баркамолланишида Навоий ғазалларининг аҳамияти катта бўлган.

Турк адабиёти тарихига назар ташласак, улуг Алишер Навоий ижоди фақат турк лирик поэзиясига таъсир қилибгина қолмай, балки йирик эпик асарлар яратилишида ҳам сезиларли таъсири бўлганлигини ҳис қилиш мумкин. Умуман, XV-XVI асрлар турк адабиёти тарихида яратилган достонларга буок озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1140-1207), ўлмас “Шоҳнома”нинг муаллифи Абулқосим Фирдавсий ва Алишер Навоийларнинг таъсири катта бўлган, масалан, дунёвий мавзуда ёзилган ilk турк маснавийси “Искандарнома”нинг автори Тожиддин Аҳмад ибн Иброҳим (Аҳмадий) (1329-1413) Низомийнинг достонидан таъсирланиб, уни ўзига на-муна қилиб олганлигини айтган. Шоир Шайхий (1371-1423) Низомийнинг “ҳисрав ва Ширин” достонидан минг байт таржима қилганлиги ҳам маълум.

Топлижали Яҳё (туғилган йили номаълум-1582) турк адабиёти тарихида “хамса” яратганлардан бири бўлиб, у Навоий “Хамса”сини жуда юқори баҳолайди.

“Мир Навоий гули беҳордир, “Хамса”си бир шофеи то-тордир”. Топлижали Яҳё “Хамса”си қуидаги достонлардан изборат: “Ганжинаи Роз”, “Усулнома”, “Шоҳ ва гадо”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Гулшани Анвор”. Достонлар Навоий “Хамса”си сингари бўлмаса ҳам муаллиф Т.Яҳё Навоийни улуг хамсанавис сифатида таърифланаркан, унинг ижодидан илҳомланганлиги шубҳасиз.

XVI асрларда яшаган турк шоири Ломий Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и таъсирида шу номда достон ёзган.

С.Эркинов “Асрлар оша мушоира” китобида бу ҳақда шундай ёзган эди: “Фарҳод ва Ширин”нинг таъсири туркий халқлар адабиётида айниқса катта бўлди. Кейинги даврларда “Фарҳод ва Ширин”нинг ижобий традициялари асосида юзага келган қатор асарлар: XVI аср турк шоири Ломийнинг “Фарҳод ва Ширин” XVIII аср уйғур шоири Абдураҳим Низорийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонлари бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади. (77 бет) Агоҳ Сирри Левент Ломий достони Навоийдан ихчам таржима, Навоийга назира тарзида ёзилган, деган фикрларни айтган. А.Навоий достонларининг таъсири, асарларни қиёсий ўрганиш, образлар таҳлили Навоий “хамса”сининг ҳам турк шоирларининг достон ёзишда таъсири бўлганини кўрсатди. Усмонли шоирлар орасида биринчилардан бўлиб “хамса” яртаган Ҳамдулла Ҳамди Чалабийдир. Чалабий “Хамса”сининг иккинчи достони, араб адабиётида кенг тарқалган, севимли сюжет бўлган, “Лайли ва Мажнун” достонидир. (1499 йилда тутатилган).

Ҳамдулла Ҳамди ва Алишер Навоий достонларини қиёслаб ўргангандай адабиётшунос В. Гарбузова Ҳамдининг достон ёзишига Навоийнинг ижодий таъсири бўлганлигини айтади.

“Тарчи Ҳамди ўз достонида А.Навоийнинг шу достони билан танишлиги тўғрисида ошкор бирор нарса айтмаса ҳам (Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”ни 1484 йилда ёзилган) Ҳамдининг Навоийнинг гениал асари билан таниш бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Ҳамди достонидаги воқеалар ривожланадиган муҳит тасвири Навоий тасвирини жуда жуда эслатади. Бундан ташқари Навоий сингари Ҳамди ҳам ўз достонида Қайс (Мажнуннинг телба муҳаббатининг аянч тарихига асосий кучни бермайди, балки Лайлининг оғир ахволини тасвиrlаш орқали ўрта асрда аёлларга буюм сифатида қаралишига қарши норозилик билдиради.)

Ҳамдининг достони шу жиҳатдан ҳам эътиборга сазоворки, у Навоийнинг чинакам таъсирини сезиш мумкин бўлган биринчи турк маснавийсидир. (Турк адабиёти классиклари Т - 1960. 47-бет.)

“Хамса” яратишни олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир шоир, ўзидан олдин яратилган “Хамса” лар билан, умуман “Хамса” ёзган шоирлар ижоди билан танишишга харакат қилган. Табиийки “Хамса”лар ичida ўзига кўпроқ маъқул бўлган достонларни намуна қилиб олганлар. Кўринадики олимнинг мулоҳазаларида жон бор. У бевосита образлар тахлилидан келиб чиқиб хulosага келган. Жаҳон адабиёти тарихида бирор авторнинг номини аниқ айтмай, лекин унинг ижодидан баҳраманд бўлиб ажойиб асарлар яратган адабларни кўплаб топиш мумкин. Навоийнинг асарлари усмонийлар давлатига дастлаб айрим-айрим етиб келган бўлса, тўла девони 1501 йилда шоир Вазирий томонидан олиб келинди.

Навоий ижодига бўлган турк шоирларининг муҳаббати, газалларига бағишиланган назиралар шоирни усмонлилар туркиясида жуда машҳур қилиб юборди. Навоий асарларидаги инсонга бўлган меҳр, гўзалликни улуғлаш, ватанини куйлаш, ёрга муҳаббат, дўстлик ғоялари, ғазал, достонларнинг юксак бадиий савияси турк шоирларини мафтун қилди.

“Навоийнинг ажойиб лирикаси турк шоирларига, уларнинг ижодига жуда катта таъсир кўрсатди. Буюк мутаффакир лирикасидаги чукур фалсафий фикрлар инсон тафаккурига зўр таъсир қила оладиган, ёрқин поэтик образлар ва тасвирий воситалар ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Улар Навоийнинг шоирлик қудратига, унинг жуда катта санъаткорлик кучига қойил қолдилар. А.Навоий асарларининг туркларга ғоят манзур бўлганлигини шундан ҳам кўриш мумкин”. – деб ёзади адабиётшунос В. Гарбузова (“Турк адабиёти классиклари”, 56-бет).

Турк адабиётшунослари Навоий ижодининг турк шоирлари ижодига таъсири ҳақида кўплаб илмий ишлар ёзганлар.

Н.С. Банарли А.Навоий ижодини жуда юқори баҳолаб унинг Аҳмад Пошо, Султон Салим, Нодим ижодига таъсири тўғрисида “Расмли турк адабиёти” китобида ёзган. Н.С. Банарли Навоий ижодини қадрлаб шундан ёzádi: “Навоий фақат

Ўрта Осиё туркий халқларини эмас, бутун туркий халқлар адабиётимизнинг буюк вакилидир”. (126 бет) “Навоий ўз даври ва ундан сўнг ҳам ижодкорлар учун идеал бўлиб қолади. Навоийдек ёзиш ҳар бир шоирнинг орзуси эди.” (127 бет)

Машхур турк адабиётшуноси Ф.Кўпрулуздода 1934 йил Истанбулда эълон қилинган “Турк тили ва адабиёти устида тадқиқотлар” китобида Навоий ижодига алоҳида тўхталиб “Алишер Навоий ва таъсирлари” мавзусида алоҳида изланишларни киригтан. Турк навоийшнунослари орасида проф. Камол Эрасланнинг ҳизматлари дикқатга молик. У А.Навоийнинг “Насойиму-л-муҳабbat мин шамойими-л-футавва” асарининг матн ва тил хусусиятлари номли докторлик диссертациясини 1870 йилда ҳимоя қилиб, бу асарни ва яна “Халоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Паҳлавон Муҳаммад” рисоласини нашр қилдирди.

Туркия кутубхоналарида Навоий асарлари кўлёзмалари анчагина. Тўпқопи Реван саройи кутубхонасида сакланаётган Муҳаммад Дарвеш Тоқий томонидан Ҳиротда 1496-97 йиллар, Навоий ҳаётлигида кўчирилган кўлёзма айниқса характерлидир. Бу кўлёзманинг фотонусхасини Ўзбекистонга олиб келган проф. Ҳ.Сулаймон шундай ёзган эди: “Султон Ҳусайн кутубхонасининг маҳоратли, пешқадам хаттотларидан бўлган Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган куллиётнинг мазкур кўлёзмасини Навоийнинг ўзи ҳам кўрган бўлишига шубҳа бўлмаслиги керак. Чунки бу кўлёзма шоирнинг ўзи тузган куллиёт нусхаси бўлиб, ундан куллиёт учун Навоийнинг ўзи ёзган сўзбоши “Муножот ” бор.

Турк адабиётшунослари Навоийдан олдин ўтган ва унга замондош бўлган шоирлар ижодини баҳолашда ҳам Навоийнинг фикрларига “Насойиму-л-муҳабbat”, “Мажолисун нафоис”га суюнадилар. Проф. Исмол Ҳикмат ўзбек классик шоири Лутфий ҳақидагии мотографиясида Навоий асаридан кўчирма келтиради ва асосан Навоий фикрларига таянган ҳолда Лутфий ижоди ҳақида фикр юритади.

Асрлар давомида буюк Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқиш куччаймоқда. “Муҳокаматул-лугатайин” ўтган асрдаёқ Туркияда нашр этилган. 1973 йилда Истанбулда акад. В. В. Бартольдинг Навоий ҳақидаги илмий иши Маҳмуд Жаъфар таржимасида эълон қилинди. Шоир түғилганига 525 йил тўлиши муносабати билан ҳам Истанбулда Навоийнинг бир қанча асарлари чоп этилди. А.С.Левент Навоий асарларидан танланган парчаларни 4 томлик холда нашр эттириди.

“ГУЛ ИЛА АЛИШЕР” ДОСТОНИ

Улкан тарихий воқеалар, буюк шахслар ҳақида ҳалқ доим ўз фикрини айтиб келган. Шундай ёрқин сиймолар борки, уларнинг хотираси ҳамиша ҳалқнинг қалбида. Бундай кишиларнинг олижаноб ишлари, қаҳрамонликлари умумбашарий аҳамият касб этиб, уларнинг ўzlари ҳам, бир ҳалқ вакили доирасидан чиқиб, жамики инсониятнинг фарзандига айланадилар. Улуғ Алишер Навоий ана шундай зотлардан бўлиб, ҳаётлигига ёқ ҳалқ у ҳакда кўплаб ривоятлар тўқиганди. Навоий ҳақида ўзбек, туркман, уйғур, турк ва бошқа шарқ ҳалқлари тўқиган афсоналар унинг умумбашар фарзандига айланганлигининг ёрқин мисолидир.

Навоий ҳақидаги “Гул ила Алишер ҳикояси” деб номланувчи турк ҳалқ достони шу жиҳатдан характерлик, кўпгина А.Навоий ҳақидаги ҳалқ афсоналари улуғ шоирнинг донолиги, олижаноб ишлари, ҳалқпарварлиги, адолаттўйлиги ҳақида бўлса, бу достон ишқий-романтик бўлиб, Алишер ва Гули ўртасидаги муҳаббат ҳақидадир.

Достонни машҳур турк фолклоршуноси Партаў Ноили Баратов 1941 йилнинг 27 февраляда бахши Мудомийдан ёзиб олиб 1946 йилда Анқарада нашр қилинган “Ҳалқ ҳикоялари ва ҳалқ ҳикоячилари” китобида эълон қилган.

Достон ҳамд билан бошланиб, бахши Мудомий 1501 йилдан бери бу ривоят ҳалқ орасида яшаб келаётганлигини айтади ва воқеалар баёнига ўтади. Самарқандхукмдори Хусайн

Бойқаро ниҳоятда бадавлат, фуқоропарвар, адолатли шоҳ экан. Халқи тўқ яшаркан. Кўчманчи қабилалардан бирининг беги бўлмиш Алишер Самарқандга мол сурувини ҳайдаб келади ва уни камбағалларга насияга беришни, ҳақини эса Хусайн Бойқаро вафотидан сўнг олишини айтади. Бу гап шоҳга етгач у Алишерни ҳузурига олдириб келади. Алишер шоҳ ҳузурида тазим бажо айлаб, шоҳ кўрсатган жойга ўлтиради. Бойқаро Алишердан нима учун молларини насияга берив, ҳақини султон вафот этгандан сўнг олмоқчи бўлганлигини сўраганда Алишер халқ ҳусайн Бойқаронинг умри узок бўлишини тилаб дуо қилишларини истаганлиги учун шундай қилганлигини айтди. Бу гап Султонга ёкиб тушиб Алишерни вазир қилиб тайинлади. Алишер бир кун овга кетаётib, кир ёяётган гўзал қизни кўриб қолади ва у билан икки оғиз гаплашади. Кейин қўшниларидан суриштириб, у Ҳўжа Солиҳнинг қизи эканлигини билади. Орадан бир ҳафта ўтгач Алишернинг ўзи ҳўжа Солиҳникига совчи бўлиб боради. Ҳўжа Солиҳ Алишерга жавоб беришдан олдин қизи билан маслаҳатлашади ва Гули розилигини айтади. Алишер бу ҳақда ҳеч кимга айтмайди.

Иттифоқо кунлардан бир кун Султон Ҳусайн ҳам Гулини кўриб ошиқ бўлиб қолади ва қози калонни совчиликка юборади. Гули рад жавобини беради. Ҳўжа Солиҳ қизини унашилганлигини айтади-ю, лекин Алишернинг ҳаётини хавфсизлигини ўйлаб кимлигини айтмайди.

Рад жавобини олган Бойқаро бу ишни Алишердан ўзга битира олмайди деб, дардини Алишерга айтади. Алишер оқибатда Гулиникига совчиликка боради. Гули Алишерга шарт кўяди, рози бўлган Алишер Гули ёзиб берган қофоз (рецепт) бўйича баққолга бориб икки хил дори олиб келади. Дорининг бирини Гули, бирини Алишер ичади. Гули ичган дори секин-аста, қирқ кунда таъсир қиласиган заҳар, Алишер ичгани эса уни бир умр фарзанд кўришдан бенасиб қиласиган дори экан.

Тўйи бўлиб, Гули саройга келтирилгач, у Ҳусайнин

Бойқародан қирқ кунгача унга тегмаслигини илтимос қиласади. Гулини қаттиқ севганидан шоҳ ҳам рози бўлади. Заҳар ичганидан ўттиз беш кун ўтгач Гули хасталаниб қолади.

Қайғурган Ҳусайн Бойқаро овга чиқиб кетади. Алишер касаллиги (Гулининг хизматкори огоҳлантиргани учун ўзини касалликка солган эди.) туфайли ширкорга боролмайди. Видолашиб учун жорияси Алишерни аёл кийимида Гулининг олдига, ҳарамга бошлаб келади.

Алишер ҳарамдан чиқмасдан Бойқаро овдан қайтади, хизматкорлар Алишерни катта қозонга солиб яширинча олиб чиқиб кетаётганида, шоҳ қизиқиб қозоннинг қопқоғини очиб қарайди. Алишерни кўрса ҳам азбаройи индамайди. Бу воқеадан сўнг Алишер ҳажга жўнайди, аммо султон чопар юбориб, уни йўлдан қайтаради. Достон Гулининг ўлими ва унинг қабри тепасида Алишернинг эрталабгача ўтириб чиққанлиги ва умрининг охиригача Гулига вафо қилиб уйланмай ўтганлигини айтиш билан якуланади.

Кўринадики, достонда ҳакиқат ва бадиий тўқима қоришиб кетган. Асарда Алишер Навоийнинг Гулига бўлган севгиси асосий мавзу қилиб олинган. Алишер кўчманчи қабилалардан бирининг беги, сўнгра вазир сифатида тасвирланади. А. Навоийнинг буюк шоирлиги, ҳалқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишлари, улкан давлат арбоби сифатида кўрсатган фаолияти ҳакида ҳеч нима дейилмайди. Достон болнанишида жасур, саҳий, билимдон тасвирланган Алишер образи, ўз севгилисига етишиб фурсати келганида пассивлашади, яъни у султон Ҳусайн Бойқарога қарши ҳеч нима қиломайди, ҳатто бунга ҳаракат ҳам қилмайди. “Тақдир экан” деб Гулидан воз кечади. Достондаги Гули образи айниқса характерли. Кўпгина шарқ достонларидағи аёллар образи каби Гули образи ҳам ёрқин тасвирланган. У севган кишислигига бир умр содик қолувчи Шарқ аёлининг тимсолидир. Алишер “такдир экан” - деб, севгилисига етиш йўлида пассивлик қилганида, Гули ундан ўзганики бўлмаслиги айтиб, секин таъсир қилувчи

захар ичади. Ўз қадрини яхши билаги Гули, малика бўлишдан кўра Алишерга вафо қилиб, дунёдан ўтишни афзал кўради. Гулининг ана шундай олижаноб, вафодор қиз бўлиб етишувида оиласвий тарбиянинг аҳамияти катта бўлган, албатта. Гулининг отаси Хўжа Солих ўзи оддий киши бўлса ҳам маънавий олами юксак инсон. У қизига ўз хукмини ўтказишга интилмайди. Гулига Алишер совчи бўлиб келганда ҳам, Ҳусайн Бойқародан совчи келганда ҳам, оиласди ҳеч нима севгини ўрнини босолмаслигини айтиб у қизининг фикрини билиб, сўнгра жавоб қилади. Ўша ўрта асрлар давридан келиб чиқсак бу жуда катта олижанобликдир.

Достондаги етакчи образлардан бири Ҳусайн Бойқаро образидир. Ҳусайн Бойқаро Самарқанд хукмдори сифатида, фуқоропарвар, адолатли шоҳ қилиб тасвиirlанган. Ҳалқ ўзи орзу қилган адолатли шоҳ тимсолида Бойқаро образини яратган. Албатта, ҳар қандай бадиий асардаги образ, ҳалқ достонларидағи фактларни ҳам айни хақиқат деб қабул қилиб бўлмайди. Бирор тарихий шахс ҳакида яратилган фольклор намуналарида ўша шахснинг ўзида бўлмаган хусусиятларни ҳам ҳалқ унга нисбатан бериши мумкин. Шунинг учун бир тарихий шахснинг образи икки ҳалқ оғзаки ижодида икки хил яратилиши мумкин. Шунинг учун айрим ривоятларга қарши ўлароқ Байқаро образи садоқатли дўст, саҳий, олижаноб инсон сифатида содда тасвиirlанганилигига ажабланмаслик керак.

Достон турк ҳалқи турмушига оид уларнинг урғ одатларини кўрсатувчи бадиий деталларга бой. Масалан, А.Навоий Хўжа Солихнига меҳмон бўлиб келганда, Солих унинг олдига бошқа шарқ ҳалқлариdek чой эмас, балки чилим ва қахва қуйиб меҳмон қилади. Достоннинг тузулиши ҳам анъанавий ҳалқ достонлари йўлида. Айтгувчи назм билан бошланган бўлса ҳам асосий воқеалар насрда баён қилинади. Фақатгина қаҳрамонларнинг диалогларида шеър формасидан фойдаланилган. Достонда А.Навоийнинг улуғ шоирлиги ҳакида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Шунингдек, унинг бошқа кўп-

гина олийжаноб ишлари хақида ҳам гапирилмайди. Лекин достондаги қаҳроамонлар тилидан айтиладиган шеърлар бевосита ёдингизга Навоий сатрларини солади. Масалан достонда Алишер қизнинг юзини гулга қиёслаб:

Сенга ўхшар гулистонда қайси гул
Исмида гул, жисмида гул, ранги гул - дейди.

Бу мисралар “Фарҳод ва Ширин” достонида Ширин таърифида айтилган. “Юзи гул, лек юз гул хирманидек...” ҳамда “Сабъай сайёр” асари сатирларини ёдингизга солади ёки Гули вафот қилгач Алишер Ҳусайн Бойқарога шум хабарни шеърий сатрларда йўллайди:

Чун фонийдир бу жаҳон ҳар келган кетмоқ керак
Савр толи соясинда гул сўлди кетмоқ керак

Бойқаро:

Бўлар иш бўлди на чора, не айламоқ, нетмоқ керак
Савр толидан тобутин, гулдан кафан этмоқ керак
(Сўзма сўз таржима- А. А)

Юқоридаги мисралар беихтиёр ёдингизга Навоийнинг машхур

Қора кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил
Кўзим қаросида мардум каби ватан қилғил.

Матласи билан бошланадиган ғазал ва унинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ афсонани солади. Навоий хақида достонда, шоир асарларини эсга соловчи, унинг мисраларига оҳангдош мисраларнинг бўлиши, Навоий ижодини турк халқи ўртасида кенг тарқалганлигини ва унга бўлган меҳрини нишонасадир.

Достонда туркларга хос юмор элементларини ҳам кўриш

мумкин. Алишернинг аёл кийимида Гулининг олдига келиши, Бойқаро келиб қолгач хизматкорлар уни катта қозон ичиде олиб чиқиб кетишлари, бунингдек ҳолат А. Навоий ҳақидаги бошқа бирорта халқ достонларида учрамайди. Буни асло Навоий шахсини камситиш деб қарааш керак эмас. Аксинча ўша шароитда Навоийдек одам ҳам шундай йўл тутишга мажбур бўлганлиги, қолаверса севгилиси билан видолапмоқ учун хар қандай ишга тайёргарлик деб баҳоламоқ керак “Гул ила Алишер” достони улуғ Навоий ҳақида халқ тўқиган ишқий-романтик достоннинг яхши намунасиdir. Достонда турк халқи учун ҳазрат Навоий қанчалик ардоқли шахс эканлиги кўриниб турибди. Зоро, турк халқи ўртасида Навоий асарларининг машҳурлиги ва халқ Алишернинг шахсий қаётига жуда қизиққонлиги учун ҳам бунингдек достон юзага келган.

ҲАМИДУЛЛА ҲАМДИ – ОҚШАМСИДДИН (ЧАЛАБИЙ) (1448-1509)

Турк адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб “Хамса” ёзган шоир Ҳамди Болу яқинидаги Гўйнукда туғилди. Унинг отаси Оқшамсиддин байрамия тариқати шайхларидан бўлиб, Ҳамдининг ёшлиги сўфийлар даврасида кечади. 10 ёшлигига етим қолган Ҳамдининг акалари ўз тарбиясига оладилар. Ҳамди Чалабий оиласида 12 фарзанд эди. Тазкираларда Ҳ. Чалабий ҳақида маълумотлар кам. У Бурса мадрәсаларидан бирида мударрислик қилгани ва Шайх Иброҳим Таннурийнинг мудири бўлганлиги маълум. Ҳамдининг ҳаёти қашшоқликда кечган. Акалари уни фикҳ илмини ўрганиб, қози бўлишини исташганди, аммо бўлажак шоир бу йўлдан бормади. Акалари билан ораси бузилган Ҳамди шоир сифатида ўзига ҳомий ҳам топмаган. У “Юсуф ва Зулайҳо”асарини ёзиб, Султон Боязид II тақдим қилганлиги, бироқ шоир эътиборсиз қолгани ҳақида ёзадилар. Шунинг учун шоир “Юсуф ва Зулайҳо”га ўз тақдиридан шикоят қилиб ёзилган бобни киритган. Бир умр

моддий мухтожлиқда яшаган шоир Ҳамди Чалабий Гүйнукда вафот этади ва отасининг ёнида дағн қилинади.

Шоирнинг асосий адабий мероси бўлган “Ҳамса” дostonлари куйидагилар;

1. “Ҷусуф ва Зулайҳо”
2. “Лайли ва Мажнун”
3. “Тухфат-ул ушшоқ”
4. “Қиёфат-нома”
5. “Мавлуд”

“Ҷусуф ва Зулайҳо” достони 1491-92 йилларда ёзиб туга-тилган. Бу достонни “Ҳамса”нинг 1чи асари қилиб олишни шоир ўз тақдирни ҳам Ҷусуф тақдирига ўхшаб кетгандилиги учунлигини айтади. Ҳамди ўз достонини ёзишда машхур форс тожик шоири А.Жомийнинг “Ҷусуф ва Зулайҳо”сига суюнган. Ҷусуф образи Шарқ адабиёти кенг тарқалган образдир. Бу образ дастлаб “Таврот”ва “Инжил”да сўнгра “Куръон”да ўз ифодасини топган. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда Ҷусуф ниҳоятда гўзал, олижаноб, доно шахс сифатида тасвирланади. Шарқ халқлари адабиётнинг бир қанча йирик намояндалари «Ҷусуф ва Зулайҳо» номида достонлар яратганлар. Достонларда Ҷусофнинг ҳасадгўй акалари томонидан савдогарларга қул қилиб сотилиши, оқибат Ҷусуф Миср фиръавнининг амалдорларидан Потифарнинг хонадонига келиб қолиши ва Потифарнинг хотини Зулайҳо Ҷусофни севиб қолади ва унга изҳори дил қилади. Ҳожасига садоқатли Ҷусуф Зулайҳо ишқини рад қилади. Аламзада Зулайҳо тұхмат қилиб Ҷусофни зинданга ташлатади. Зинданда Ҷусуф фиръавнининг соқийси ва новвойи билан бирга бўлади. Уларнинг тушини таъбирини айтади. Мальум вақтдан сўнг Фиръавн қўрқинчли туш кўриб, таъбирини сўраш учун Ҷусофни зиндандан чиқаради. Ҷусуф Фиръавнга юртда етти йил тўқчилик, етти йил очарчилик бўлишини айтиб, тўқчиликда ғалла ғамлапни маслаҳат қилади. Фиръавн бу ишларни Ҷусофнинг ўзига топширади. қахатчилик бошлиғач бошқа эллардан ҳам Мисрга ғалла

излаб одамлар кела бошлайди. Юсуфнинг акалари ҳам келадилар. Хуллас Юсуф ўзини танитгач акалари кечирим сўрапади. Юсуф отаси ва бошқа қариндошларини Мисрга олдириб келади. Юсуф дардидаги йиғлаб-йиғлаб кўр бўлиб қолган Ёкуб ўғли Юсуфнинг бармоқлари кўзига теккач кўра бошлайди. (Юсуфнинг кўйлагини кўзига суртиш варианти ҳам бор.) Юсуф ва Зулайҳо ўртасидаги муносабатларга ҳам шоирлар турлича ёндошганлар.

Юсуф ва Зулайҳо хақидаги ривоятлар асосида Фирдавсий (Х-ХІ аср) Бахтиёрий. (Х аср). Шиод ҳамза (ХІІІ) Али(ХІІІ аср). Сули Факих (ХІІІ), Шахобиддин Ошик (ХІV) Рабғузий (ХІV), Дарий(ХІV) Дурбек (ХV). А.Жомий(ХV). Х.Х.Чалабий (ХV) Нозим Хиравий (ХVІІІ) Хозик (ХІX) ва яна бошқа кўпгина форс-тожик, ўзбек, турк, озарбайжон шоирлари достонлар яратганлар. Достонларда ҳам бир шоир даврининг муҳим воқеалари ва ўз ахлоқий ва фалсафий қарашлари акс эттиришга интилганлар. Масалан; Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонида шаҳар қамал қилиниши картинасининг берилиши, шунингдек достонларда Юсуф образининг талқин ҳам турлича. Юсуф хақида илк достонларда Юсуф ва Зулайҳо илоҳий образ тасвирлансан, масалан Юсуф ва Зулайҳонинг қайта ёшаришиғ Кейинчалик Юсуф ва Зулайҳо муҳаббати дуёвий талқин қила бошланди. Дурбек ва Абдураҳмон Жомий достонларида Бош қаҳрамон тарихий шахс – Зулайҳони гўзал қиз сифатида тасвирланганлар.

Юсуф ва Зулайҳо образига XX асрнинг йирик сўз усталари Нозим Ҳикмат ва Т.Маннлар ҳам мурожаат қилганлар. Т.Манн “Юсуф ва унинг акалари” асарини, Нозим Ҳикмат “Гўзал Юсуф” асарини яратди. Ўзбек шоири Рамз Бобоҷон ҳам “Юсуф ва Зулайҳо” номли асар яратган. Ҳамди ўз образларини янада ҳаёттароқ чиқиши учун, достонга ўз даврига хос хусусиятларни, турмуш тарзидаги деталларни киритади.

“Лайли ва Мажнун” Ҳамди “Хамса”сининг иккинчи достони бўлиб, Низомий достони асосида ёзилган. 1499-1500 йил-

ларда ёзилган бу достонга А.Навоий “Хамса”сининг таъсири кўпроқ бўлган.

Учинчи достон “Тухфат-ул ушшоқ” ёзилган санаси аниқ эмас. Тасаввуф руҳида бу асар икки ёшнинг севгиси ҳақидадир.

“Киёфат-нома” ва “Мавлуд” Хамдининг тўртингчи, бешинчى достонлари дидир. 150 байтлик “Киёфатнома” инсоннинг ички ва ташқи дунёси уйғунлиги ҳақида бўлса, “Мавлуд” пайғамбарнинг туғилиши тўғрисидадир.

Х.Чалабийнинг кичик бир девони ҳам бизгача етиб келган ва у Сулаймония кутубхонасида сакланади.

ИСО НАЖОТИЙ (1460-1509)

Ўз даврининг атоқли шоирларидан бўлган Исо Нажотийнинг қаерда туғилганлиги маълум эмас. Уни эдирналиқ бир аёл қул сифатида сотиб олиб, сўнг фарзандликка қабул қилган. Бу номаълум аёл бўлажак шоирга яхши тарбия беради, таҳсил олиши-га имкон яратади. Ёшлигиданоқ бадиий ижодга ҳаваси кучли Исо Нажотий Кастомонуга келиб шоир Соилий қўлида тарбияланади, хаттотлик санъатини ўрганади. Табиатан истеъодди бўлган Нажотий ғазаллари тезда кастомонуликлар оғзига тушиб, машҳур бўлиб кетади. Исо Нажотийнинг шуҳрати Бурса санжоқ бейи бўлиб турган машҳур шоир Аҳмад Пошогача етиб боради. Кейинчалик Исо Нажотийнинг ўзи ҳам Бурсага келган деган тахминлар бор. И. Нажотийнинг Бурсадаги каплижалар (табиий шифобахш сув билан даволовчи оромгоҳ) ҳақида ёзганлиги бу фаразни тасдиқлайди. Шоирнинг Аҳмад Пошо билан учрашганлиги, Аҳмад Пошо уюштирган мушоираларда қатнашганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо Исо Нажотий шуҳрати ортиб, уни Аҳмад Пошодан ҳам улуғроқ шоир эканлигини айтиш-ганда, Нажотий шеър билан жавоб қилиб, Аҳмад Пошо ижодига жуда хурмат билан қарашини айтганди. Исо Нажотий Аҳмад Пошо ғазалларига назиралар бағишлагани

ҳам ҳурматнинг ифодасидир. Султон Мөхмәд II ҳукмронлиги даврида Нажотий Истанбулга келади. Султоннинг эътиборига сазовор бўлиш йўлларини излайди. Ҳ.Чалабий тазкирасида ёзипича Мөхмәд II шахмат ўйинини яхши кўрар ва ҳар куни тушликдан сўнг баш вазир Маҳмуд Понсонинг яқинларидан бўлган Ёрги Амируний билан шахмат ўйнар экан. Исо Нажотий Ёрги Амируний билан танишиб дўстлашади. Бир куни дўсти саройга боришга ҳозирланаётганди ғазал ёзиб, билдирамай унинг салласига қистириб юборади. Султон бу қоғозга кўзи тушиб, очганда Исо Нажотийнинг «сана» радифли ғазалини ўқиёди. Ўзи ҳам шеърлар машқ қиласидан султонга шоирнинг ғазали маъқул келгани ёки Нажотий ўзига эътибор қилишини сўрагани учунми, Исони саройга чакиртиради. 17 танга маош билан девонга котиб қилиб тайинланган Исо Нажотий ўз миннатдорчилигини изҳор қилиб султон Мөхмәд II га бағишлиб учта, улуг вазир Маҳмуд Понсога биттга қасида ёzáди.

Тахтга Боязид II ўтиргач Исо Нажотий Карамон вилоятига, шаҳзода Абдуллоҳ ҳузурига жўнайди. 1483 йил шаҳзоданинг вафотидан сўнг яна Истанбулга қайтади. Исо Нажотий шаҳзода Абдуллоҳ вафоти муносабати билан марсия ёзиб султонга тақдим қиласиди. Боязид II нинг зафарли юришлари ҳақида қасидалар битсада, султон Боязид II ва унинг вазирлари илти-фотига сазовор бўлолмайди. Бир неча йиллар шоир моддий муҳтожликда яшайди. Саройда яшаганлигига Исо Нажотий қози аскар Муядзода Абдураҳмон Чалабий билан дўстлашган эди. М.А. Чалабий Исо Нажотийга оғир кунларида ҳамдард бўлади. Муядзода Чалабий воситачилигига Исо Нажотий шаҳзода Маҳмуднинг яқин кишилари сафидан ўрин олади. 1504 йилда шаҳзода билан Манисага жўнайди. Шаҳзода Маҳмуднинг фармон-бардори бўлиб турган шоир, 1508 йил Маҳмуд вафотидан сўнг Истанбулга қайтади. Исо Нажотий Манисадалик даврида девон тузган. Кўплаб ғазаллар ва қасидалари билан машҳур бўлган Нажотий даврининг забардаст шоирлари Равоний, Машҳий, Фаррухийлар билан

дўст бўлган. Шавқий, Суний, Мехри Хотун ва бошқа ўша даврда яшаган кўпгина шоирлар Исо Нажотийни ўзига устоз билганлар. Шаҳзода Маҳмуднинг вафотидан қаттиқ таъсирланган Исо Нажотий шаҳзода ўлими муносабати билан марсия ёзади ва ўзи ҳам сарой ишларидан исътефо беради. Колган умрини дўстлари, шогирдлари даврасвда ижодий иш билан машғул бўлиб ўтказади. Исо Нажотий вафот қилгач, уни Вафо майдонидаги Шайх Вафо мақбараси ёнига дағн этадилар.

Шоир вафоти муносабати билан замондош шоирлар тарих ёзганлар. Айниқса, Саҳий ёзган тарих машхур.

Нақли Нажоти оламга тарих бўлмоғин, Тарихини деди Саҳий, кетди Нажотий ҳей!

Исо Нажотийнинг бир ўғил ва бир қизи бўлиб, уларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам.

Исо Нажотийнинг девони бизгача етиб келган. Шайхийнинг маълумот беришича шоирнинг «Гулу Сабо» ва «Мехру Моҳ» номли асарлари бўлганини айтиб, байтлар келтирса, Латифий «бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ»¹ деб бу даъвони рад этади. Нажотий Манисадаги даврида шаҳзода Маҳмуднинг талаби билан Фаззолийнинг «Кимёи саодат», Авфийнинг «Жомеъул ҳикоят» асарларини таржима қилганлиги ҳамда «Лайли ва Мажнун» маснавийсини ёзганлиги ҳақида Ошиқ Чалабий маълумот берган. Ошиқ Чалабийнинг айтишича, «Кимёи саодат»ни шоир ўз қўли билан кўчирган нусхаси шаҳзода Маҳмуднинг қизларида бўлган. Бироқ ҳозирча бу фактлар ўз тасдигини топганий йўқ.

Ўрта асрлар турк шеъриятига форс тилидаги адабиётнинг таъсири катта бўлган. Исо Нажотий ижодида ҳам бу ҳолатни сезишимиз мумкин. Аммо, Нажотий халқ оғзаки ижодидаги ибораларидан усталик билан фойдаланган ва ғазалларида маҳаллий колорит, миллий рух кучли бўлишига интилган. Нажотий асарлари латифлиги, гўзал ташбеҳларга бойлиги, табиат тасвирини нозик, жозибали бериши билан замондош шоирлар ижодидан ажralиб туради. Унинг гўзал хаёлий

¹ Нажотий дегани. Мехмед Фаб тайёрлаган. – Истамбул, 1911. 18-бет

оламга чорловчи шеърлари ифода шакли, таъсирчанлиги, фикр инжалиги билан китобхонни ўзига ром қиласи. Шоир ғазалларидан икки байтни келтирамиз:

Бу жафоданки қадаҳ оғзинг ўпар юз ўргулиб. Нори рапш ичра кабоб ўлди жигар юз ўргулиб. На раводир бунча мен қоматими ҳалқа қилай, Инжа белингни ўраб олмиш камар юз ўргулиб.

Бунингдек нафис ва жуда ўхшатиб айтилган бадиий санъатларни шоир ғазалларида истаганча топиш мумкин.

Ошиқ Чалабий, Кинализода Ҳасан, Латифийлар тазкирларида Исо Нажотийни кўкларга кўтариб мақтайдилар. Уни ўзига хос буюк шоир деб улуғлайдилар.

Латифий «Куръон» ўзидан аввал тупширилган китобларни қанчалик тўлдирган бўлса, Нажотий ҳам турк назмини шунчалик мукаммаллаштирганигини айтади¹. Амаселик Рафиқий машҳур турк шоирлари ҳақида фикр юритар экан, маснавийда Ю.С. Шайхий, қасидада Аҳмад Пошо, шаҳарангиз ёзишда Масиҳий, ғазалда Исо Нажотий ягоналигини таъкидлайди.

Нажотий турк шоирларидан биринчи бўлиб шеъриятта зар-булмасал усулини қўллаганлитини айниқса аҳамиятлидир. Бу нарса шеърият тилини ҳалқ тилига яқинлаштиришда муҳим омилдир.

Исо Нажотий ҳаётлигига ёк кўплаб замондош шоирлар унинг ғазалларига назиралар бағишлаганлар, ижодига эргашганлар. Мехри Хотун ана шундай назиралар бағишлаб шоирга юборгани ва Нажотийдан сўнг яшаган турк шоирлари ҳам унинг ғазалларини ёддан ўқир, ғазалларига назира, таҳмислар боғлардилар. Валиҳий, Субҳий, Васфий, Соқий, Зорийлар ёзган назиралар бунга мисолдир.

Исо Нажотий ижоди ўрта асрлар турк шеъриятининг энг ха-рактерли хусусиятларини ўзига жамлаган дейиш мумкин. Нажотий сўз руҳини кашф қила оладиган, сеҳрловчи мисраларни тузган шоир сифатида турк мумтоз адабиётининг ирик вакилларидан бўлиб қолди.

1 Нажотий дегани. Мөхмәд Ғаб тайёрлаган. – Истамбул, 1911. 21-бет

МЕХРИ ХОТУН (1460-1506)

Үрта асрларда яшаган турк шоираларининг энг машҳурларидан бири Мехри Хотундир. Мехри ижоди ва ҳаёти ҳақида маълумотлар кўп эмас. Унинг туғилган ва вофот этган саналари кўрсатилган манбаларда тафовутлар бор. Масалан, баъзи китобларда Мехри 1456-1514 яшаб, ижод этганлиги кўрсатилган. Мехрининг отаси Мөхмәт Чалабий Яхё қози бўлиб, Балоий тахаллуси билан ғазаллар ёзиб турган. Маърифатли инсон Мөхмәт Чалабий қизи Мехрига жуда яхши таълим беради. У турк, форс, араб, тилларини яхши билган, адабиёт, тарих фанларини чукур ўрганган. Ошиқ Чалабий ва Авлиё Чалабий ўз таскираларида Мехри Хотунни Мехир - ун - нисо, Фахр ун - нисо, Мехрушоҳ деб улуғланганлигини ёзадилар. Шоира жисмонан жуда гўзал бўлганлигини замондошлари бир овоздан ..тавқидлаганлар. Аммо Мехри бир умр турмуш қурмасдан ўтган. Мехри ёшлиқдан бирга ўсган Муайядзода Абдураҳмон Чалабийга кўнгил берган. Абдураҳмон Чалабий Хотимий тахаллуси билан шеърлар ёзган. А. Чалабий юқори давлат лавозимларида ишлаб, кўпгина ижодкорларга ҳомийлик қилган. Лекин тақдир уларга кулиб боқмади.

Мехри ғазалларида кўп учрайдиган исмлардан бири Искандар Чалабий номидир.

Уйқудан очдим кўзим ногах, кўтардим мен сари.¹
Кўз солиб, кўрдим турар бир моҳи чехра дилбари.
Толеим келди ваё мақсадга етдим Голибо,
Ким ётогим ичра кўрдим тунда туғмиш муштари
Нур оқар, кўрдим жамолидан агарчи зоҳирان,
Ўзи ўжшарди мусулмонга, либоси кофари,
Кўзни очиб юмгунимча бўлди чашмимдан ниҳон
Шундоқ ташҳис этаманки -ё малакдир, ё пари.

¹ Сари - боп

Етди чун оби ҳаётта, Мехри ўлмас то ҳашр¹
Кўрди чун шаб зулматида ул аён Искандари

Боязид II нинг вазири Синон пошпонинг ўғли Искандар жуда қобилиятли, маърифатли инсон бўлган. Ривоятларга кўра Мехри ва Искандар Чалабий бир-бирини жуда қаттиқ яхши кўрганлар, бироқ нима учун турмуш қурмаганликлари ноаник.

Мехридаги ишқ афлотунийми ё ботиний, бундан қатъий назар, шоира ғазалларида оташин ишқий мисралар, эҳтиросга тўлиқ сатрларда аниқ ёр образи ёрқин чизилган. Шоиранинг табиатан эркпарварлиги, оташнаfasлиги қалби муҳаббатга тўлиқлиги ва ишқ йўлида курбон бўла олиши унинг ғазалларидағи ёниқ сатрларда кўринади.

Гоҳ ҳажри ёр-у, гоҳ мени ғамлар ўлдирур.

Гоҳ васли дилбар ила кечган дамлар ўлдирур
ёки мана шоиранинг шу руҳдаги машҳур ғазалларидан бири:

Ошиқсен ишқ йўлинда саклама номус-у ор
Жаҳд идуб бу йўлда жон бер, йўқса кўлдан кетти ёр.
Фориғ ўлуб гар кўнгилсиз истар эрсанг ёрни сен,
Ғофил ўлма, не ҳазар қил, ғайрининг бўлгай нигор.
Ер юзин ғарқ айлар эрсанг кимса силмас кўз ёшинг,
Сўнгра гар қон йиғлар эрсанг кунда минг қат зору-зор,
Ғунчанинг гулзорда турган чоғида фарёд қил,
Йўқса эртан гул сўлар, қолурсен эй мискин ҳазор
Дилбаринг доманини кутқаргали хор қўлидан
Ҳар гулистонга тағин юз урки, ким бору -не бор
Мард эсанг, ғайрат домидир, изла ёрни ҳар нафас,
Доманига тар гулинг ёпишмасин тухмати хор
Бир замон Мехри фалакда сайр этарди, энди бок,
Бу сабабдан бўлди-ку аёқлар остида ғубор.

1481-1512 йиллари Амасъеда шаҳзода Аҳмад хукмдорлик
1 Ҳашр - машҳар

қилган. Боязид II нинг ўғли Аҳмад санъатсевар бўлиб, ўз саройига олимлар, фузалолар, мусиқачилдарни йигиб тез-тез базмлар ўтқазиб турган. Ўзи ҳам шеърлар ёзган. Аҳмаднинг шоирларга ҳурмати айниқса юқори эди.

Унинг саройида ҳар йили мушоира ўтказилиб, Фолиб шоир шу йилнинг энг яхши шоири аталиб, мукофотга сазовор бўлади. 1505 йилдаги мушоирада Мехри Хотун биринчиликни олади. Мана шу фактнинг ўзи шоира салоҳиятига, талантига баҳодир.

Замондош шоирлардан Гувоҳий, Мақомий, Офтобийлар билан Мехри Хотун яхши муносабатда бўлган. Ижодкор сифатида Исо Нажотий (?-1509) ижодига эргашган ва унинг ғазаллариға назиралар бағишлиланган. Ҳар бир байтларида ҳаётсеварлик, туйғулар поклиги кўриниб турган Мехри мұҳаббатда ўзаро тенглик ва аёл қалбини тушинишни куйлади.

“Начора бечора кўнглим бир дам ўлмас ёрсиз”, “Дўст хажрида дамо-дам бағрим қон айлаган”, “Йўлида жон бермокқа жонона келмиш” дея ёза олиш ўз даврида аёл шоира учун жасорат эди. Мехри Хотун ғазалларида анъанавий образларидан янгича ташбеҳлар қуради. Ёр сочининг ҳалқа-ҳалқасини човгонга ўхшатиб, ўз бошини тўп каби нисор килишга тайёр. Табиат гўзаллигини, баҳор нашидасини, бе занган айёмни гўзал сатрларда чизади:

Гул каби келди яна олам баҳорила бу кун
Суратин кашф айлади гулзорга ўхшар шахриёр.

Шаҳар турмуш тарзини яхши билган Мехри Хотун турк адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб шаҳар шанига қасида битди. Шоирнинг “Шаҳри Лодик” мураббаси Лодик шаҳри таърифига бағишлиланган:

Ҳавоси мўтадиллар суви кавсар
Дарахти наруле сарв-у арап
Ўти райхон-у сумбул ҳоки амбар
Не хуш яйлак эмиш бу шахри Лодик.

Турк шоиралари ичидаги шеърларининг самимимилиги ва равонлиги билан Мехри Хотун алоҳида ажralиб туради. Бутун умри Амасъеда яшаб ўзини, бадий ижодга бағишланган Мехри Хотуннинг девони бир неча нусхада бизнинг давримизгача етиб келган. Уч нусхаси Туркияда, Истанбул университетидаги ҳамда Сулаймония ва Аёсофия кутубхоналарида. В.Д. Смирнов томонидан топилган бир нусхаси Санк-Петербургдаги Осиё ҳалқлари институтида сақланади.

ИСО МАСИХИЙ (1470-1512)

XV асрнинг охири XVI аср бошларидаги турк шеърияти оламидаги ёрқин юлдузлардан бири-Исо Масихий 1470 йил Албариядаги кичик шаҳарлардан бўлган Приштинда туғилди. Исо Масихийнинг оиласи ҳакида, яъни унинг ота-онаси, қандай муҳитда болалиги кечгани тўғрисида деярли маълумотлар йўқ. Шоир ҳаёти ҳакида асосий фикрларни Латифий ва Ошиқ Чалабийларнинг (“Машоир уш-шуаро”) тазкираларига суюниб айтиш мумкин.

Бўлажак шоир ёшлигига Истанбулга келиб, мадарасада ўқиуди шу билан бирга хаттотликни ўрганади. Яхши хаттот, талантли шоир бўлган Исо Масихий Боязид II нинг вазири аъзами Ходим Али Пощонинг назарига тушади ва султон девонига ишга олинади. Девон котиби Исо Масихийнинг даромади яхши бўлиб, табиатан ҳиссияётли шоир Истанбулда жуда завқли ҳаёт кечиради. Унинг меҳмондўстлиги, улфат-бозлиги тезда бутун шаҳарга тарқалади. Вазир Али Пощо шоир Исонинг бутун “эркаликларига” кўз юмардиким, унинг ғазалларини ашаддий муҳлиси эди. 1511 йилда шиалар билан бўлган тўқнашувда Али Пощо шаҳид бўлгач, Исо Масихий ҳомийсиз қолади. Шоир шаҳзода Султон Салим II га, садраъзамга бағишлаб қасидалар ёзади, бироқ ҳеч биридан илтифот кўрмайди. Кейинчалик Баснияга кетади ва ўша ерда вафот этади.

Ўз даврининг энг яхши лирик шоирларидан бўлган Масихий ғазаллари тилининг соддалиги, услубининг нафислиги, баён қилиш, тасвирлашнинг оригиналлиги билан ўкувчисини ўзига тортади. Шоир Масихий деб тахаллус танлапши ҳам бекиз эмас. У шеъриятта янги рух бағишлиш, ғазалиётли янада жонлантириб, юқори поғонага кўтаришни мақсад қилган ва бунга маълум маънода эришган ҳам. Шоир девонини қасидалар ва ғазаллар ташкил топган. Султон Боязид II га, Али Пощога, Ҳусан Пощога, Салим II га бағишланган қасидалари машҳур.

1511 йил Али Пашонинг ўлими муносабати билан ёзган марсияси ва илк баҳор тасвирига бағишланган мураббани Исо Масихий ижодининг гултожиси дейиш мумкин. Мурабба XVIII асрдаёқ аввал лотин сўнг француз, олмон, инглиз, рус тилиларига таржима қилинган. Шеър қўйидаги мисралар билан бошланади:

Тингла булбул қиссасин ким келди айёми баҳор
Курди ҳар бир бағаро хангома хамгами баҳор

Бўлди симафшон анга изҳори бодоми баҳор,
Айшу нўш этгил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Масихий ғазалларида бош мавзу севги, муҳаббат эди. Шу билан бирга шоир табиат кўринишларини ҳам ниҳоятда усталик билан тасвиirlарди. Табиат ҳодисаларидан гўзал поэтик ташбеҳлар топарди. “Баҳор туманининг намлиги, тонгда нозик уйқудаги гулларни уйғониш учун... тонг насими булбулларни сайрапга ундаётгандек”. Шоир ғазалларида ҳар бир гул маълум бир маъно рамз танишди.

Ясмин-ёруғ кун тимсоли, бинафша - қорангукечаси. Табиат тасвирини шоир шунчалик нафис, тиник тасвиirlайдики, гўё ўша тасвир расмини кўраётгандек бўласиз. Шоир маҳорати хақида адабиётшунос олим В. Гарбузова шундай ёзганди: “Масихий Бокийдан олдин яшаган лирик шоирларнинг энг яхшиларидан бири эди. Унинг ғазали услубнинг ҳаддан ташқари чиройлилиги, тилнинг нисбатан соддалиги ва баённинг бирмунча оригиналлиги билан характерланади”.¹ Исо Масихий турк адабиёти тарихида биринчи бўлиб, “шахарангиз” ёзган шоирдир. Кейинчалик турк адабиётида жуда кўплаб “шахарангиз”лар ёзилди. “Шахарангиз” бирор шаҳар тасвирига, шаҳар мадҳига бағишланган шеърий асарлар. Масихий ўз “шахарангизи”да Эдирна шаҳрини улуғлайди ва кичинкроқ достон дейин мумкин бўлган бу асарнинг кириш қисмида

¹ В. С. Гарбузова. Турк адабиёти классиклари. Т., 1960. 74-бет.

шоир ўз гуноҳлари учун тангри олдида тавба қиласи. Сўнгра шаҳардаги турмуш тарзи, айниқса, хунармандлар ҳаёти жуда жозибали тасвирланади. Тамирчи, ипакчи, пахта тозаловчи, ҳаммом ходими, табиб ва бошқа касб эгалари ҳақида маълумотлар берилади. Асарнинг тили ҳам жимжимадор эмас, кенг ҳалқ оммаси яхши тушунадиган тарзда ёзилган. Достон тез орада машхур бўлиб кетади. Замондош шоирлар бу асарга тақлидан Истанбул, Бурса, Маниса, Эскишаҳар каби ўша вактдаги йирик шаҳарларга бағишлаб “шаҳарангиз”лар ёзадилар. Ломий, Ниҳомий, Факирийларнинг “шаҳар-ангиз”лари бунга мисолдир.

Масихийнинг “Гули садбарг” деб номланган, насрда ёзилган, 100 мактубдан иборат асари ҳам маълум. Иншо тарзида ёзилган, тили равон бу асар, ўша давр насрининг намунаси дейиш мумкин. Асарда ёзиш санъати ҳақида сўз юритилади.

Масихий ҳақида Латифийнинг “Тазкира”сида, Огоҳ Сирри Левенднинг “Турк адабиётидаги шаҳар ангизлар ва шаҳар ангизларда Истанбул” китобларида озми-кўпми маълумот берилган.

XVI АСР ТУРК АДАБИЁТИГА УМУМИЙ НАЗАР

XVI аср турк мумтоз адабиётининг энг гуллаган, юкори чўққисига чиққан “олтин даври”дир. Бу “олтин давр”да усмонлилар империяси сиёсий, ҳарбий жиҳатдан қудратли, уч қитъага ёзилган бир давлат эди. Усмонлиларнинг улуғ ҳукмдорлари ҳам шудаврда етишиб чиқди. Импери сарҳадлари шимолда Рус даштларига, жанубда ҳинд океанига, гарбда Юнонистон, шарқда Ажам (араб) ичкарисигача етиб борган. Европа давлатлари ҳам турк сultonи билан ҳисоблашарди. Давлатнинг сиёсий нуфузи мустаҳкамлиги, албатта илм-фан, санъат-маданият, адабиёт ривожига замин яратди. Савдо-сотиқ ишлари ривожланган, кўшлаб хорижий эллардан Истанбулга карvonлар оқиб келар, бу ўз навбатида ҳалқлар ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтиради. Диний, ирқий

низоларга барҳам берилиб, шаҳару қишлоқларда осудалик хукм сурди. Истанбул мишлий маданият гуллаб яшнаётган шаҳарга айланди. Султоннинг ва бекларнинг саройларида илмий-адабий мунозаралар уюштирилар, ижод аҳлига эътибор қилинарди. Истанбул, Бурса, Эдирна, Маниса Конъя ва бошқа йирик шаҳарларда кўплаб жоме, хонақоҳ, мадраса, кутубхона карвонсаройлар қурилиб, ажойиб меъморлик ёдгорликлари бунёд этилди.

Турк мумтоз шеъриятининг энг ёрқин юлдузлари Махмуд Абдул Бокий, Ҳаёлий, Рухий каби шоирлар ҳам ўша даврнинг адабий, маданий муҳити туфайли етишиб чиқди. Истанбулдагина эмас, бошқа йирик шаҳарлардаги сарой ва мадрасаларда ўзига хос адабий гурухлар тўпланди. Империянинг маданий марказлари бўлмиш Истанбул, Эдирна, Бурса, Конъя, Ускуп, Диёр бакир шаҳарларида адабий муҳит ўзига хос тарзда ривожланди. Энди турк шоирлари фарсий тилда ижод қилган буюк шоирларга эмас, Ахмад Пошо, Нажотий каби туркий тилда ижод қилган, айтиш мумкин бўлса, ўз ватандош устозлари ижодига эргашиб ижод қила бошладилар. Девон шеърияти асосан аruz вазнида яратилгани учун шеъриятда араб, форс калималари ниҳоятда кўп қўлланиларди. Бу даврда шеърият тилини “туркийлаштириши”га интилишлар ҳам шу сабаблидир. “Турки басит”, яъни содда ҳалқ туркчаси ва ҳалқ тушунадиган мажозларда шеър ёзиш тарафдорлари ҳам бор эди. Ойдинли Висолий, Эдирнели Назмий кабилар. Аммо, бу йўналиш тарафдорлари унча муваффақиятга эриша олмадилар.

XVI юз йилда тазкирачилик, тарихчилик, маснавий ёзиш борасида ҳам ижобий силжишлар бўлди. Ҳалқ ҳикоялари йўлида дидактик асарлар яратилди. Ишқий, ахлоқий, диний мавзуларда, панд-насиҳат, тарихий воқеаларни акс эттирувчи асарлар, жумладан Ибни Камоннинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Қора Фазлийнинг “Гул ва булбул”, Топлижали Яҳёнинг “Хамса”си яратилди.

Шаклан мураббага ўхшаш, аммо содда тилда, куйга солиб айтиш учун ёзилган, шарқий номини олган шеърлар ҳам асосан шу давр маҳсулидир. XVI асрда “Шаҳар ангиз” жанрида Истанбул, Бурса, Эдирна, Диёрбакир каби шаҳарларга бағишланган кўплаб асарлар вужудга келди. Ломийнинг Бурса тарифи келтирилган “Шаҳар ангизи” айниқса машхурдир. Умуман XVI асрда аввалги юз йилликлардаги адабий йўналиш янада мукаммаллашиб, турк классик адабиёти мазмунан ҳам, шаклан ҳам анча бойиди. Бу даврда кўплаб ғазалнавис, маънавийнавис шоирлар етишиб чиқиб, турк адабиёти саҳифасини янада безадилар. Зотий, Боқий, Исҳоқ Чалабий, Фигоний, Раҳмий, Ҳайратий, Ломий Ҳақ қоний, Назмий, Шоҳидий, Шукрий, Жалолий, Бехиштий, Шарифий, Ғазолий, Шамсиддин Сивасий, Нихоний, Хотамий, Васфий, Ҳайлек Бей, Усулий, Камол Попозода, Бағдодли Руҳий XVI аср турк классик адабиётининг энг кўзга кўринган вакиллари дидир.

МАҲМУД АБДУЛ БОҚИЙ (1526-1600)

Мумтоз турк адабиётининг, умуман турк девон шеъриятининг энг йирик вакили Боқийдир. Унинг отаси фотих жомесининг муazzини Мөхмәт Афанди илмли киши бўлса ҳам, моддий жиҳатдан бадавлат эмас эди. Отасининг истаги бўйича Боқий хунар ўрганиб оиласа моддий кўмакташиши керак эди. Аммо илмга бўлган чанқоқлик, Боқийдаги табиат берган иқтидор туфайли мадрасада ўқииди, ўз даврининг йирик уламоларидан дарс олади. Кейинчалик ўзи ҳам мадрасада дарс беради. 25 ақча маош олиб ишлаб юрган Маҳмуд кейинчалик жуда юқори лавозимларга кўтарилади. Боқий Сулаймония мадрасасининг мударриси, Макка қозиси, Истанбул қозиси, Анадўлу ва Румэлида қозиаскар ва зифаларида ишлайди. Боқий яшаган давр усмонлилар давлатининг шон-шуҳрати порлаган давр эди. ғазаллари ва айниқса “Сунбул қасидаси” билан танилган шоирини Султон Сулаймон қонуний ҳам

жуда ҳурмат қиласы. Султоннинг 1555 Эронга юриш қилиб зафар қозонишига бағылаб Бокий қасида ёзгач, унинг обрўси янада ошиб кетади. 1566 йил Сулаймон қонуний вафот қиласы. Қонунийдан кейинги султонлар Салим II (1566-1574), Мурод III (1574-1595) Мәхмәд III (1595-1602) ҳам Бокийга яхши муносабатда бўладилар, шоирга шоҳона эҳсонлар бериб, эъзозлайдилар. Бир умр юқори лавозимларда бўлган Бокий 70 ёшида истеъфога чиқади. Шоир 1600 йил 7 апрелда 74 ёшида вафот қилган. Бокийнинг жонозаси фотих жомесида шайхулислом Сунуллоҳ Афанди томонидан ўқилиб, дабдабали дағн маросими ўтказилади.

Усмонийлар давлатида “шоирлар султони” деб танилган Маҳмуд Абдул Бокий ўз даврида бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам машҳур эди. Арабистон, Эрон, Ҳиндистон саройларида ҳам Боқий ғазалларини ўқишиган. Ҳатто Эрон шоҳи Бокийни ўз саройига таклиф қилганлиги маълум. Боқий Макка қозиси лавозимида турган вақтида, кўплаб мусулмон мамлакатларидан зиёратта келган илм аҳли, шоирлар билан учрашган, сұхбатлашган, бу ҳам шоирнинг машҳур бўлишига сабаблардан биридир.

М. Бокийнинг поэтик ижоди ўз даврида ҳам, ундан сўнг ҳам зўр қизиқиш уйғотиб, кўшгина турк шоирлари Боқий ижодига эргашганлар. Шоирни лирик шеъриятнинг ҳоқони, бадиий сўз устаси деб ҳурматлаганлар. Айримлар Бокий ғазалларини, машҳур форс шоири Ҳофиз Шерозий ғазаллари билан тенг кўйганлар, ҳатто шоир Нодим Боқий ғазалларидек ғазал ёзиб бўлмайди дея улуглайди. Ўрта асрларда яратилган деярли барча адабий тазкираларда Бокий ижоди осмонга кўтариб мақталади. У турк шеъриятида янгилик яратган, шеърият тилини энг юқори чўққисига олиб чиқсан шоир сифатида таърифланади. Мана шундай бир воқеани ҳам айтадилар. Ижодини жуда эрта бошлиган Абдул Бокий ўз ғазалларини, ўша вактдаги машҳур шоирлардан Зотийга олиб келиб кўрсатади. Шоир Зотий ёш бир йигитчанинг шундай ажойиб

ғазаллар ёзганига ишонмайди. Кейинчалик бу ғазалларни ўз девонига киритади ва бу иши фоп бўлганда “ажойиб шоирдан” ўғирлаш айб эмаслигини айтади. Кўринадики Боқийни катта-кичик замондош шоирлар бирдек тан олганлар. Бунга Боқий ғазалларининг юксак бадиий савияда ёзилганлиги биринчи сабабдир. Адабиётшунос олим Аҳмад Қабокли “Турк адабиёти” дарслик китобида Боқий адабий санъатини юксак баҳолаб шундай ёзади: “Боқийнинг санъати, бир сўзла айтганда му-каммал бир санъатдир. Шеърларида юқори даражадаги жўш-қинлик илҳом ва бадиият бор. Сўзлар том маънода ўз ўрнида қўлланилиб, мазмун чукур ифодаланган. Заковат ва сўз санъатларига алоҳида эътибор берилади. Калималарида бир неча англаш бера оладиган, мисралар оҳангини энг юқори даражага кўтарадиган шоирдир”.¹

Боқийнинг бизгача етиб келган девони асосан ғазаллар ва қасидалардан иборат бўлиб, мазмунан ўша давр адабий мухитигахос бўлган традицион тарздадир. Боқий ғазалларидаги бош мавзу-севги. Бадиий образлар ҳам (гул, булбул, май, баҳор, куз ва бошқалар) кўпроқ анъанавий. Лекин, шоир мисраларида араб, форс, турк тилида бундай қўлланилайдиган сўзларни, масалан, муҳаббат, шароб ва ҳакозо, шундай усталик билан ишлатиладики, унинг айрим ғазалларини уч тил вакили ҳам бирдек ўқиб тушуниши мумкин. Боқийнинг бу бадиий маҳорати хусусида, турк адабиётининг тадқиқотчиси проф. В. С. Гарбузова қуйидагиларни айтганди: “Боқий томонидан поэтик мисраларни бу қадар мураккаблаштирилиши шунинг учун зохир бўлдики, у уч тилдаги (турк, форс ва араб тилларидаги) сўзлардан гоят усталик ва катта қобилият билан фойдаланиб, кўп сонли омоним ва синонимларни вужудга келтирди. Боқий шеърларида шу қадар кутилмаган ўхшатишлар, шу қадар мураккаб метафоралар, шу қадар кўп нозик имо-ишоралар борки, фақат ўша даврда жуда катта билимга эга бўлган кишигина тушуниш мумкин эди”.²

1 Аҳмад Қабокли. Турк адабиёти. 2-жилд. Истанбул 1997 йил. 597-бет.

2 Гарбузова В. С. Турк адабиёти классиклари. Тошкент-1960. 78-79 бетлар.

Дарҳақиқат Боқий ғазалларида ва айниқса қасидаларида кўплаб аниқ фанларга оид маълумотларни ҳам учратамизки, шоир ўз даврининг анча билимдан зиёлларидан бўлганига ишончингиз комил бўлади. Унинг Сулаймон Конунига бағишиланган қасидалардан бирида кўплаб планеталарнинг номи келтирилади ва бу ҳодиса бадиий санъатдаги тимсол, ўхшатиш, қиёслаш вазифасини ўтайди.

Масалан қасиданинг бошланишидаги қуйидаги мисраларга эътибор қилинг:

Ҳангами шаб кунгарак қасри осмон
Зайн бўлмиш эди шуълаланиб шамъи ахтарон;
Хели кавокаб ичра ёниб машъали қамар,
Сахни самода равшан эди роҳи қаҳқашон:
Даст чўзмиш эди килки шаҳобга дабири чарх,
Туғро нависи ҳукми худованди инсу жон.
Базму фалакда созлар эди Зухрай созга чанг,
Айшу сафода хурраму, хандону шодумон.
Бу чарх чанбарида тутиб давр усулини,
Даффори меҳр қилмиш эди чехрасин ниҳол.
Бир тиги зар нишонила кирмишди арсага,
Шамшир бози маъракайи сахна осмон.¹

(Миртемир таржимаси)

Боқий шеър тузилишига жуда эътибор қилган. Ўрта асрларда шеъриятида урф бўлган тарих айтиш ёки бир байтдан бир неча маъно келтириб чиқарип мумкин бўлган ғазаллар ёзишда камолот даражасига кўтарилган. “Техник шеърият” соҳасида ажойиб намуналар яратган шоир, бир-бирига зид бўлган тушунчаларни усталик билан боғлардики, бунда мазмун ҳам бузилмасди, шеърнинг шакли ҳам гўзаллашарди. Боқий учун асосий эстетик ўлчов-нафислик, назокат ва гўзалик эди. “Шеърият нафис ва гўзал бўлиши керак” деб ёзганли шоирнинг ўзи ҳам. Шеър тузилиши санъатини зарга-

1 Ўша китоб. 80-бет.

рона меҳнатга қиёслаган Боқий, ғазал композицияси, ритм тузилиши, оҳангдорлик, мусикийликка алоҳида эътибор беради. Мумтоз ғазалларида учрайдиган анъанавий образларга шоир янгича ёндошади. Лолани май тўла қадаҳга қиёсласа, майхонани гулзорга, чаманга қиёслайди. “Сен гулзор истар бўлсанг майхонага кел, гул истар бўлсанг мана майкоса”. “Бу дунёниг гўзалиги май ва севги эмасми?”, “О, Боқий ўткинчи дунё ғамларини унут, май тўла қадаҳни кўтар” мазмунидаги мисрлар шоир ғазалларида тез-тез учрайдик, буни рамзий маънода тушуниш керак. Бутун Шарқ шеъриятида бўлганидек, Боқий шеърлари ҳам тасаввуфий руҳдан мосува эмас. Аммо, кўпроқ шоир реал ҳаётни куйлашни афзал кўради. Унинг ғазалларида “Жаҳон афсонадир алданма Боқий, жом у шодлик, ҳаёлу хоба бензар” каби мисралар учрасада, табиатан завқли, гўзаликка ошно бўлган шоирнинг ҳаётсеварлиги унинг асарларига ҳам кўчгандир. Дунё боқий эмаслиги, ўткинчи замонда бехуда ғам-андухга берилмасликка ундаш маълум маънода ижобийдир. Боқий ғазалларидаги нағислик, гўзал ташбеҳлар ўқувчи завқига завқ кўшиб, унинг ҳиссиётини тарбиялашда муҳим рол ўйнайди. Кутимаган ўхшатишлар киши зеҳнини чархлайди.

Сарв қоматлар икки ёнин олурлар йўлин,
Рахи гулзора кўчар йўллари Истанбулин.

Боқий форма жиҳатдан ёрқин мисраларга, нозик инсоний ҳис-туйгуларни ҳам сингдира олган. Шоирнинг лирик идеали – “мукаммаллик денгизи, илм кемаси, шеърият масканидир”.

Маҳмуд Абдул Боқий ўша давр турк шеърияти тилини яна бир пофона кўтарди. У турк тилини лексик жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам ўзлашма архаик сўзлардан тозалашга ҳаракат қилди. У шеър шаклини мукаммаллаштиришга кўпроқ эътибор берсада, мазмунни унитгани йўқ. Анъанавий образлари янгича эстетик юк юклади, чиройли метафоралар,

ўхшатишлиар топиб, шеърият бадиятини янада гўзаллаштириди. Маҳмуд Абдул Бокий ижоди ўрта асарлар турк шеъриятидаги ниҳоятда нафис ва латиф ани пайтда мураккаб тилли шеърларнинг энг яхши намунасиdir.

XVII АСРДАГИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА АДАБИЙ МУҲИТГА УМУМИЙ НАЗАР

XVI аср Усмонлилар давлатининг катта ўзгаришларга юз тутган даври эди. Қонуний Султон Сулаймоннинг ўлимидан сўнг тахтга ўтирган Салим II ҳам Қонуний йўлини давом эттириди. Давлатнинг иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи сиёsat бир маромда сақланиб турди.

XV асрда ривожланиши бир оз сусайган девон адабиёти XVI асрга келиб ўзининг энг юксак чўққисига чиқди ва бу ривожланиши XVII асрда ҳам давом этди.

Аср бошларида турк-ислом маданияти ҳукм сурган жойларда ўзига яраша муаммолар пайдо бўлган эди. Марказий Осиёда юз йиллардан буён ҳукм суриб келаётган сиёсий вазиятдаги ички зиддиятлар тугатилмаган, Олгин Ўрдадаги Тўхтамиш ўргадан кўтарилгандан кейинги пайдо бўлган бўшлиқ тўлдирилмаган эди. Олгин Ўрда давлатидаги қарорсиз вазият Чор Россиясининг Ҳазар дengизига чиқишига ва Ўрта Осиё томон илгарилашига қулай вазият туғдирди. Испанлар томонидан Американинг кашф қилиниб, янги дengиз йўлларининг очилиши ҳам усмонли императорлигини иқтисодий бухронга олиб еклган омиллардан бири бўлди.

Гарчанд XVII аср бопида Султон Мехмед III (1595-1603) “Хачова” жангига Голиб келиб, Европада усмонийларнинг мавқеи бироз мустаҳкамланган эсада, 1606 йил Султон Аҳмад I (1603-1617) томонидан, “империясининг Европада олға силжишига чек кўйди. Давлатнинг ичидаги зиддиятлар ва айникиса янада заифлаштириди. Аммо Туркия учун энг катта хавф Европага нисбатан илм-фан, маданият ривожининг тўхтаб қолганлиги эди. Европада ренесансдан сўнг шид-

дат билан ривожланаётган маданий ва иқтисодий ҳолат Туркияда аксинча эди. Султон Ахмад I ўлимидан сўнгти тахт талашлар, давлат миқёсидаги шахслардаги бекарорлик, ички низолар давлатни янада заифлаштиарди. 1648 йил тахтга ўтилган Мехмед IV гина бу таназзулни бироз тўхтатишга муваффақ бўлди. XVI асрдаги усмонийлар шавкатини тиклаш учун кўлидан келганча уринди. Мехмед IV онаси Турхан Волида Султан сиёсатда ҳам сўзи ўтадиган аёллардан бўлиб, садраъзамликка Кўпрулу Мехмед Пошони кўйдиришга муваффақ бўлади. Махмед Пошо давлат тизимида бир қанча ўзгаришлар қиласди. Мехмед Пошо вафотидан сўнг унинг ўрнига садраъзам бўлган ўғли Фазил Ахмед Пошо давлат миёсида бир мунча ижобий ишларни амалга оширди. Европа сиёсатини яхши билган, замонавий илм-фандан хабардор Фозил Пошо ҳарбий ислоҳатлар қилиб, Гирид жангига зафар қозонганди. Бу билан усмонийларнинг мавқеи бироз мустаҳкамлангандек бўлди. Фозил Пошонинг ўлимидан сўнг, 1699 йил имзоланган “Карловга” шартномаси давлат ва миллат учун кўп зарарли шартнома бўлди.

1642 йилда Истанбулдаги кучли зилзила, ёки 1645 йилда содир бўлган кун ва ой тутилишлари ҳам афкор омма ўртасида турлича фикрлар уйғотди. Ҳукуматга бўлган ишончни сусайтирди. Ҳатто усмонлилар давлатининг тамомила таназзули хақида сўзлар ҳам бўлди. Ана шундай ижтимоий муҳитда адабиёт, адабий ҳаёт ўсишдан тўхтаб қолгани йўқ. Фузулий ва Боқий каби устоз дея тан олинган шоирларнинг традициялари давом эттирди. XVII асрда ҳам турк адабиёти тарихида салмоқли ўрин бўлган шоирлар етишиб чиқди. Бу даврда ҳукмронлик қилган султонларнинг кўпчилиги шоир бўлганлиги, ёки адабиётни жуда севганилиги адабиёт ривожланишидаги муҳим омиллардан бўлди. Дарҳақиқат XVII асрда ҳукмронлик қилган султонлар Мехмед III “Одлий”, Ахмед “Бахтий”, Мурад II “Муродий” тахаллусларида ижод қилганлар. Истанбул ҳам сиёсий, ҳам маданий-адабий

марказ бўлиб қолаверади. Адабиёт асосан анъанавий йўлда ривожланди. Ошиклар ижодида ҳам, девон адабиётида ҳам поэзия асосий адабий тур бўлиб қолаверади. Бу аср адабиётидаги ўзига хослик, поэзиядаги янги жанрлар-сатирик ва дидактик асарларнинг яратилиши бўлди. Аниқ фанларнинг ривожланишида адабиётта ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Котиб Чалабий тахаллуси билан Машхур бўлган Мустафо ибн Абдулла (1609-1657) география, тарих, астрономия, фалсафа, адабиётга оид ўнлаб китоблар ёзди. Айниқса, унинг библиографик маълумотларни ўз ичига олган китобида 8000 яқин араб, форс, турк муаллифлари ҳакида маълумотлар берилганлиги аҳамиятлидир. Машхур сайёҳ Авлиё Чалабий (1611-1670 ёки 1681) Суря, Фаластин, Миср, Можаристон, Польша, Австрия, Германия, Дания, Франция, Украина, Молдавия, Волга бўйича, Ўрол, Кавказ, Крим ва яна бошқа кўпгина давлатларда бўлиб, кўрган кечирғанларини ўз “Саёҳатнома”сида акс эттириди. XVII асрда кўплаб адабий тазкираларнинг тузилиши, грамматикага оид илмий асарлар ёзилиши диққатга молик.

Содиқий Китобдорнинг “Мажмуаи ҳавас”, (А. Навоийнинг “Мажолисун Нафоис” асари таъсирида ёзилган), Риёзий Мехмед Афандининг “Риёзуш жуаро”, “Сайид Мехмед Ризонинг “Ризо Тазкираси” шулар жумласидандир.

XVII юзйилда шеърий асарлар билан баробар, озрок бўлсада насрый асарлар ҳам яратилди. Наргизийнинг (?-1635) насрый “Хамса”си, юқорида номлари зикр этилган Котиб Чалабий, Авлиё Чалабийларнинг “Саёҳатномалари” буни яхши мисолдир. Бу даврда меъморчилик, рассомчилик ва китоб безаги санъати ҳам анча ривожланди. Меъмор Мехмед оғанинг “Аҳмадия” масжиди, рассом Накшийнинг асарлари ўз даврида довруқ солди. XVII аср турк шеъриятининг ёрқин юлдузлари Нафий, Юсуф Наби, Аловиддин Собит, Рухий. Вайсийлар ижоди ўрта асрлар турк назмининг энг яхши намуналари бўлиб қолди.

НАФИЙ (1582-1636)

Асли исми Умар бўлган, XVII асрнинг машхур шоири Нафий Арзурэмга яқин бўлган Ҳасан қалъа деган жойда туғилган. Нафий тахаллусини унга дўсти, даврининг таникли тарихчиси Али Голиб ўғли берган. Ижодининг илк даврида шоир Заррий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Нафийнинг отаси Крим хонлари хизматида эди. Ёшлигидаёқ истеъдоди намоён бўлган бўлажак шоирни Мурод Пашо Истанбулга олиб келтиради. Султон Аҳмад I даврида пойтахтга келган Нафий Усмон II, Мустафо каби султонларга қасидалар ёзгани маълум. Аммо, Мурод IV Нафийга жуда катта ғамхўрлик қиласи. Шоирнинг энг ижоди гуллаган давр ҳам Мурод IV ҳомийлигидаги вақтдир. ўзи ҳам шеърлар ёзган Мурод IV “шеър оламининг султони бўлган бу тоза сўзловчи шоирга” ўзининг ашаддий муҳлис бўлганини маълум. Султон шоирни хос мажлисларга чакирар, узоқ сухбатлар курар, шеърларини тинглаб катта-катта эҳсонлар берарди. Султоннинг “эркатои” бўлган, жуда яхши маълумотли, араб, форс тилларини билган Нафий ҳақида тазкираларда маълумотлар камлиги ҳақида савол туғилиши мумкин. Айтишларича Нафий жуда “аччик тилли” шоир бўлган. У ўз сатирик шеърларида йирик амалдорлар, давлат миқёсидаги кишиларни ҳам ҳажв қилган. Шунинг учун уни душманлари ҳам кўп бўлган, балким ўша сабаб шоир ҳақида ёзишни хуш кўрмагандирлар замондошлари.

Мурод IV Нафийга ҳомийлик қилиши уларнинг табиатан, яъни характерда бирқирига ўхшали билан изоҳлашади, айрим адабиётшунослар (Масалан: Аҳмад қабоқли). Шунинг баробарида Мурод IV аввалги султонларга нисбатан адабиёт, санъатга эътибор кўрсатиб, давлатда тинчлик – осойишталик ҳукм сураётганини исботламоқчи ҳам бўлди. XVII асрдаги ташки ва ички низолар усмонлар империясини анча чарчатиб қўйганди. Мурод IV давлатнинг аввалги улуғворлигини

илм-фан, адабиёт, маданиятга рафбат кўрсатиш билан бироз бўлсада тикланса уринди. Мурод IV шоирни қанчалик яхши кўрмасин, гоҳида, ранжиган вақтлари ҳам бўлган. Лекин бу узоққа чўзилган эмас. Нафийнинг сатирик асарлари, султонга ёқса ҳам, танқид қилинган шахсларга ёқмасди, албатта. Нафий ҳажвий асарларини тўплаб “Сиҳоми қазо” (“Такдир ўқлари”) деб атайди ва султонга тақдим қиласди. Махмуд IV Бешиктоши саройида “Сиҳоми қазо”ни ўқиб ўтиаркан, ногоҳдраво ўзгариб, шоҳнинг ёнига яшин келиб тушади. Бундан хузурсизланган ва ўзгача маъно кашф этган султон Нафийни чақиртириб келтиради ва унга бундай ҳажвий асарлар ёзмасликни тайинлади. Шоир ҳам сўз беради. Аммо бироз вакт ўтгач Нафий, султоннинг куёви вазир Байрам Порошо ҳакида ҳажв ёзади. Бундан ғазабланган Байрам Порошо Нафийни жазолашга султоннинг розилигини олишга эришади. Шоирни алдаб саройга чақиртиради ва ергўлада бўғиб ўлтиририб жасадини денгизга улоқтирдириб юборади. Аммо Нафий ёзган ҳажвий асарлар халқ ўртасида тезда машхур бўлиб кетади.

Нафий адабий меросини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси турк тилида ёзилган “Девон” бўлиб, “сўзим” радифли наът билан очилади. “Девон”да Мавлоно Жалолиддин Румийга мадҳия ва 57 қасида бор. Шунингдек 119 та ғазал, таркибанд шаклида ёзилган “Соқийнома” ҳамда қитъя, рубоийлар бор.

Иккинчиси шоирнинг форсча “Девони”дир. Девонда 8 наът, 8 қасида, 1 соқийнома, 1 фахрия, 21 ғазал, 171 рубоий бор. “Девон” бир нечта нусхалари Туркия ва Европадаги кутубхоналардан топилган. Адабиётшунос олим Али Ниход Тарлан бу нусхаларни қиёсий ўрганиб, ҳамда туркчага таржима қилиб 1944 йилда Истанбулда напр эттирган.

Учинчиси, Нафийнинг ҳажвий асарларини тўплаган “Сиҳоми қазо” мажмуасидир. Бундаги асарлар савия жиҳатидан бир хил эмас. Айрим нусхалари бир-биридан фарқ қиласди. ҳажвий асарларда асосан Нафийга замондош амалдорлар

объект қилиб олинган. ўша даврда яшаган шоирлардан айримлари ҳақида ҳам Нафийнинг салбий фикрлари акс этган.

Шунингдек, Нафийнинг “Тұхфатул-ушшоқ” номли 97 байтдан иборат қасидаси ҳам бор. Бу асар Фузулий “Анисул қалб” достонда ва шу мавзудаги асарларга назира тарзида ёзилгани учун, адабиётшпенослар бу асарни мустақил назм намунаси сифатида санамайдылар.

Даврининг ғазалнавис ва ҳажвчи шоири сифатида танилған Нафий ижодида күзга ташланған ўзига хослик, шеърлардаги күттаринки оғанғидир. Шоир бу оғанғни сақлаш учун турк, араб, форс сўзларидан усталик билан фойдаланади. Шу йўсиндан Нафий қасидаларидағи услугуб, девон шеъриятида қолиплашган услугбадур. Шоирнинг сўз манбаи бой бўлиши мумкин, лекин уни асарда мусиқий бир тарзда бериш мүশкил. Ишқ, фалак, ҳижрон, висол мавзусидаги Нафий ғазаллари бу борада муваффакиятли чиққан. Шоирнинг ижодий диапозони кенг, у ғазалларида фақат ишқий мавзуларни эмас, ҳарб ва қаҳрамонлик, тасаввуф мавзуларини ҳам маҳоратла ёрита олган. Шоир танлаган мавзусини ўзи истагандек тасаввур этар уни ёритишда ҳам қийналмасди. У ўзигача ҳеч қўлланмаган калималар ва табирларни усталик билан шеър мағзига сингдириб юборарди. Нафийнинг шеърларида янгича бир оғанг, хаёл ва ҳаёт кучи бордек. Масалан шоирнинг уруши тасвирига бағишлиланған мисраларини ўқисангиз, қиличларнинг жарангланиши туйгандек бўласиз.

Нафий ижодининг яна бир ўзига хослиги мажозларда бойлик, кичик ва кўттаринки руҳдир. Шоир гоҳида арузнинг қатъий қолипларига риоя ҳам қилмасдан, сўзларга ўзгача оғанг бағишлишга интилади. Бокий сингари шеър “техникаси”га эмас, кўпроқ сўз оғангига эътибор беради.

Нафий шеъриятни улуғ неъмат деб билган. У шоирларни султонлардан юқори кўяди. Шоирлар бўлмаса, ўтиб кетган шоҳларни ҳеч ким билмасдиям, эсламасдиям” дея ёзганди Нафий. Шоир ғазалларида айни пайтда мағурона

ёзилган мисраларни ҳам учратамиз. Гоҳида у ўзини барча замондошлиаридан устун кўяди. Шеър айтганида ҳатто “Хофиз ҳам жим туради” тарзидаги ўзига ишонч ва бино қўшиш ҳам бор.

Нафийнинг ҳажвиёти айниқса ўз даври учун характерли бўлиб, шоир турк адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб, сulton саройининг ички кирдикорларини қаламга олади. Ундаги лаганбардорлик, сохталик, кўзбўямачиликларни озмикўпми фош қиласди. Шунинг учунми Нафий ҳажвиёти халқ ўртасида тез тарқаларди. Халқ ҳам шоирга керакли хурматни кўрсатарди. Тарихчи Кочубей Байрам Порошо томонидан ўлдирилилган шоирнинг жасадини дengизга ташлатишни ҳам, халқдан Нафий ўлимини яшириш учун қилингандигини ёзганди.

Нафий ғазаллари, айниқса сатирик шеърлари билан XVII аср турк шеъриятига янгича бир оҳанг олиб кирган шоир бўлиб қолди.

ЮСУФ НАБИЙ (1640-1712)

XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII аср бошларида яшаб ўтган энг шуҳратли турк шоирларидан бири Юсуф Набийдир. Урфада туғилган шоирнинг отаси Ҳожи Faффодзода исмли киши бўлиб, оиласда ҳам илмга, адабиёт ва санъатга қизиқиш кучли эди. Бўлажак шоирнинг болалиги илм ҳавосига тўйинган бир муҳитда кечди. Бошланғич таҳсилни Урфада олади. Мунтазам равишда илмини ошириб борган Набий араб ва форс тилларини шеър ёзиш даражасида яхши ўрганади. 25 ёшида Истанбулга келиб, вазир Мустафо Порошонинг хизматига киради. Тезда Истанбулдаги адабий муҳитда ўз ўрнини топади. Даврининг устоз шоирларидан бўлган Ноилийнинг эътиборига тушади ва хурматини қозонади. Юсуф Набига мустаф Порошумрининг охиригача ҳомийлик қиласди. У вазирнинг девонида котиб, сўнгра турли юқори лавозимларда ҳам ишлайди. ҳатто

бир қанча ҳарбий юришларда вазирнинг ёнида бўлади. 35 ёшида ҳаж сафарини ихтиёр қилади. ҳаждан қайтиб “Тухфатул ҳарамайн” (“Икки муқаддас шаҳарга саёҳат”) номли асарни ёзиб Султон Мехмедга топширади. Географик руҳдаги бу асарда Юсуф Набийнинг Макка ва Мадина шаҳарларига қилган саёҳатлари, ўша шаҳарларда ижтимоий мухит ўқишли тарзда жуда яхши ифодаланганди. Китобнинг Мехмед IV совға қилиниши ҳам бежиз эмас. Султон севикли шоири Юсуф Набийнинг ҳаж сафари учун шароит яратиб берган, ўша вақтдаги Макка валийсига хат ёзиб, Набий эътибор қилишини ҳам буюради. Умуман Юсуф Набий 72 йиллик ҳаётида олтита султонлар ҳукм сурган даврни кўради. Бу ҳукумдорларнинг барчаси (Иброҳим I, Мехмед IV, Сулаймон II, Султон Ахмад II, Мустафо III, Ахмад III) Набийга яхши муносабатда бўлиб, илтифотлар кўрсатиб турган. ҳаж сафаридан сўнг Юсуф Набий улуг вазир Мустафо Пашо билан Морага кетади. 1685 йил вазирнинг вафотидан сўнг Халаб шаҳрига бориб жойланади. ҳалаб валийси Балтожи Мехмед Пашо шоирнинг дўст ва ҳомийси эди. Узоқ йиллар ҳалабда яшаб, Балтожи Пашо улуг вазир бўлгач, 70 ёшида Истанбулга қайтади. Ниҳоятда илмли ва пок инсон бўлган Набий ўз вафот кунини олдиндан башорат қилиб, қитъа ёзадиким “кетти Набий Афанди жаннатга тек” мисралари унинг вафотини тарих санасини англатади. 1712 йил 12 апрелда кўз юмган. Шоирнинг қабри Ускудардаги Коражааҳмад қабристонидадир.

Юсуф Набий билимдон ва камолотта эришган шахс эди. Унинг замондошлари шоир ҳакида ҳамиша ҳурмат билан ёзадилар. Набийни фозил диндор, пок инсон сифатида та-рифлайдилар. Сабр-тоқатли, ширин сўзли, атрофидагиларни ишларига аралашавермайдиган Набий самимий дўстлари кўп эди. Турли можоролардан ўзини олиб қочадиган, гийбатларга қўшилмайдиган шоир характери унинг асарларида ҳам акс этгандек. “Хайрияи Набий” маснавийси шоирнинг фалсафий, эстетик қарашлари ўзига жамлаган асарларидан биридир.

Набийнинг икки ўғли бўлиб, ўғиллари Абулхайр ва Мехмед Эминлар Ҳалабда таваллуд топғанлар. Умуман Набий ижодининг энг гуллаган даври, Ҳалаб шаҳрида Балтожи Мехмед Пороҳо ҳомийлигига бўлган давридир. “Хайрияи Набий”ни шоир ўғли Абулхайрга бағишлар дидактиқ руҳда ёзган. Шоирнинг мақсади ҳам ўғлига насиҳатлари тарзида ёзган достони орқали ёшларга тўғри йўл кўрсатишидир. Достоннинг ҳар бир боби маълум бир ахлоқий категорияларга бағишиланган. Асарда яхшилик, сахийлик, ақллилик, софдиллик, хушёрлик мадҳ этилса, хасислик, қизиққонлик, бузуклик, ёлғончилик, нопоклик сингари киши табиатида бўладиган иллатлар танқид қилинади. Юсуф Набийнинг ўзи бир умр сарой аҳлларига яқин бўлиб яшаган бўлса ҳам, ўғлига султонлардан узокроқ бўлишни насиҳат қиласди. Саройдаги турли хил ғийбатлар, иккиюзламачилик, шахсий манфаат йўлида бир-бирини сотишлар ҳеч қачон киши қалби оромда бўлмайди. Набий ўз ахлоқий принципларидан келиб чиқиб, ўғлига тинч ҳаёт кечириш йўлларини кўрсатади. Достонда ўша замоннинг маълум бир иллатлари шоирона тилга, кенг ҳалқ оммасига тушунарли қилиб ифодалаб берилгани учунми, асар тезда мушҳур бўлиб кетади. Достонда мақол ва маталлар жуда ўринли кўлланган, образларга бой. Асарнинг баён қилиш усули ҳам жозибали бўлиб, арабча, форсча сўзлар нисбатан кам ишлатилган. Набий олға сурған бош гоялардан бири илм билан мунтазам шуғулланишидир. Саодатга эришишининг энг тўғри йўли илмда эканлигини уқтиради шоир. Асар 1694 йилда ёзиб тутатилган бўлса, XIX асрда Европа тијларига таржима қилинади. Француз шарқшуноси Павэ де Куртей маснавийни фаранг тилига таржима қилиб, 1857 йил нашр қилдиради.

Юсуф Набийнинг иккинчи достони “Хайрабод” ҳам Ҳалабда ёзилган. Бироқ бу асар руҳи ва сюжет тузилиши жиҳатидан “Хайрия”дан томоман фарқ қиласди. 1705 йилда ёзиб тугалланган бу асар кўпроқ ҳалқ эртакларини эслатади. Набий асар сюжетини Ф. Атторнинг “Илоҳийнома”сидан ол-

гандыгини ва ўзига давом эттирилганды очиқ ёзади. Достон мазмунан ҳам, сюжет қурилиши жиҳатидан ҳам қизықарлы. Юсуф Набий асарни ўқишили бўлиши учун Шарқ адабиёти анъаналаридан, салафлар ижодидан унумли фойдалангани сезилади. Бу ҳакда олим В.С. Гарбузованинг куйидаги фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин: “Достон билан танишилганда ёзади олим – шу нарса маълум бўладики, Набий Атторнинг қисқа ва нисбатан содда сюжетини қайта ишлаган ва баъзи нарсаларни Низомий ҳамда Набийдан, кўшгина нарсаларни эса халқ эртакларидан олиб, бу сюжетни давом эттирган. Бундан ташқари достон воқеалари Кичик Осиёга кўчирилган ва унинг қаҳрамонлари чинакам турклар сифатида тақдим қилинган”.¹

Достонинг бош қаҳрамонлари жўржонийлар шохи Хуррамшоҳ, сарой шоири Фахр, шохнинг қули Жовид ва шаҳар ўғриларининг бошлиғи Чалакдир. Воқеа Хуррам шоҳ саройидаги базмда шоир-Фахрнинг шеър ўқиши ва бундан мамнун бўлган шоҳ ўзининг суюкли қули Жовидни Фахрга ҳадя қилиши билан бошланади. Аммо шоир Фахр шоҳ ўзига келгач, бу тухфасидан айниб қолажагини билади. Шунинг учун ҳам базм қатнашчилари уй-уйларига тарқалган пайтда Фахр бу кулваччани ертўлага қамаб қўяди. Бу ертўлага фақатгина таҳтнинг тагидан йўл бор эди, холос. Ертўланинг калидини эса икки кишининг гувоҳлигида бир амалдорга беради. Эрталаб шоҳ кайфи тарқагач, шоирнинг қилган ишидан хурсанд бўлиб, уни мақтайди. Шоҳ калидни олиб ертўлага тушади. Бироқ у ерда фақат бир уюм кулнигина кўради. кулвачча тасодифан чиқсан ёнғиндан ёниб халок бўлган бўлади. Хуррамшоҳ шу қадар чукур қайғуга ботадики, дунёвий ишларнинг ҳаммасидан воз кечиб, тарки дунё қилади ва ўз вақтини ҳамиша тоат-ибодат билан ўтказади.

Фоят қўрқиб кетган шоир Фахр саҳрого қочиб кетади, саргардонликда янада ажойиброқ шеърлар ёзади.

Аттор асарининг сюжети ана шу ерда тамом бўлади. Наби эса уни куйидагича давом эттиради: аслида кулвачча Жовид

1 Гарбузова В.С. Турк адабиёти классиклари. Тошкент-1960. 93-бет.

ҳалок бўлмаган экан. Шам ағдарилиб кетиб, Жовид ётадиган тўшак ёна бошлиганда бола уйғониб қолган ва ёрдамга сўраб бағирган. Кўп вакълардан бери шоҳ хазинасини ўғирлашни орзу қилиб юрган ва ерни кавлаб тахт ўрнатилган хонага яширин йўл очган ёзувчи Чалак шу пайт болага ёрдамга келади. Зиёфат кечасида Чалак худди ергўлада пойлаб ётган бўлади ва Жовиднинг бакирганини эшитиб, ергўла девонини дарҳол тешади ва болани муқаррар ҳолатдан саклаб қолади.

Чалак болани кутқаргач, Жовид унинг гунохини кечиришни шоҳдан сўраб беришга ваъда қиласди. Чунки Чалак мамлакатдаги барча ўғриларнинг бошлиғи бўлиб, шоҳнинг одамлари узоқ вакълардан бери унинг изидан кувиб юрган бўладилар. Жовид ўзини шоирга инъом қилиб юборганлиги учун шоҳдан хафа бўлади ва унга араз қилиб вактинча Чалакнинг уйида қолишга қарор қиласди.

Бу вакъта Хуррамшоҳ тарки дунёсини давом қилиб ҳамма вактини тоат-ибодат билан ўтказар эди. Бир куни у тасодифан ергўлага қаердандир тоза ҳаво кираётганлигини сезиб қолдаи. Деворларни синчилаб кўздан кечириб чиқсан шоҳ бир жойнинг усталик билан тешилганини кўради. У тор йўллакка чиқади. Юра-юра у бир ҳовлидан чиқиб қолади, бу ҳовлида серсоя чинор тагида Жовид ширин уйқуда ётганини кўради. Лахм шоҳни тўппа-тўғри Чалакнинг уйига олиб чиқсан эди.

Жовидни кўрган шоҳ унга ўзини ташлайди. Бироқ уйкудан турган замон лой ва тупроқка белангандан шоҳни таний олмаган Жовид қоча бошлиайди. Хуррамшоҳ эса Жовиднинг кетидан югуради. Тўполон овозини эшитиб уйдан чиқсан Чалак ҳам шоҳни танийди ва кимдир болани хафа қилмоқчи шекилли деб ўйлаб, буларнинг кетидан у ҳам югуради. Уларни шаҳар кўчасида кўриб қолган сарой кўриқчилари ҳам ҳайратда қолиб, “ушланглар, ушланглар!” дея бақиришади ва уларни кувлади.

Оломон тез қочаётган Жовиднинг кетидан югуриб бир ҳароба масжид ҳовлисига кириб келади. Бу ҳовлида кудук

ва унинг ёнида сербутоқ бир дарахт бўлади. Бола дарахтнинг устига чиқади, бироқ шоҳ синиб кетиб, Жовид қудукқа тушиб кетади. Шоҳ ҳам дарҳол арқонга осилиб қудукнинг ичига тушади. Чалак ҳам шоҳнинг кетидан қудукқа тушади. Соқчилар эса қудук ёнига келиб унинг ичига кетма-кет тош ташлайверадилар. Бироқ ҳеч ким ўлмайди.

Кудук тубига йиқилган Жовид омон қолади. У йиқилган жойида баланд дарвозани кўради, дарвоза орқали эса ажойиб боққа киради. Боғ ичида Жовид гўзал қизга дуч келади. Қиз бу ерда ўзини хотинликка олмоқчи бўлган даҳшатли дев Темтемнинг тутқуни бўлади.

Жовид ва унинг кетидан етиб келган шоҳ қиз ўтирган жойга яқинлашар-яқинлашмас уларни девнинг хизматкорлари ушлаб олади. Дев уларнинг кимлигини билгач, болани ҳам, шоҳни ҳам ўлдиришга азм қиласди. Дарахт шоҳлари орасида яшириниб турган Чалак Жовид билан Хуррамшоҳнинг бошига қандай кулфат тушаётганини кўради. Кечаси у дев соқчиларининг шаробига билдиримай кўкнори аралаштириб қўяди. Шундан сўнг улар ҳаммаси қаттиқ ухлаб қоладилар, Чалак эса уларнинг бошларини танасидан жудо қиласди. Темтем шу кеча гўзал қизни ўзига бўйсиндирмоқчи эди. Бироқ Чалак пайдо бўлади ва девни ўлдиради. Шоҳ билан Жовид омон қоладилар.

Шоҳ Чалакка мардлиги учун миннатдорчилик билдиради ва унинг олдинги гуноҳларини кечади. Жовид гўзал қизни севиб қолади. Шоҳ эса уларнинг қовушишларига рози бўлади.

Ҳаммалари бежад хурсанд бўлган ҳолда бир-бирларидан рози бўлиб қудукдан чиқадилар.

Ана шундан сўнг яна бир қатор воқеалар рўй беради. Уларнинг ҳар бирида Чалак гоҳ шоҳни, гоҳ Жовидни, гоҳ бутун мамлакатни келгинди душманлар ҳужумидан омон сақлаб қолади.

Ниҳоят, шоҳ яна катта зиёфат уюштиради. Бу зиёфатда сахродан олиб келинган шоир Фахр ҳам қатнашади. Зиё-

фат вақтида шоҳ ўз саргузаштларини айтиб беради ва кўпчиликнинг талабига кўра, Чалакни сахийлик билан мукофотлайди. Зиёфатдан сўнг Чалак мамлакатдаги барча ўғриларни ўз ҳунарини ташлашга ва ҳалол турмуш кечиришга кўндиради. Чалакнинг ўзи эса Хуррамшоҳнинг азалий душмани хукмронлик қилаётган Кирмонга жўнайди. Чалак Кирмон шоҳини маст қиласи ва оёқ-кўлини боғлаб, Журжонга олиб келади. Хуррамшоҳ ўз душманини ўлдирмайди, аксинча унинг гуноҳини кечиб, дўстлашади.

Достон ана шундай тугалланади ва унинг охирида Хуррамшоҳ мамлакатини Хайробод деб атапшарининг сабаби очиб берилади. Чунки ўшандан бери бу мамлакатда фаровонлик ва осойишталик хукм суради. (Асар сюжетининг насрый талқинида В.С. Гарбузова таржимасидан фойдаланилди)

Набийнинг “Хайрабод” достони оптимистик руҳи, шу мавзуда ўрта асрларда яратилган илк асар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Асарларида юксак бадиий маҳорат намунасини бера олган шоир адабий мероси қуйидагилардир.

1. Турк тилида битилган девонда 1 тавҳид, 4 наът, Истанбул буюкларига бағишилаб ёзилган маҳдиялар ва қасидалар бор. 1 таркибанд, 1 муҳаммас, 3 тахмис, Мехмед II аталиб маснавий шаклида ёзилган шеърлар, ҳамда кўплаб ғазаллар ҳамда рубоийлар ҳам ушбу девондан жой олган.

2. Форсча девонида 32 ғазал, Румий, Хофиз, Жомий, Салим II, Шифоий, Назирий, Шафкат, Ғарибий, Толибий ғазалларига тахмислар иборат.

3. А. Жомий форсча шеърга солган 40 ҳадис мазмунини турк тилига таржима қилган “Таржимаи ҳадиси Арбаин” асари.

4. Набийнинг “Хайрия” ва “Хайрабод” достонларининг алохида напрлари.

5. Сурнома. 587 байтдан иборат бўлиб, султон Мехмед II фарзандлари тўйлари поэтик ифодаланган маснавий.

6. Фотихномаси Команича. Мустафо Пошо буйругу билан ёзилган тарихий асар.

7. “Тұхфат ал-Харамайн” (Икки мұқаддас шаҳарға саёҳат) ҳеографик мазмундаги асар.

8. Зайли сийари Вайсий. XVII аср наср устаси Вайсий асарига илова тарзіда ёзилған.

9. Муншашт. Набий мактублари ўз ичига олған бу асар, шоир ҳәёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар бериши билан аҳамиятли.

Шоир ижоди ҳақида күшлаб илмий тадқиқот ишлари яратылған. Абдулқодир Қорахоннинг “Набий” (1953, 1987) Огоҳ Сирри Левендинг “Набийнинг Сурнамеси” (1944) монографиялари шулар жумласидандыр. Профессорлар Ф. Күпрулу, А.Н. Тарлан, А.Қобоқлилар ҳам Набий ҳәёти ва ижодига оид қимматли материалларини ўз илмий ишларida ёзіб қолдирғанлар.

XVIII АСРДА АДАБИЙ МУХИТ

XVIII аср Усмонли империяси учун жуда оғир кечди. Ички исёнлар, иқтисодий қийинчилик, айниқса, империянинг ташқи сиёсатдаги мавқеи кетиб, бир қанча ерларни қўлдан чиқариши бу давр учун характерлидир. Давлатнинг наинки XVII асрдаги буюклиги, ҳатто XVII асрдаги кудрати ҳам жуда заифлашиб қолди. 1699 йилда имзоланган “Карловча” шартномасига кўра, Усмонлилар давлати Можаристоннинг катта қисмини Долмачя ва Мора ерларини қўлдан чиқарди. Гарчи 16 йил давом этган уруш тўхтаган бўлса ҳам, империянинг Европадаги мавқеси деярли йўқолди. Узоқ давом этган урушлар натижасида солиқлар кўпайди. Бу нарса шусиз ҳам иқтисодий қийинчиликларда яшаётган халқнинг жонига тегди ва бир неча исёнлар бўлди. Испания ва Чор Россияси ҳам усмонлиларга қарши тиш қайраб турарди. 1712 йил, Истанбул шартномаси тузилди. Бунга кўра Туркия Мора ва бошқа баъзи қўлдан кетган ерларни қайтариб олди. Давлат бир оз қадрини

ростлагандек эди. Аммо, Австрия уруши бошланди. 1718 йил Пасарофча сулҳи тузилади. Урушлар, исёнлардан гарчаган омма бу сулҳни яхши қабул қиласиди. Эрон шоҳи Ашраф билан тўқнашувни ҳиёбга олмагандан, давлатда тинчлик ўрнатилади. Лола даври деб аталган бу 13 йилда адабиёт, санъат бирмунча ривожланди. Лекин, бу даврда соликлар кўпайган ва соликларни шоҳлар айшу-ишратларга сарфлаётганини кўрган халқ исён кўтаради. Бунга 1729 йил турк қўшинларининг Эрон шоҳи Нодиршоҳдан енгилганлиги ва бунга сultonнинг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлади. Сulton Аҳмад III тахтда ағдарилади. Садраъзам Иброҳим Пошо ўлдирилади, янгидан қурилган биноларга, саройларга ўт кўйилади.

Тахтга Маҳмуд I ўтиради. Бироқ давлат идораси исёнчилар бошлиғи янигар Халил ва унинг маслакдошлари кўлида эди. Асосий мансабларга ўз одамларини кўяр, истаган амалдорни ишдан бўшатар эди. Пойтахт Истанбул ўзаро ички можоролар ичида қолганди. Аҳволнинг бу тарзда давом этиши мумкин эмаслигини англаб етган сulton Маҳмуд II бир баҳона билан Халил ва маслакдошларини саройга чақиртиради, ҳамда ҳийла билан кўлга олиб, қатл эттиради. Баш кўтарган аскарлар исёнини ҳам бостиради. Давлат бошқарувини кўлга олади. Бу даврда Усмонийлар Фарбда Австрия ва Россия билан, Шаркда Эрон билан жанглар олиб бораётган эди.

1756-1763 йиллар сulton Мустафо III даври бироз осо-йипта кечди. Руслар билан урушлар, Мора исёни натижасида 1774 йил Усмонийлар Кичик Кайнарча сулҳини имзолашга мажбур бўлдилар, натижада Крим мустақил бўлди. Англия ва бошқа Европа давлатлари ҳар хил баҳоналар билан усмонлиларнинг сиёсатига аралашишга ҳаракат қиласидилар. Ташки урушлар, Миср, Сурия, Анадўлидаги ички исёнлар аср охиригача оз моз узилишлар билан давом этди.

XVIII аср усмонли тахтига ўтилган сultonларнинг кўпчилиги шоиртабиат, санъатсевар, табиатан юмшоқ кўнгил эдилар. Бу вақтга келиб Европа эса аввалгидан кўра илм-фанда

анча илгарилааб кетди. Шу жумладан ҳарбий соҳада ҳам XVIII асрда Туркия ҳар томонлама Европадан орқада қола бошлади.

1703-1730 йиллар ҳукмронлик қилган султон Аҳмад III гўзал санъатларни севадиган, кўнгилхушликни ёқтирадиган киши эди. Нажиб тахаллуси билан шеърлар ёзар, даврининг яхши ҳаттотларидан саналарди. У билимдон шахслардан айримларни чет элларга жўнатади. Масалан, Мехмет Чалабий Францияга бориб, у ердаги шароитни ўрганади ва Туркиядаги аҳвол билан қиёслаб, султонга тақдимнома ёзади. Биринчи китоб босиш ишлари ҳам Аҳмад III даврида бошланган.

1730-1754 йиллар ҳукм сурган Махмуд I армияда ислоҳот ўтказишга, 1757-1774 йиллар таҳт эгаллаган Мустафо III иқтисодий ислоҳотлар амалга оширишга ҳаракат қилди. Султон Абдулҳамид II (1777-1789), Салим III (1789-1808) даврида ҳам давлат миқёсида баъзи бир ўзгаришлар қилишга ҳаракат қилинди. Аммо буларнинг ҳаммаси Усмонийлар империясининг Европа тайдиқидан кутқара олмади. XVIII аср охирга келиб, давлат аср бошидагидан ҳам кўра заифлашган эди.

ЛОЛА ДАВРИ

XVIII асрнинг биринчи ярмидан 13 йил, яъни 1718-1730 йиллар турк адабиётида “Лола даври” деб юритилади. Бу атамани биринчи Яхё Камол қўллаган. 1913 йил Аҳмад Рафиқ Олтиной эълон қилган “Лола даври” номли китоби бу даврнинг ўзига хос ўрни борлигини, адабиётда санъатда ривожланиш даври бўлганлигини кўрсатади. Султон куёви Иброҳим Пошо бош вазир бўлган бу даврда Истанбулда ободончилик ишлари олиб борилди. Давлат одамлари яшаш тарзида, европаликларга тақлид қила бошладилар. Европага боғлар барпо қилиш, Қарбдан меъморлар чақириб келиб иморатлар куриш урф бўлди. Париж боғларида бўлганидек ҳовузлар, фавворалар курилди. Боғларда лолазорлар бунёд этилди. Масжидлар, кутубхоналар, кўркли саройларнинг

курилиши маълум маънода адабиёт, маданият ривожига туртки бўлди.

Султон саройида ҳам тез-тез мушоиралар, мусика кечалари ўтказилиб турарди. Уни даврда “ҳолва кечалари” деб номланиб, тонггача давом этадиган кечаларда, асосан шоирлар ва машшоқлар иштирок этадилар, янги-янги қасидалар, ғазаллар ўқиларди.

Лола, бу даврнинг энг севимли ва қимматли гулига айланди. Султон Мехмед IV Давридаёқ Миср ва Австриядан келтирилган лолалар Истанбулда ниҳоятда кўпайтирилган эди. Голландиядан, Шероздан ва дунёнинг бошқа давлатларидан лолаларнинг турли навлари келтирилар, янги навлари кашф қилинарди. Истанбулликлар лоланин 639 турини экардилар. Лола ҳакида рисолалар ёзилиб, лолазорлар яратишдан мусобақалар ўтказиларди. Жуда кам учрайдиган лола уругининг (пиёзи) 1000 олтинга сотилгани маълум. ҳатто лолаларни баҳолаш ҳакида “ҳатти ҳумоюн” эълон қилинади.

Турк адабиёти тарихида “Лола даври” деб аталган бу даврнинг муҳим воқеаларидан бири Истанбулда босмахонанинг очилишидир.

Парижга элчи сифатида жўнатилган Мехмед Чалабийнинг ўғли Мехмед Саид Афанди, асли можар бўлиб, ислом динини қабул қилган Иброҳим Мутеферрика билан ҳамкорликка султоннинг ва шайхулисломнинг розилигини слиб, 1724 йили Истанбулда биринчи турк наприёти қурадилар. Айрим қаршиликларга қарамасдан наприёт 1729 йили ишга тушади. 1729-1742 йилларда тарих, гиография, грамматика, лугат, саёҳатномалар каби 17 номда китоблар босилади. Бу маданий ҳаётдаги катта воқеа эди.

XVIII АСР АДАБИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСУСИЯТЛАРИ

XVIII аср усмонийлар империяси учун муваффакиятли кечмаган бўлсада, адабиёт ривожланишда тўхтаб қолгани

йўқ. Сарой томонидан шоирларга кўрсатилган ғамхўрлик ҳар ҳолда ўз самарасини берди. Юз йил бошларида “Лола даври”да Нодим, аср сўнгтида эса Шайх Голиб сингари ажойиб шоирлар етишиб чиқди. XVIII асрда Набий ижодига эргашиб, уни ўзига устоз деб билган: Собит, Дуррий, Катий, Салим, Самий, Иzzат Али Пошо, Сайийд Вахбий каби шоирлар ижод қилдилар. Фитнат хоним, Набизода Нозим ўзига хос овоз билан адабиётга кириб келдилар. ўша давр шоирларига устозлик қилган Хўжа Нашот (?-1807) ажойиб ғазаллар ёзиш билан бирга, ёшларга форс тили ва адабиётидан сабоқ берди. Бу даврда турк шоирларига форс шеъриятининг таъсири янада кучайди.

XVIII аср турк шеъриятининг ўзига хос хусусиятлари Набий, Нодим, Шайх Голиб ижодида айниқса яққол намоён бўлди. Юқорида номи зикр этилган шоирлар ижодининг аҳамиятли томони маҳаллий қалорит устунлиги ва ҳалқ ижодига яқинликдир.

XVIII асрнинг охирида Набий ва Собит ижодида кўринган ерли унсурларни тасвиirlаш XVIII асрда янада кучайди. Ҳалқ урф-одатларини адабиётда акс эттириш одат тусига кира борди. Энди шоирлар Бағдод, Шероз ёки бошқа бир хаёлий шаҳарларни эмас, Истанбулни, янги курилган бинолар, боғлар, ўша давр муҳитини қаламга ола бошладилар. Ерлиаштирма оқими вакиллари шеърларида кўпроқ ҳалқ мақол, латифаларини қўллаб, маҳаллий турмуш тарзини ифодалашга аҳамият бердилар.

Девон адабиётида илк марта ёзилган шарқийлар ҳам янгилик эди. Ҳалқ қўшиклари турку ва копма шаклига ўхшаш “хижо” вазнида ёзиладиган шарқийларнинг энг яхши наъмунасини Нодим яратди.

XVIII аср адабиётининг яна бир ўзига хослиги, мумтоз девон шеъриятининг қатъий қонун-коидаларидан чиқиши бўлди. Анъанавий образлар янгича талқин қилина бошланди. Ёр тасвирида ҳам, ошиқ тасвирида ҳам ўхшатишлар ўзгарди.

Ёрнинг кўз, соч ранглари тасвири, ошиқнинг хижрон азобидаги ҳолатларини беришда шоирлар оригиналликка интилдилар.

XVIII асрда урф бўлган “ҳинд тарзи” устлубининг таъсири оз бўлсада XVIII аср шеъриятида сезилиб турди.

Бу юз йил шеъриятида кўринган ўзига хосликлардан, шарқий, тарих, назираларнинг тўплаб ижод қилинганидир. Ёзма адабиётдаги мурабба, ҳалқ шеъриятидаги турку, кошмаларнинг қоришиқ тарзи ўлароқ юзага келган шарқийларнинг Нодим ижодида кенг ўрин олиши, шоирнинг 28 шарқийси кўплаб ёш шоирларга ўrnak бўлди. Тарих айтиш турли муносабатлар билан, наврўз, рамазон байрамлари, шахзодаларнинг туғилиши, ҳарбий ғалабалар, элчиларни қабул қилиш ва бошқа кўплаб ҳодисаларга бағишлаб ёзилади. ҳатто фақат тарих айтилган шеърларнинг девони тузила бошлиди. Шокирий ва Фоиз тузган “Мажмуан таворих” бунга мисолдир.

Бу даврда назира ва тақлидий асарлар кўпроқ Фузулий, Навоий, Набий, Нафий, Бокий, Нодим ғазалларига нисбатан ёзилди. Атиф Афанди (?-1742), Иzzат Али Помпо (?-1735) ҳашмет (?-1768), Фитнат Хоним (?-1780) каби шоирларнинг назиралари айниқса машхур эди.

XVIII асрда яратилган асарлар тили аввалги асрдагиларга нисбатан ҳалқ тилига яқин мураккаб изофалар камроқ, анча соддалашган эди.

XVIII асрда кўплаб тазкиралар, тарихий асарлар, саёҳатномалар яратилди, бу ўша давр насрининг ўзи хос намуналаридир. Салим “Тазкира”си воқеанавис Шафиқ Афандининг “Шафиқнома”си, Набизода Атойининг 1634-1712 йили ҳукмронлик қилган сultonлар биографиясини акс эттирган “Шака-ик Зейли” асари, Латифий, Ошиҳ Чалабий ва Ҳасан Чалабийларнинг ажойиб тазкиралари XVIII асрда етакчи адабий тур ҳамон поэзия бўлиб, асосий машхур асарлар шеъриятда яратилди.

АҲМАД НОДИМ (1680-1730)

“Лола даври” адабиётининг энг йирик вакили Аҳмад Нодим Истанбулда, задогон оиласада туғилди. Унинг опа томондан бобоси Ҳусомиддин Қаро Чалабий бўлиб, ўз даврида сultonнинг яқинларидан бўлган. Отаси Мехмед Нодим Афанди қози бўлиб, яхшиги таъби назми ҳам бор эди. Отаси Салиҳа хоним ҳам ўқимишли аёллардан бўлган. Давлатманд хонадонда туғилиб, тарбияланган Нодим жуда яхши билиб олади. Замонидаги атоқли устозлардан таълим олиб, мадрасани тугатади. Эбезаде Абдуллоҳ Афанди бошлиқ нуфузли ҳайъатга имтиҳон топшириб ўзи ҳам мударрис бўлади. Шеърлари билан анча танилиб қолган Аҳмад Нодим улуғ вазир Али Поро ва Иброҳим Порошоларга қасидалар ёзиб, янада эътибор топади. 1720 йил вазир кутубхонасининг мудири этиб тайинланади. Айни пайтда Нодим тарихий асарларни таржима қилиб ҳам илм аҳли ўргасида обрў топади. Аҳмад Нодим Иброҳим Поро уюштирган мушоираларда, турли давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросимни ва зиёфатларда қатнашар, ўзининг “ширин каломи” билан танилганди. Садраъзам Иброҳим Поро шоирни Султон Аҳмадга таништиради. Бундан сўнг Нодимнинг толе юлдузи янада порлайди. У Истанбулдаги машҳур мадрасаларда, 1727 йилда Мулла Кирими, Эски Нишонбоши, 1729 йилда Сахши Сетап, 1730 йилда Секбан Али мадрасаларига бош мударрис қилиб тайинланади. Бир умр зодагонлар даврасида, фаровон ҳайёт кечирган Аҳмад Нодимнинг умри фожеали тугайди. 1730 йил адмирал Халил бошчилигида кўтарилган қўзғолончилар Султон Аҳмадни таҳтдан ағдарадилар. Шоҳга яқин бўлган амалдорларнинг ҳам уйларига ўт қўядилар. Нодим қўзғолончилардан қочаман деб, томдан йиқилиб ўлади. Рамиз “Тазкирасида” ёзишига шоир вахима касалидан вафот қилган. Унинг жасади Ускударда, онаси дағн қилинган қабристонга кўйилади. Тарихий манбалардан Нодим Иброҳим Чалабийнинг

қизи Уммигулсум Хонимга уйланган ва уларнинг бир қизлари бўлиб, Истанбулнинг Бешиктош даҳасида яшаганликлари маълум.

Аҳмад Нодим сўзга чечан “тоза дилили” шоир сифатида машхур бўлган. У Иброҳим пошонинг яқин кишиси сифатида ўша давр ижтимоий ҳаётида ҳам, адабий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Даврнинг қайноқ воқеалари ичидаги бўлган. Адабий муҳитдагина эмас, илмий муҳитда ҳам бирдек қатнашган.

1726 йил ташкил қилинган тарихий асарларни таржима қилиш гуруҳида Нодим ҳам иштирок этган. Араб тилидан Мунажжибоши Дарвеш Алининг тарихий китобининг 3 жилдини турк тилига ўтирган. Аҳмад Нодимнинг асосий адабий мероси “Девон”дир. Бу девон шу кунга қадар Истанбулда 5 марта напр қилинган. “Девон”нинг энг сўнгти нашрида 39 қасида, 159 ғазал, 2 мустаҳзод, 1 маҳаммас, 3 тахмис, 1 мусаддас, 28 шарқий, 1 турқу, 1 таркибанд, 10 рубойй, кўпчилиги тарих айтиш бўлган 82 қитъа, 1 тасдис, 2 ташмир, 3 та маснавий бор.

Девондаги қасидаларда Истанбулнинг ҳаёт тарзи, “лола даври”даги кўнгтилхушликлар, сultonлар, вазирлар мадҳияси ўз аксини топган. Унинг ғазал ва шарқийларида ҳам даврнинг рухи, яъни завқ-шавқقا тўлиқлик, ишқ ва ёр васли, шароб лаззати бадиий маҳорат билан ёзилган мисраларда ифодаланган. Аҳмад Нодим шеърлари напъали ва жўшқин бўлиб, ундаги ёр ва ошиқ образлари, ўрта аср тасаввуф шеъриятидаги муқобил образлардан анча фарқ қиласди. Айниқса шарқийларида даврнинг гўзаллари ва гўзалликлари юқори пардаларда мадҳ этилади. Аҳмад Нодим ижодининг ўзига хосликлари куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Нодим шеърларида завқ ва жўшқинлик бор. ҳаётни кўпроқ гўзал томонидан кўради. Соғинч, ғам-андух, кудурат шеърларида йўқ ҳисоб. Оташин туйғуларни кўпроқ қаламга олган.

2. Нодим шеърларида яшаган даврини акс эттириди. Унинг шеърларида бутун борлиги билан Истанбул ифодаланган. У шеъриятда биринчилардан бўлиб Истанбулнинг энг кўп тасвиrlаган, шаҳарнинг кўпгина даҳалари ва бу даҳалардаги Садобод, Хуррамобод, Шарафобод, Хусравобод, Файзобод каби қасрларни, Тавонли, Нафпайдо, Жисри сурур номли кўприкларини, кўплаб чашмалар, ҳовузлар, ҳаммомларни Истанбулнинг таркибий қисми сифатида тасвиrlайди.

3. Аввалги асрларда бошланган маҳаллийлаштириш ҳаракатини шеъриятда кўллаб куватлади. Асарларида ҳалқ мақоллари, ибораларини, умуман ҳалқ тилида кўпроқ ишлатиладиган калималарни кўллади. Нодим тили нозик, нафис ва мусиқий Истанбул шеваси тили эди.

4. Нодим шеъриятидаги ўзига хос шакли оҳанг, завққа тўлиқ мисралар, кўплаб шоирларни унинг ижодига эргаштирди. Набий ва Нодим XVIII асрдаги энг машҳур шоирлардан бўлиб қолди.

Нодим яшаган “пола даври” руҳи унинг шахсиятига, ҳамда ижодига ҳам таъсир қилган, албатта. Бу даврда усмонлилар аввалги шуҳратини тинглай олмасалар ҳам, уни сақлаб қолишга уринардилар. Султон бошлиқ сароб аёнларининг кўнгилхушликка берилиши, ўша даврда задагонлар, зиёлиларнинг маълум маънода фожеаси эди. Ўтган замонларни соғинч изтиробларини улар шеърдан, шаробдан, ишқдан, кайфу сафодан кўнгил хушлаб унитишни истардилар. Аҳмад Нодим ҳам муҳитдан айри айри тушолмасди. Нодим шеърлари серзавқ бўлсада, шоирни яширин бир истироб қийнаётгани унинг айрим мисраларидан кўриниб қолади.

“Бу жаҳон баҳорини бир дам бил, лолазорни ўйин соғарига тут” мазмунида сатрлар бунга мисолдир. Аммо, кўпроқ шоир яшаган кўплик ҳаёт тарзи унинг асарларига ҳам кўчганди. Мумтоз адабиётда кўп учрайдиган чехра, кўз, қомат, соч унсурлари Нодим мисраларида ўзгача ранг, оҳанг кашф этади. “О сирма соchlара бирдан сорилди севдалар”, “Сирма кокул,

сим гардон зулфи тел-тел, инжа бел”. Бу сатрларда доима қора сифати кўпроқ берилган ёр сочи, сирма-олтинранг соч тарзида ифодаланмоқда. Шоир шарқиларида ёр билан кечган висол онларини ниҳоятда нафис ифодасини кўп учратамиз:

Сайр ўлуб рақби, яна дилбари мумтозларин
Яна афоқа чиқар нолалари созларин
Жона оташ берадур шуъласи овозларин
Муждалар гулшани ким вақти чароғон келди

Нодим ёр тарифини беришда ҳам, оригинал ўхшатишлар фойдаланади, теша тегмаган қиёсларни қўллайди:

Бўйдан хуш, рангдан покизадир нозик танинг
Беслемиши (озикланмиши) қўйнингда гўё ким гули раъно сени.

Даврининг энг машҳур шоирларидан бўлган Нодим ижоди ҳақида турк адабиётшунослари кўплаб илмий-тадқиқот ишлари яратганлар. А.Р. Олтийнинг “Лола даври” (1931) китоби, Ф. Кўпрулининг “Нодим” (1934), Н. Иесиргилнинг “Нодим” 1953, С. Банарлининг “Расмли турк адабиёти” (2 том 1983) китоблари шулар жумласидандир.

Севгилим, жамолинг бир бор кўролмам,
Чиқмасин хаёлинг дили шайдодан.
Хоки пойингта-да юз-кўз суролмам,
Олайн паёминг¹ боди сабодан.

Мовий кўз бераҳм этди нигоҳинг,
Ошиқларнинг кўкка чиқарди оҳин.
Сўрдим гарданингдан зулфи сиёҳинг,
Бир хабар бермади оқдан-қародан.

1 Поём – хабар

Севгилим, бандангта гар түшсә хизмат,
Эшитгингда қуллик – жонимга роҳат.
Кўрсам эди сенда бўйи мұхаббат,
Истаганим шудир сен бевафодан.

Нодимо, ҳуснингта бўлмишдир ошиқ,
Шундайин бир ишқи қавлида¹ содик.
Карамга на қабар бўлмаса лойиқ,
Ор этмас, Афандим, шоҳлар гадодан.

ШАЙХ ГОЛИБ (1757-1799)

Турк ўрта аср адабиётининг йирик намояндаларидан бўлган Меҳмедин Асад Голиб – Шайх Голиб Истанбулда, Янгикапи Мавлавийхонасига яқин уйда туғилди. Унинг отаси Мустафо Рашид девонда котиб бўлиб, даврининг таникли мавлавийларидан эди. Бўлажак шоир илк сабоқни отасидан олади. Кейинчалик араб ва форс тилларини мустақил ўрганади. Тинимсиз меҳнат, имлга тиришқоқлик Шайх Голибни бир умр тарк этмади. Ёшлигиданоқ мавлавий сулукига кирган Голиб Галата мавлавийхонаси шайхлари Нашод Афанди ва Ҳусайн Дадалар кўлида тасаввуфий илмларни ўрганади. Кейинчалик Конъя шаҳрига келиб, мавнавийликка асос солаган Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодини ўрганади. Ж. Румийнинг ижодий таъсири Шайх Голиб шеъриятида яққол сезилиб туради. Конъяда Румий таълимоти билан чукур танишгач Истанбулга қайтган, Голиб “чила ўтиради” сўнгра Мавлавий “дадаларидан бўлади”. “Чила ўтириш” маросими мавлавийликда 1000 кун давом этган. Чиллага кирган Голиб 18 кун бир ҳужрада уч йил давомида хизматларни бажариб-ўз нафсини ўлдирган. “Чила ўтириш” маросимини муваффақиятли ўтказган Голиб 1787 йилдан тасаввуфга оид илмий ишлар ёза бошлагани маълум. 1791 йилда Галата мавлавийхонаси шайхи Ҳалин Нўймон Дада Конъядан рух-

1 Қавл – сўз

сат олмай Ускударда мавлавийхона очмоқчи бўлгани учун шайхлик вазифасидан бўшатилади. Ўрнига тайинланган Шайх Абдуллаб Истанбулга келаётib йулда, Кутахъяда вафот қиласиди. Натижада ёш бўлишига қарамасдан Галата мавлавийхонасига 1791 йил 11 июнда шайх этиб Шайх Голиб тайинланади. Шу вақтдан шоирнинг Султон Салим III билан муносабати яқинлашиб, дўстлашиб кетади.

Ўзи ҳам нозик таъб бўлган Султон Салим III Галата мавлавийхонасига келиб туарар, Шайх Голиб уюптирган зикрларда иштирок этарди. Гоҳида Шайх Голибни саройга чақириб, унинг ғазалларини тинглар, адабий сұхбатлар куради. Шайх Голиб султонга қасида ёзиб, теккенинг жуда хароблигини айтганда, Салим III бир йилда теккехонани таъмир қилдириб беради.

Шайх Голиб ўз даврида энг ёш “девон” тузган шоирлардан эди. У 24 ёшида “девон” тузиб, 26 ёшида “Хусну Ишқ” достонини ёзиб тугатади. Султон Салим III 3 минг олтин бериб Шайх Голиб “девон”ни чиройли безаттиради. Шайх Голибни Султон Салимгина эмас, унинг сингиллари Ҳадича, Бойхон Султонлар ҳам тез-тез ҳадялар билан мукофотлаб турган. Шоир ғазалларида юқорида исмлари зикр этилган номларнинг учраши ҳам бежиз эмас. Ҳатто Шайх Голиб Бойхон Султонга пинҳона ошиқ бўлганлиги ҳақида ҳам мишишлар бўлган. Саройда ва эл орасида ҳурмати баланд бўлган шоир афсуски ҳаётдан эрта кўз юмади. 1799 йили 42 ёшида Истанбулда вафот қиласиди. Шайх Голиб сил касаллиги билан оғриганлиги ҳақида маълумотлар бор. 1797 йилда Шайх Голиб жуда қадрдан дўсти ҳамда маслакдоши бўлган Асрор Даданинг вафоти ҳам шоирга оғир жудолик бўлганди. Шайх Голиб дўстига бағишлаб ёзган марсия турк адабиётидаги энг гўзал марсиялардан.

Шу воқеадан сўнг Шайх Голиб хасталаниб қолган эди. Шоир Суририй “Кечди Голиб Дада жондин ёху” дея шоир ўлими муносабати билан тарих ёзганди.

Шайх Ғолиб шоир сифатида ижодини жуда эрта бошлаган. 1781 йил “девон” тузган бўлса, кейинчалик девонни янги шеърлари билан кенгайтирган. Бугунги кунда бу девонларнинг 20 нусхаси топилган. Девонда 26 та қисида (қасидалар Султон Салим Ш, Бойхон Султон, ва бошқа ўша даврнинг таникли шахсларига бағишланган) турк тилида ёзилган 331 та ғазал, форс тилида 36 та ғазал, 2 та мустаҳзод, 4 та тарки банд, 9 та таржи банд, 7 та мусаддас, 4 та мухаммас, 17 та тахмис, 68 та тарих, 11 та шарқий ҳамда маснавий, қитъа, рубоийлар бор. Кўриниб турибдики Шайх Ғолиб ўрта аср турк шеъриятида машҳур бўлган деярли барча жанрларда ижод қилган. Шайх Ғолиб ўзидан аввалги ўтган салафларидан, айниқса, Жалолиддин Румий, Фузулий, Боқий, Ноилий, Набий, Аҳмад Нодим каби шоирларга эргашган. Шарқ адабиётини яхши билган Шайх Ғолиб турк адабиётида “ҳинд тарзи” деб номланган “хаёллар ва мажозларга кенг ўрин берилган” шеърий йўлнинг ёрқин вакилидир. Унинг бобурийлар даври ҳиндистондаги шеъриятни яхши ўргангандиги ҳакида маълумотлар бор. Шайх Ғолиб “ҳинд тарзи” йўлида ёзилган ҳар бир мисрадаги маълум бир мажоз ёки тимсол бошқи бир мазмун ташишини ҳам айтади.

Масалан:

Агар дерсамки, “ҳаволар очилди келди баҳор”
Мурод одурки: банимла муҳаббат айлади ёр.
Ё сўзласамки: “чаман ғунчалари зейн ўлди.
Ўdur ғаразки: табассумла сўзлади дилдор”.

Шайх Ғолиб ғазаллари бадиий санъатларга бойлиги, шоирнинг сўзга бўлган бекиёс меҳри билан ҳам ажralиб туради.

Шайх Ғолиб номини янада машҳур қилган “Хусну Ишқ” достонидир. Тасаввуф мазмунидаги бу достонни ижодкор 1782-83 йилларда б ойда ёзиб тамомлайди. Айтишларига бир

сұхбатда Набининг “Хайрабод” достони жуда мақталади ва бундай достон ёзиш, ҳатто тақлидий тарзда ҳам мушкуллиги айтилади. Ёш бўлишига қарамасдан шуҳрат қозонган Шайх Голиб, достон камчиликлардан ҳоли эмас деб, бир нечта, масалан бош аҳрамон Чалакнинг бир ўзи шунча олийжанов ишларни амалга ошира олишга шубҳа билдиради. Айни пайтда асарнинг тили муракаблигини таъкидлайди. Шунда кимдир Шайх Голибга достон ёзишни маслаҳат беради. Хуллас, Шайх Голибнинг “Хусну Ишқ” асари, Набиний “Хайрабод” маснавийсига қасдма-кисд ёзилган асар дейиш мумкин. Нима бўлганда ҳам ўзига яраша мағрурлиги бўлган Шайх Голиб яхши бир достон яратса олган. Достондаги образлар мажозий бўлиб хусн-жамоли мутлак, яъни Оллоҳ, ишқи илоҳий йўлида, илоҳий гўзалликка қовушмоқ истаган Солиҳ. Достондаги бошқа образлар ҳам тасаввифий мазмун ташийди. Шайх Голибнинг бу достонда Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си, Фузулийнинг “Лайли Мажнуни”, Фаридундин Атторнинг “Мантиқут-тайр”, Шаҳобиддин Сухровардийнинг “Мунисул ушшок” асарларининг таъсирини кўриш мумкин. Сюжети унча мураккаб бўлмаган достонда Хуснни севган Ишқ ҳаёт сувини (элексир) келтириши керак. Ҳаёт суви қалб қасрида сақланади. Ҳаёт элексирини излаб йўлга чиққан Ишқ бошидан кўплаб саргузаштларни ўтказади. Мангу совуқ мамлакат, олов денгизи, аждарҳо, девлар тимсоли ҳам рамзий бўлиб, бу инсон фитратидаги иллатлардир. Достонда бош қаҳрамонининг ҳар хил тўсиқларга учраши ва уларнинг мардонавор енгиши, инсон ўз нафсини енгиб ишқи илоҳийга етишига ишорадир. Қалб қасрига етиб келган Ишқ, ҳукмдор Илоҳий Калом билан учрашади. Илоҳий Калом гўзаллик, муҳаббат ҳар кимнинг ўз қалбига эканлигини тушунтиради. Мажозий қилиб айтганда Жамоли Мутлақ ишқида юрган Солиҳ ўзлигини англамас экан, борлик оламни ҳам англай олмаслиги уқдирилади. 2101 байтлик “Хусну Ишқ” достонининг тили ширави, бадиий санъатларга бойдир. Достонни В. М. Кўжатурк насрга ўгириб

1944 йил Истанбулда напр қилдирган.

Үрта асрлар Шарқ адабиётида бу мавзуда күплаб асарлар яратылған. Форс шоири Фаттоҳийнинг “Хусну Дил” достони турк шоирлари орасыда машхур бўлган. Бу достон таъсирида XVI асрда яшаб ижод этган турк шоирлари Ломий, Вали, Ахийлар ҳам асарлар яратганлар. Шайх Ғолиб ҳам Фаттоҳий номини тилга олиб ўтади.

Тасаввуф рухида достон ва ғазаллар ёзган, илмий асарларга шархлар бағишлаган Шайх Ғолиб XVIII аср турк шеъриятининг йирик намояндаси эди. У тариқатда ҳам, шеъриятда ҳам Мавлоно Жалолиддин Румийга эргашди, унинг асарларини қайта-қайта мутолаа қилди. Фузулий ғазалларидаги таъсирчанлик, Ноилий мисраларидпаги ҳассос ва нозиклик, Наби сатрларидаги фикрий теранликни Ғолиб ижодида ҳам кўрамиз. Шайх Ғолиб шеъриятидаги тасаввуф заҳирий эмас, кўпроқ ботинийдир. Унинг шеърларида ҳаётот жуда рангли ва айни пайтда жонлидир. Шу хусусиятларидан келиб чиқиб Шайх Ғолибни турк девон шеъриятининг сўнг улуғ шоирларидан десак бўлади.

ХОТИМА

Ўрта асрлар турк мумтоз адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос тарзда кечди. XIII-XVIII асрларда Туркияда кўплаб талантли ижодкорлар етишиб чиқди. Асрдан асрга адабиёт шакл ва мазмун жиҳатидан такомиллишиб борди. Халқ адабиёти, девон адабиёти, текке шоирлари ижодида буни яхши ҳис қилишпимиз мумкин. ўрта асрлар турк адабиётида поэзия жанри етакчилик қилди. Газалларда шоирлар самимий хис-туйғуларини ифодасалар, йирик достонларда давр учун муҳим муаммоларни (Юсуф Набий) кўтардилар Шайхий, Нафий каби шоирлар турк адабиётида биринчилардан бўлиб сатирик асарлар яратдилар. Ўрта асрлар турк шеъриятига Шарқнинг буюк шоирлари Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Жомий ва Навоийларнинг ижодий таъсири сезиларлидир. Уларнинг асарлари турк шоирлари учун илҳом булоги бўлди. XV аср охирларида Ҳамидулла Ҳамдий биринчилардан бўлиб “Ҳамса” яратди. Ўрта асрларда яшаб ижод этган турк шоирлари тил масаласига алоҳида эътибор бердилар. Турк тилини чет тиллар таъсиридан саклашга, адабий тилни халқтилига яқинлаштирилган ҳаракат қилдилар. Кўпгина шоирлар икки тилда (форс, турк) ижод қилдилар. XVII асргача кўпроқ тасаввуфий, илоҳий руҳда асарлар ёзишга интилиш бўлса, бу асрдан адабиёт мазмун ва шакл жиҳатдан ҳам дунё вийроқ бўла борди. Адабиётда янги поэтик жанрлар пайдо бўлди. Ўрта аср турк мумтоз шоирларидан якъол кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири шеър техникасига эътибор қилишдир. Тарих айтиш бунинг яхши мисоли. ўрта асрларда яратилган адабий тазкиралар қимматли адабий материаллар бериши билан бугунги кунда жуда аҳамиятли.

XVIII аср охири XIX аср бошларига келиб турк классик адабиёти XVI асрдаги мавқеи ва шиддатида бироз чекинди.

Умуман ўрта асрлар турк адабиёти Ж. Румий, Ю. Эмре, М. Бокий, Ю. Набий, А. Нодим, Ж. Голиб каби талантли шоирларни етиштириб, танзимот даври ва XX сар турк адабиётини ривожига замин яратди.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ УЧ ЙЎЛОВЧИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Боришарди турк, араб, форсу юонон,
Шунда бир кимса – анису меҳрибон -
Хайр, деб бир танга савғо айлади,
Йўқки савғо, балки ғавғо айлади.

Форс деди: “Бозор тушайлик шул замон,
Ақчага ангур олайлик, дўсти жон!”
“Кўй бу гапни, – деб уни кесди араб, -
Эйнаб олсак ақчага, бўлгай ажаб!”

Турк деди: “Беҳуда бу гаплар бари,
Мевалар ичра узумдир сарвари!”

Шунда юонон ҳам арога солди сўз:
“Ҳай, харид этмоққа стафиль дуруст!”
Бас, улар битта қарорга келдилар
Лек тушунмай, баҳсу ғавғо қилдилар.
Барчада хоҳиш узум эрди фақат,
Барчаси бирдек, узум дерди фақат.
Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,
Тиш, қовурға лат еди, топди шикаст.
Ғофилу ғафлат сўзидин можаро,
Бизники - бирлик била сулҳу салоҳ...

ҒАЗАЛ

Юзингдан дастайи гул қилса бўлгай,
Сочингдан шохи сунбул қилса бўлгай.
Эгилган қоматимни мисли кўприк,
Кўзим дарёси мақбул қилса бўлгай.
Қизил атлас каби қонлиғ ёшимдан,
Муҳаббат отига жул қилса бўлгай.
Ўшал сочингни ҳар бир толасини,
Асотир бўйнига ғул қилса бўлгай.
Сен ул дарёю мен бир томчи сувман,
Валекин жузвни қулл қилса бўлгай.
Дилим юз порадур ҳар бир бўлакдан,
Фифон этувчи булбул қилса бўлгай.
Сен ул қанд қофию мен ломи таяхман,
Ва қофу ломдин қул қилса бўлгай.
Менга ҳам ширадир сенинг хаёлинг,
Бу шириндин роса мул қилса бўлгай.
Узокдир йўлу жонимдир пиёда,
Вале дилни чу дулдул кимса бўлгай.
Хомуш қил, улки бир сўз демасингдан
Бу олам ичра ғулгул қилса бўлгай

О. Бўриев тарж.

РУБОИЙЛАР

Ёмонлик этиб, яхшилик истар эса ким,
Билгилки, ўшал кимсани иймон яrim
Беш кўлдек аён-ку арпа эккан кишига
Бермаслиги буғдойни худованди карим!

Мен жастаю зору нотавон ёр ғамидан,
Кўздан ёш эмас, оқади қон ёр ғамидан.
Бўғзимга етар бўлсада жон, ёр ғамидан,
Ё Раббим, айирма ҳеч қачон ёр ғамидан.

Эргаш Очил таржимаси

СУЛТОН ВАЛАД ИЖОДИДАН: ҒАЗАЛЛАР

Қаро қошлар, қаро күзлар жоним олди, жоним олди,
Мусулмонлар надир бу, ким менга келди, менга келди?

Биродарлар, ошиқ бўлдим, ичиб майни далли бўлдим,
Ким айтур чақириб энди: “Даво қилди, даво қилди!”

Сени кўрдим, сенга келдим, кўлим туттил, ўтга тушдим,
Нидо берди, далли бўлдим, мени Тангрим сенга солди.

Не тотлидир сенинг ишқинг, ки мендан кўнглимни олди,
Анга бир жон фидо этдим, икки минг жон менга берди.

Анинг, ким жони нурлидир, Исо янглиғ кўкка боғди,
Улови жонли ер узра иккиланиб ортда қолди.

Сени кўрдим, сенга келдим, кўзим очдим, юзинг кўрдим,
Садо берди, далли бўлдим, мени ишқинг сенга солди.

Сени кўрдим: кечар эдинг, жоним йўлин очар эдинг,
Ошикларинг сечар эдинг, қолганинг йилдирим олди.

Кекса-ю ёш сени севар, сени истар, сени сўйлар,
Куёш янглиғ юзинг порлар, бутун олам нурга тўлди.

Эй халойик, жонни асранг, бу дунёдан қўлни силтанг,
Кўзни очинг, кўзни очинг, кўринг Тангри нелар қилди.

Валад келди, сизга айттар, не истарсиз – сизингладир,
Оқил бўлган мени билди, денгиз бўлди, гуҳар топди.

Сенинг юзинг күёшдир, йўқса ойдир,
Жоним олди, кўнгил дағи не айтур?

Менинг икки кўзим, билгил, жонимсан;
Мени жонсиз қолдирдинг, бил, бу қайтур.

Кўзимдан чиқмагин, бу ер сенингдир,
Менинг кўзим сенга яхши саройдир.

Не ўқдир бу, не ўқки тегди сендин,
Менинг бўйним сундирди; энди ёйдир.

Томошо-чун буён кел ва кўргил сен,
Нетай: кўзим ёши дарёю сойдир.

Бу кун ишқинг ўтидан баҳра олдик,
Биз қайгу эмас, гар қору лойдир.

Валад йўқсил эди сенсиз жаҳонда,
Сени топди, демакки энди бойдир.

Мавлонодур авлиёи барҳак, билинг,
Ул нени буюрса гар, уни қилинг.

Тангридан раҳматдур анинг сўзлари,
Тингласа кўрлар – очилгай кўзлари.

Қай кишим бу сўзла йўл олгай,
Тангри анинг мукофотин том бергай.

Йўқ охир молим ҳам мулким-ки берай,
Дўстлигим мол бирла равшан кўрсатай.

Молни, ки Тангри менга берди, будир,
Ким бу молни истаюр, ул эслидир.

Эсли кишининг моли сўзлар эрур,
Молини берур, бу сўзларни олур.

Мол тупроқдир, бу сўзлар эса қолур,
Эслилар молдин қочур, бунда турур.

Сўз қолар боқий, дунё фоний бўлур,
Боқийни тут, қувгил аниким ўлур.

Ёлвориб зори-зори қилиб анга;
Рахм айла, Сен лутфингдин манга.

Кўзимни оч, ки сени равшан кўрай,
Томчи каби денгизга кириб, турай.

Мен дафи томчи каби денгиз бўлай,
ўлмайин, денгиз бўлиб тирик қолай.

Эслилар ҳайрон қолурлар бу сўза,
Ким: “Халойиқ холиқи нетгай биза?”

ЮНУС ЭМРЕ ШЕРЛАРИДАН Сүрдим гулдан, чечакдан...

Сүрдим сари чечакдин
Юзинг недан саридир,
Чечак айтил эй дарвиш,
Охим тоғлар эритир.

Яна сўрдим чечаклин
Сизда ўлим бормидир,
Чечак айтир эй дарвиш,
Ўлимсиз ер бормидир.

Яна сўрдим чечакдин
Кишин нарда бўлирсиз,
Чечак айтир эй дарвиш,
Кишин тупроқ бўлирмиз

Яна сўрдим чечакдин
Тамуғ¹ киармисиз,
Чечак айтир эй дарвиш,
Ул мункирлар еридир.

Яна сўрдим чечакдин
Учмаға² киармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Учмаға одам шахридир.

Яна сўрдим чечакдин
Гул сизни нениз бўлир,
Чечак айтир эй дарвиш,
Гул Мұхаммад теридир.

1 Тамуг – жаҳаннам

2 Учмаға – жаннат

Яна сўрдим чечакдин
Атони¹ билармисиз,
Чечак айтир эй дарвиш,
Ато мингдан биридир.

Яна сўрдим чечакдин
киркларни билармисиз
Чечак айтир эй дарвиш,
Қиклар² Оллоҳ ёридир.

Яна сўрдим чечакдин
Рангни нердин олурсиз,
Чечак айтир эй дарвиш,
Ой ила Кун нуридир.

Яна сўрдим чечакдин
Бўйнинг недин эгридир
Чечак айтир эй дарвиш,
Кўнглим ҳаққа тўғридир.

Яна сўрдим чечакдин
Онақотанг бормидир.
Чечак айтир эй дарвиш,
Бу не ажаб чўровдир.

Яна сўрдим чечакдин
Сен Каъбани кўрдингми,
Чечак айтир эй дарвиш,
Каъба Оллоҳ уйидир.

1 Ато – одам ато

2 Қирклар – қайтиб валийларнинг бир гурӯҳи

Яна сўрдим чечакдин
Боққа кирсам не бўлур,
Чечак айтир эй дарвиш,
Мени исла - кетавер.

Яна сўрдим чечакдин
Сен Сиротни кўрдингми,
Чечак айтир эй дарвиш,
Ул ҳамманинг йўлидир.

Яна сўрдим чечакдин
Кўзинг нечун ёшлидир,

Чечак айтир эй дарвиш,
Бағрим-яра - тошлидир.

Яна сўрдим чечакдин
Юнусни билармисан,
Чечак айтир эй дарвиш,
Юнус қирқилар ёридир.

* * *

Илм илм билмақдур, илм ўзни билмақдур,
Сен ўзингни билмасанг неча бор ўқимоқдур.
Ўқимоқдан маъни не - киши ҳақни билмоқлур,
Чун ўқидинг, билмасанг, ҳа, бир қуруқ эмгақдур,
Ўқидим, билдим дема, кўп тоат қилдим дема,
Ҳақни таний олмасанг, абас ерга елмақдур.
Тўрт китобнинг маъноси жам бўлган бир алифда
Сен алиф дерсан, Хўжа маъноси не демакдур.
Юнус Эмра дер, Хўжа, майли боргил минг ҳажга,
Ҳаммасидан яхшиси бир кўнгилга кирмоқдур.

АҲМАДИЙ (1329-1413)

Аҳмадий “Искандарнома” сидан

Бундан ҳам от сурди тагин шахриёр
Анда бордики бўлди зулмат ошкор.
Дедилар шоҳгаки: эй шоҳи замин,
Чашма шу зулмат ичидадир яқин.
Бундан-унга гарчи оз манзил турур,
Лек йўли бошдан-охир мушкул турур.
Шоҳ дедики; хақ бизга осон этар,
Мушкулу осонини яксон этар,
Ранж ичида ўрин олмиш чу ганж.
Не бўлур ганж излаган ҳам чекса ранж.
Чекмагунча ишқи йўлида бало,
Маъшукин кўрмоққа йўқ ўзга даво.
Бас сипохи бирла суриб қайта роҳ,
Нақ ўша зулмат ичига кирди шоҳ.
Кетдилар зулмат ичида бир замон,
Бир кеча баробар қўпди ногиҳон,
Бирданига раъду раЖшон бўлди барқ,
Ўйлагайсан, ўтга ёнди Ғарбу Шарқ.
Баҳри тўкилди ҳаводан мавжи-фавж,
Шундоқ тўфон кўпдиким, -тўфони Нух,-
Фатҳ эди онинг қошида ул фатух
Зулмат кўйди зулмат устига қадам,
Ўйлагайсан, кўпди зулмати адам,
Лашкару шоҳ сафларини буздилар,
Йўл-йўлакай бир бирига оздилар.
Чунки кўрмасларди бир-бири аён,
Оздилар бир-биридан бегумон.
Хизрким – бу йўлда эрди кадхудо,
Биз зарура шоҳдин тушди жудо.

Кимини ул халқнинг этди сели фарқ
Кимин олди ел ва кимин йикди барқ,
Ким адапди-андин бўлмади нишон,
Ким ўлик ёки тирик – эрмас аён.
Бу қабили ишни кўриб – билди шоҳ:
Ҳеч топилмас бу топилмас сувга роҳ,
Нарсаким одамга қисмат бўлмаган –
Гарчи кўп жаҳд этса ҳам тополмаган.
Чунки ночор бўлди, кетта қайтди ул,
Лек топилмас эрди ҳеч келган у йўл.
Кетишаркан, бўлдилар бу ерга дуч,
Тошлиари гавҳарди онинг ғуж ва буж.
Бири ёқут эди, бири лаъли ноб,
Ёки феруза тўкилмиш беҳисоб.
Тўрт тараф гафхар сочилиши шаб чироғ,
Равшан ўлмиш гавҳарнинг нури-ла тоғ,
Шоҳу-лашкар у гуҳардан бегарон –
Олишиб бўлдилар у ердан равон.
Жаҳд этиб чун юрдилар мўл, бир замон –
Чикдилар зулмат ичидан ногаҳон,
Кўрдиларким, лашкарнинг бир нисфи пок –
Қолибон у ерда бўлибди ҳалок
Хизрни излапиб тополмадилар,
Қаерга йўқолибди – билмадилар.
Сезмадилар они ким кетмишди,
Бе таъаб оби ҳаётга етмишди,
Чунки у анга этилмишди таъйин,
Ложарам рўзи анга бўлди ҳамин.

ҒАЗАЛЛАРИДАН

Элттин менинг саломимни дилдорга, эй сабо
Арз айлагил илмимни ул ёрга, эй сабо.

Сочгил бинафша соchlарни гул ёноқ устига,
Таратгин мушки анбарни гулзорга, эй сабо.

Пинҳонавор ёрнинг эшигига борсанг агар,
Кўрсатма зинҳор ўзингни ағёрга, эй сабо.

Бечоралигимни менинг ул ёрга баён қил,
Шоядки топар дардимга бирчора, эй сабо.

Вуслат майлига етмас қўлим, нотавонман,
Қанча тахаммул айларам ул хорга, эй сабо.

Дегилки, Аҳмадийга неча заҳмат берарсан
Айёр, ғамзали кўзи маккорга, эй сабо.

ҲОЖИ БАЙРАМ ШЕЪРЛАРИДАН

Не бўлди бу кўнглум, не бўлди бу кўнглум
Дарду ғам ила тўлди бу кўнглум
Ёнди бу кўнглум, ёнди бу кўнглум
Ёнмоқда дармон топди бу кўнглум
Ён, эй кўнгул ён, ён эй кўнгул ён!
Ёнмоқдан бўлди дардимга дармон
Парвона каби, парвона каби
Шаъмига ошиқ ёнди бу кўнлум.

(таржима бизники – А. А.)

На бўлди кўнглим, на бўлди кўнглим,
Дарду ғам ила тўлди бу кўнглим.
Ёзди бу кўнглим, ёнди бу кўнглим,
Ёнмоққа дармон топди бу кўнглим.

Ён эй кўнгил ён, ён эй кўнгил ён,
Ёнмоқдан топди дардига дармон.
Парвона каби, парвона каби,
Шаъмига ошиқ ёнди бу кўнглим.

Гарчи у ёнди, гарчи у ёнди,
Рангига жумла олам бўянди.
Ўзида топди, ўзида топди,
Матлабини хуш билди бу кўнглим.

Саводи аъзам, саводи аъзам¹,
Балки бўлибдир арши муаззам.
Матлаби жонон, матлаби жонон,
Бўлса ажабми, энди бу кўнглим.

Сайри биллоҳдир, сайри биллоҳдир,
Ли ма аллоҳдир, фано филлаҳдир.
Айинасинда, ойинасинда,
Кирди, сивони топди бу кўнглим.

“Ал факру фахру, ол факру фахри”²,
Демадиларми Ул оламлар фахри.
Факр фахрини, факр фахрини,
Маҳву фанода топди бу кўнглим.

1 Макка мунаррама

2 Фаҳрлик фауриқдир

Байрамий энди, Байрамий энди,
Байрам этарсан ёр ила энди.
Хамду санолар, хамду санолар –
Ёр ила байрам қилди бу күнглил.

Билмоқ истасанг ўзни,
Жон ичра изла жонни.
Жондан кечиб топ уни,
Сен сени бил, сен сени.

Ким билса афъолини,
Ул билди сифотини.
Унда топди зотини,
Сен сени, бил сен сени.

Кўринган сифаотингдир,
Уни кўрган зотингдир.
Ўзга на ҳожатингдир;
Сен сени бил, сен сени.

Кимки ҳайратга толди,
Қалби нурга ғарқ бўлди.
Тавҳиди зотни топди,
Сен сени бир, сен сени.

Байрам ўзини билди,
Билганни унда топди.
Топгани ўзи бўлди,
Сен сени бир, сен сени.

* * *

Ҳеч кимса торта олмас, оғир фалакнинг ёйи,
Дардига кўнгил берма бир кун оладивойи.

Чун у юзини бурди, бир лаҳза қарор этмас,
Неча сарни пой этар, дўнар-сар этар пойи.

Бир фоний вафосиздир, қавлига инонма ҳеч,
Гоҳ бойни этар йўқсил, гоҳ йўқсил этар бойни.

Байрам, ҳамма олимлар бу маънининг остинда,
Қофдан Қофга хукм этар, билмас бу муаммони.

Воҳиддир ул ваҳбатда, касратда фикр тафриқ,
Хизр етмади бу сирга, билдиrmади Мусони.

Мискин Ҳожи Бектош, сен дунёга кўнгил берма,
Бир улуғ иморатдир, олма бошга савдони.

* * *

Менинг мақсадим оламда эмасдир, лекин илло ху,
Бу менинг дардима дармон эмасдир, лекин илла ху.

Эмасдир ҳуру-ю ғилмон, на жаннат кўшки, на Ризвон,
Бу менинг кўнглима султон эмасдир, лекин илла ху.

Анинг нақши хаётинда жаҳон бир зарра бўлмишдир,
Назар этсанг у заррадан кўринмас, лекин илла ху.

Эй Байрамий, агар идрок этарсан сен бу оламда,
Бу сирнинг сиррига кимса эришмас, лекин илла ху.

ЮСУФ СИНОН ШАЙХИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАН

Баҳор мавсумидир, ҳамдами сабо бўлайлик,
Гуз ва дўст бўйи ила ошино бўлайлик.

Чун даври лоладир, ихлос ила қадаҳ тутайлик,
Негаким наргис бўлур, масти бериё бўлайлик.

Замона сиррини қўй ғунча каби сарбастга,
Чаман сафосига гул каби дилгушо бўлайлик.

Бул жаҳоннинг фатҳига Жам жомдир демиш мифтаҳ¹,
Келинг, мулизими жоми жаҳоннамо бўлайлик.

Баҳор тавбага Шайхий жунун демиш оқил,
Бугун мувоффақат эт, эрта порсо бўлайлик.

* * *

Не хабар берди сабо зулфи паришоннинг учун,
Ки бинафша мотамсаро кўринур онинг учун.

Не сабаб бош очар-у, қўл кўтарур сарву чинор;
Ки дуо айлар улар қадди хиромонинг учун.

Ой юзинг кўргач бўлур равшан еру осмонлар,
Ҳар на важҳ айтар эсам шул моҳитобоним учун.

Лола чок этди юзинг гул ёногинг рашкидин,
Ғунча чок этди ўзинг лаъли дурафшонинг учунг.

Дур-у гавҳар сочилур, нозик каломлар ёзилур,
Шайхий иншо қиласжак шул лаб-у дандонинг* учун

1 Мифтаҳ – калит

АҲМАД ПОШО ҒАЗАЛЛАРИДАН

Ҳар кишининг ҳамдами гул юзли бир жонон ўлур,
Хонаси жаннат каби доим баҳористон ўлур.

Ошику маъшуққа менгзар офтоб бирла замин-
Ким бири йиғлай дегунча, бириси хандон ўлур.

Билмасам-мактубимни ким арз этар дилдораким,
Қосид¹ ул ҳусни жамолин кўрса гар ҳайрон ўлур.

Шиддати ишқ-у балойи ҳажр-у андуҳи ракиб,
Узайиб зулфинг каби боргунча бепоён ўлур

Нола қилса Аҳмадо-ғунчасининг кулгани,
Гўё булбуллар фифон этса бу гул шодон ўлур.

* * *

Кун юзли тақвимина эй дил, назар қил доимо,
Ой бошингда фитналар бордир, ҳазар қил доимо.

Бир куруқ мактубдир, юборганим дилдора мен,
Эй кўзим, мардумлик эт, ёшимла тар² қил доимо.

Бир назарда кимё этмак истарсан туфрокни,
Хокини майхонанинг кухли басар қил доимо.

Рухсоринг оч, акси ҳуснигла баҳор эт оламни,
Сочларинг соч, ер юзин пур мушки тар қил доимо.

1 Қосид – қасд қилувчи

2 Тар – ҳўл

Дил ниёз айлар нигорнинг қоши меҳробинда ким,
Ғамзаси тийғин Илоҳи, коргар¹ қил доимо.

Ҳоли Аҳмад хуснула эй моҳтобона ойинадир,
Хуснини сайр этмакка бори назар қил доимо.

ҲАМИДУЛЛА ҲАМДИ – ОҚШАМСИДЛИН (ЧАЛАБИЙ)

"Юсуф ва Зулайҳо"дан

Карвон чун йўлга равон бўлди,
Юсуфнинг кўзларига қон тўлди.

Ашки йўлларни лолазор этди,
Йиглабон ҳар ерни пинор² этди.

Бир-икки марҳала чун кетдилар,
Модарининг қабрига ҳам етдилар

Ул мақомга эришди, чунки муурӯр³
Тушди модар мозори узра бу нур.

Тушди Роҳил узра роҳиладан⁴,
Айрилиб қолди магар қофиладан.

Ул мозорни қучиб, қилиб зори;
Деди юз дард ила шу гуфторни:

"Айри тушдим падардан, эй модар,
Менга зулм этдилар биродарлар.

1 Коргар – иш бажарадиган

2 Булок

3 Ўлган

4 Риҳлат этган

Гул каби аввал олиб бордилар,
Гул каби сўнгра ерга урдилар.

Гулдайин авайлаганим баданни,
Сурдилар тупроқса ул расанни¹.

Тош ила урдилар; забун бўлдим,
Лола янглиғ ғарики хун бўлдим."

Оҳқим сарви нозпарвардин,
Бўлди устуни хонаи дардин.

Қаҳр ила чоҳ қаърига отдиilar,
Оқибат банда дебон сотдиilar.

Копки мен ҳам ўлсам, эй онажон,
Сенга ҳамхона бўлсам, эй онажон.
Ровийлар дейдики, ул вақт бул мозор,
Зори қилди гўёким ошиқи зор.

Деди: "Йиглама, эй кўзим нури,
Ўтда ёқма бу хоки мансурни.

Мендан сенга башоратлар,
Ҳали қўнгай бошингта давлатлар.

Ки подшоҳ бўларсан Миср шаҳрига,
Эгилибон келгайлар эшигингта.

Яна бўлар ҳоки пойинг уларга тож,
Келгайлар ҳузуришта бўлиб муҳтож.

Даргохингта арзи ҳол айлагайлар,
Садоқатин баён айлагайлар."

Бу хитобни чун Юсуф айлади гүш,
Бўлди дарду фироқ ила бекуш.

Ётиб анда бу ҳол ила қолди,
Карвони анча-мунча йўл олди.

Исо Нажотий ғазалларидан
Ҳар кун ул рухсори гулзори жинонни кўзларам,
Ҳар кеча ул зулфи умри жовидонни кўзларам.

Зулфи рухсоринг фироқила йироқлардан туриб,
Кеча оташ шуъласин, кундуз духонни кўзларам.

Хуснина инсу малак ҳайрону мен девонавор,
Гоҳ заминга бокарам, гоҳ осумонни кўзларам.

Халқа янглиғ кўзларим эшиқда қолди дўстим,
Фатҳи боб бўлгай дебон ул оситонни кўзларам.

Неча сунди чарх чинни коса бирла нукли ғам,
Давр кўлиндан менки жоми шодумонни кўзларам.

Роҳату қаҳрига даҳрин бош эгиб ёлвормам,
Мен Нажотий, ҳиммати шоҳи жаҳонни кўзларам.

* * *

Хаттингда ким ул зулфи паришон ёзилибдур,
Гўё ғубор устина райҳон ёзилибдур.

Ул хўққайи маржон узаринда хатти мушкинг,
"Дилхасталарнинг дардина дармон" ёзилибдур.

Дилтангу паришон эди, васфингни эшитгач,
Гуллар очилиб, ғунчайи хандон ёзилибдур.

Накш бўлди хатинг дилда-ёзукдур ўтда ёқма,
Шул саҳфагаким ояти Куръон ёзилибдур.

Эй хусн дебон ошиқ бўлган кўз ила қопга,
Бу шева калисода фаровон ёзилибдур.

Гул дафтарин йигсин, ки орази дўст юзиндан,
Ашъори Нажотий ила девон ёзилибдур.

* * *

Мехри Хотун ғазалларидан.
Ошиқ эрсанг ишқ йўлида сақлама номусу ор,
Жаҳд этиб бу йўлда жон тик, йўқса қўлдан кетди ёр.

Фориг ўлиб гар кўнгилсиз истар эрсанг ёрни сен,
Ғофил ўлма, не ҳазар қил, ғайрининг бўлгай нигор.

Ер юзин ғарқ айлар эрсанг кимса силмос кўз ёшинг,
Чўнгра гар қон йиглар эрсанг кунда минг қат зару-зор.

Ғунчанинг гулзорда турган чоғида фарёд қил,
Йўқса эртан гул сўлар, қолурсен эй мискин ҳазор.

Дилбаринг доманини қутқаргали хор қўлидан,
Ҳар гулистонга тағин юз урки, ким бору, не бор.

Мард эсанг, ғайрат домидир, изла ёвни ҳар нафас,
Доманига тар гулинг ёпишмасин тухмати хор.

Бир замон Мехри фалак сайдар этарди, энди бок,
Бу сабабдан бўлди-ку аёқлар остида ғубор.

* * *

Уйқудан очдим кўзим ногаҳ, кўтардим мен сари,
Кўз солиб, кўрдим тураг бир моҳи чехра дилбари.
Толим келди ваё мақсадга етдим ғолибо,
Ким ётогим ичра кўрдим тунда туғмиш муштари
Нур оқар, кўрдим жамолидан агарчи зоҳираан,
Ўзи ўхшарди мусулмонга, либоси кофари,
Кўзни очиб юмгунимча бўлди чашмимдан ниҳон,
Шундок ташхис этаманким-ё малакдир, ё пари.
Етди чун оби ҳаётга, Мехри ўлмас то ҳашр.
Кўрди чун шаб зулматида ул аён Искандари.

Масиҳий мураббасидан

Тингла булбул қиссасинким – келди айёми баҳор,
Курди ҳар бир боғаро ҳангома ҳангми баҳор.
Бўлди симафшон анга изҳори бодоми баҳор,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Қайта анвои шукуфи-ла безанди боғу роғ,
Айш учун курди чечаклар саҳни гулшанда ўтог.
Ким билур, то бир баҳорга ким ўлиб, ким қолди соғ,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Қилди шабнам қайта жавҳардор тифи савсани,
Шолалар олди ҳаваш тўплари-ла гулшани,
Кез, томошо эрса максудинг мени эсла, мени,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Рухлари рангин гўзаллардир гул ила лолалар,
Ким қулоқларига турли жавҳар осмиш жолалар.
Алданиб, ўйлама; булар шунда боқи қолалар,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Бу гулистонда кўринган лола, гул нуъман-ла,
Богида қон олди чақмоқ нишлари борон-ла.
Ориф эрсанг хўш кечиргил бу дами ёрон-ла,
Айёшу нўш эттил, кечар, қолмас, бу айёми баҳор.

Абри гулзор устига ҳар субҳи гавҳар бор экан,
Нафҳай бода сахар пур нофай тотор экан.
Фоғил ўлма, оламинг маҳбублиги то бор экан,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

Олди, гулзор кўркин олди бу сиёҳ боди ҳазон,
Адл этиб аста секин келди яна шохи жаҳон.
Давлатида бодалар ком бўлди соқи комирон,
Айшу нўш эттил, кечар, қолмас бу айёми баҳор.

(Миртемир таржимаси)

ҒАЗАЛ

Агар афсуни ажал боғламас эрса даҳаним,
Жон берарда лабининг зикри бўлар ҳар суханим.

Сен санам чехра учун гар мени даврон этса хок,
Юзингнинг оқлигига шаҳодат бергай кафаним.

Хори ҳижронинг сенинг оёғимга кирса ногоҳ,
Парилар ғамза ўқи бирла чиқаргай тиканим.

Шунчалар тўпу туфанг¹ отди ҳаводис менгаким,

1 Тўфанг – милтиқ. (А. Тиловов таржимаси)

Заҳмидан кўп хароба қалъага дўнди баданим.

Эй Масиҳий, мен агар қўл юварсам бу оламдан,
Офтобим бўлсин хуршид, ҳам фалақ лагаёним.

* * *

Яширмагин сочинг бўйини биздан,
Аё куттанимиз шумиди сиздан.

Айтдим бода даҳани ёр учун роз,
Хабар ҳам йўлладим унга оғиздан.

Софиниб юаркан йўллар устида,
Ахволинг сўрардик йўлдан, издан.

Содик эмиш магар зухдига сўфий,
Ки кўтармас бошин хилватда тиздан.

Рақибга, билмадик, нетдик Масиҳий,
Ки ҳеч олмаётгир кўзини биздан.

БОҚИЙ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

1

Оразинг оби нобдир гўё,
Дуғоринг бир ҳаббодир гўё.

Дилда анвори меҳри руҳсоринг,
Обда моҳитобдир гўё.

Базми ғамда ду чашми пурхунинг,
Икки шиша шаробдир гўё.

Нақши ҳусни хатингла сафҳайи дил,
Бир мусаввар китобдир гүё.

Тутди меҳри жаҳонни ул моҳнинг,
Партави оғитобдир гүё.
Боқиё ҳоли анбарини онинг,
Нофайи мушки нобдир гүё.

Муҳиббий ғазалига тахмис

Жомайи сиҳдат Худодан ҳалқقا бир хильъат каби,
Бир либоси фоҳир бўлмас жисмга ул қисват каби.
Бор экан баҳту саодат куввату кудрат каби.
Халқ ичинда мўътабар бир нарса йўқ давлат каби,
Йўқ эрур давлат жаҳонда бир нафас сиҳдат каби.

Аҳли ваҳдат коинотнинг оқилу доносидир,
Марди фориғ оламнинг мумтозу мустасносидир.
Кўр на дер ул, ким сўзи гўё Масиҳ анфосидир:
"Салтанат деганлари фақат жаҳон ғавғосидир"
Бўлмагай баҳту саодат дунёда ваҳдат каби.

Тоати Ҳақ муниси базми бақодир оқибат,
Суҳбати жону бадан сендан жудодир оқибат.
Боди сарсардир фано, олам ҳабодир оқибат,
Қўй бу айшу ишратни, чунким фанодир оқибат
Ёри боқий истар эрсанг, бўлмагай тоат каби.

Оlamни кўздан кечирсанг, айласанг бир йил расад,
Давр ичинда турмасанг, кўрсанг ҳазорон неку бад.
Ҳар тарафдан оқса дунё, моли келса лойу об?
Бўлса кумлар сони қадар умрингта ҳадду адад.
Бўлмагай бу шишайи чарх ичра бир соат каби.

Манзили осойиши уқбога истарсанг вусул,
Хуббу дунёдан фароғат киби бўлмас тўғри йўл.
Шодмон арбоби узлатдир ҳамон Боқий Малул,
Гар ҳузур этмоқ тиласанг эй Муҳиббий фориғ бўл.
Бўлмагай ваҳдат мақоми ғуссайи узлат каби.

Умар Нафий ғазалларидан

Ошиққа ҳеч таъна қилманг, мубталодир найласин,
Одамга меҳру муҳаббат бир балодир найласин.

Кўнгли дилбардан узилмаса ажабми ошиқнинг,
ғамзасила то азалдан ошинодир найласин.

Зулфига қолса паришон айламасди дилларни,
Ани таҳриқ¹ айлаган боди сабодир найласин.

Нетсин, бўлса муҳтариб ҳоли дили ушшокдан,
Сийнаси ойинайи олам намодир найласин.

Бўлмаса Нафий не қилгай дилбаста зулфи дилбара,
Табыи шўхи дома тушмас бир хумодир найласин.

* * *

Баҳор бўлса, яна сайру гулистон бўлганин кўрсам,
Гўзал сайр айламоқ ушоққа осон бўлганин кўрсам.

Латофатдан кўринса осумоннинг акси ҳар ерда,
Чаманда ўзга бир олам намоён бўлганин кўрсам.

Яна роз духтарин пайдо этиб азми қарор этсам,
ғаминг хотирда нопайдою пинҳон бўлганин кўрсам.

1 Таҳриқ – Сув сотмоқ ёндиримоқ

Қизарса, гул-гул ўлса, тоби майдан рўйи сўзоним,
Рухи жонони ҳам гул ҳам гулистон бўлганин кўрсам.

Сафодан бирқбирининг сийнасин чок этса дилбарлар,
Гўзаллар маст бўлиб дасти гирибон бўлганин кўрсам.

Боқиб гоҳ сийнайи жонона, гоҳ жоми майи ноба,
Дили девона барру баҳра султон бўлганинг кўрсам.

Мухассал бундайин бир кун кўрмасдан ўлсан, эй Нафий,
Фалак мен ўлмайин хок ила яксон бўлганин кўрсам.

Юсуф Набий ғазалиётидан

Одам асири дасти мушайят эмасмидир?
Оlam забуни панжай кудрат эмасмидир?
Бу парданинг дурунига бок, изтиробни қув,
Ҳар меҳнатнинг оқибати массарат эмасмидир?
Базми ҳаёт роҳи муҳаббатда ошиқча
Таклиф этилса жонига миннат эмасмидир?
Йўқ гарчи садман ситамингдан қочаримиз,
Аммоқи дасти нозинга заҳмат эмасмидир?
Бир сенми комиёб бўлажаксан замонадан,
Эй танги чашм, кор банавбат эмасмидир?
Муҳтожи ризқи холиқ экан сарбасар жаҳон,
Махлуқдан ниёз мазоллат эмасмидир?
Набий, забони нутқим этган хомаи мажоз
Машшотал аруси ҳақиқат эмасмидир?

* * *

Завқи гам дилдамидир, доғдамидир, тандамидир,
Насиъа булбулдамидир, гулдамидир, гулшандамидир

Бўлди сармаям ҳайрат менга бийму¹ уммид,
Билмадим, айлаяжак гирямидир, хандамидир.

Гул ҳам очилди ҳам аройиши дастор бўлди,
Булбули бехабар аё дағи сиёвандамидир.
Ул тавозу ани мумтози жаҳон этмишdir,
Наҳли гул боғда беҳуда сарафкандамидир.

Дурру маржон топилгаймиш, тутайлик дарёда,
Бу қадар чини жабин сотмоққа арzonдамидир.
Хоҳу ноҳоҳ бўлур авизайи гўши аҳбоб,
Набиё, ҳар ғазалинг бўйла хушпоёндамидир.

АҲМАД НОДИМ

Севгилим, жамолинг бир бор кўролмам,
Чикмасин хаёлинг дили шайдодан.
Хоки пойингта-да юз-кўз суролмам,
Олайин паёминг боди сабодан.

Мовий кўз бераҳм этди нигоҳинг,
Ошиқларнинг кўкка чиқарди оҳин.
Сўрдим гарданингдан зулфи сиёҳинг,
Бир хабар бермади окдан-қародан.

Севгилим, бандангта гар тушса хизмат,
Эшитгинг ва қуллик – жонимга роҳат.
Кўрсам эди сенда бўйи муҳаббат,
Истаганим шудир сен бевафодан.

Нодимо, хуснингта бўлмишdir ошиқ,
Шундайин бир ишқки қавлида содик.
Карамга на қабар бўлмаса лойик,
Ор этмас, Афандим, шоҳлар гадодан.

1 Бийм – кўркув

* * *

Масти нозим, ким ўстирди бунга бепарво сени,
Ким етиштирди ажаб, сарвдан боло сени.

Мушкдан хуш, рангдан покизадир нозик танинг,
Парвариш қилмишдир гўё, ким гули раъно сени.

Гули зебо кийдинг, аммо қўрқарам озор берар.
Нозаниним, сояи хори гули зебо сени.

Бир қўлингда гул, бир қўлда жом келдинг, соқиё,
Қай бирин олсам: гулни ёхут ул жомни ё сени?

Гўё сендин бўлмиш пайдо фаввораи оби ҳаёт,
Шундоқ кўрсатди манга ул қадди мустасно сени.

Соф экан айинаи андомдин дилим, ва дариф,
Олмадим бир бора ҳам оғишга сар то по сени.
Сўрсам магар: “Бунга ким қилди Надимни нотавон?”
Кўрсатур ангушт ила мажлисдаги мино , сени

* * *

Ул парирўй ошуқа ром бўлса ҳам моне эмас,
Кундузинг бўлмаса, оқшом бўлса ҳам моне эмас.

Кангул пок бўлсин ҳамон, рапбу риёдин зоҳидо,
Кўлда тасбехга бадал жом бўлса ҳам моне эмас.

Дилрабонинг хуни гарм бўлсин ҳамон, атвори нарм
Мубталойи жоми гулфом бўлса ҳам моне эмас.

Сен тўла жомни қўттар уч мартага, сўнгра сенинг
Вуслатинг муҳтожи ибром бўлса ҳам моне эмас.
Муштоқман ташрифига ийднинг, иккинчи кун Надим,
Кундузинг бўлмаса, оқшом бўлса ҳам моне эмас

* * *

Бир сафо бахш этайлик кел, шу дили нопода,
Кетайлик сарви равоним, юргин Саъвобода.
Мана кўр, уч жуфт қайиқ бандаргоҳда омода,
Кетайлик сарви равоним, юргин Саъвобода.

Кулайлик, ҳам ўйнайлик, завқ олайлик дунёдан,
Майи тасним ичайлик чашмайи нав пайводан.
Кўрайлик оби ҳаёт оққанин аждарҳодан,
Кетайлик сарви равоним, юргин Саъвобода.

Гоҳ бориб ҳавз каноринда хиромон бўлайлик,
Гоҳ келиб қасри Жинон сайрига ҳайрон бўлайлик.
Гоҳо алёр айтибон, гоҳ ғазалхон бўлайлик,
Кетайлик сарви равоним, юргин Саъвобода.

Бир сен-у бир мен-у, бир оби покиза адо,
Изнинг бўлурса агар, шайдир Набими шайдо;
Ғайри ёронни бугунлик этиб, эй шўх, фидо,
Кетайлик сарви равоним, юргин Саъвобода...

Шайх Ғолиб ғазалларидан

Халқа-халқа кокулингни доғ-доғ бўлди кўнгил,
Хуш келиб девоналиқ доғ усти боғ бўдди кўнгил

Гарчи роҳи рост атвори сулуки мустаким,
Рахбарлар касратиндан гум суроғ бўлди кўнгил.
Гавҳар айлар жолаи гулзорини моҳтоби ишқ,
Кирми шабтоб¹ эрди, эмди шабчироғ бўлди кўнгил.

1 Шабтоб – тилла кўнгиз

Ошинойи сурат ўлмас маънийи анқо каби,
Узлат этди эшиттганлардан йироқ бўлди кўнгил.
Кечди шаъми сийнага монандаи фонуси нур,
Меҳри моҳдан кони гунжи фароғ бўлди кўнгил.

То етишгай Голибга файзи дами Монлойи Рум,
Най каби роҳи нафасда кўз қулоқ бўлди кўнгил.
* * *

Гул оташ, гулбун оташ, гулшан оташ, жуйбор¹ оташ,
Самандар тийнатани ишқقا басдир лолазор оташ.

Ҳамон эй, соқий бир соғар тутгил дасти дилдора,
Газабла базма келди шаъми мажлисваш ёнар оташ.

Насим оташ чиқарди ғунчайи боғи умидимдан,
Ташлади гулшани аъмолига барқу баҳор оташ.

Хаёли ҳасрати холингта оҳ этганда ушшоқнинг,
Шабъи фурқатда ҳар дам аҳтарон айлар нисор оташ.

Менга дўзахдан эй моҳ, дам урар гулзорлар сенсиз,
Дараҳт оташ, ниҳол оташ, гул оташ барқу бор оташ.

Мураккабдир вужуди то азал якпора сўзищдан,
Аносирдан магар ушшоқа бўлмишдир дучор оташ.

Чароги базми ҳажри бўлғаним ёпмиш ёқиптиридим,
Кўнгул парвонасинда вуслат оташ, интизор оташ.

Баёни сўзиш айлар ҳар ким истеъоди фитратдан
Этар баржаста ошиқ мисрайи рангин чинор оташ.

Магар килки сабук-жавлонинг бўлмиш гармрав
Голиб, Замин оташ, замон оташ, бутун нақшу нигор оташ.

1 Жуйбор – ариқ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифат дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
3. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент, 1991.
4. Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи хрестоматияси. – Т.: ТошДУ, 1989.
5. Алимбеков А. Ишқ асири бўлган жон. – Т.: Маънавият, 1996.
6. Алимбеков А. Турк адабиёти тарихи. Маъruzалар матни. – Т.: УзМУ, 2000.
7. Алимбеков А. Эртаклар яжшиликка етаклар. //Шарқшунослик журнали, 2002, № 2.
8. Алкаева Л., Бабаев А. Турецкая литература. – Москва, 1967.
9. Боролина И.В. Хрестоматия по турецкому фольклору. – М.: МГУ, 1987.
10. Гарбузова В.С. Турк адабиёти классиклари. – Тошкент, 1960.
11. Гарбузова В.С. Поэмы средневековой Турции. – Ленинград, 1963.
12. Жалолиддин Румий. Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен. – Тошкент: F.Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1994.
13. Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Т.: Ёзувчи, 1997.
14. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Т.: Шарқ, 1999.
15. «Жаҳон адабиёти» журнали. 1997, № 5.
16. История всемирной литературы. 4-том. – Москва: Наука, 1977.

17. Куделин В.Б.Поэзия Юнуса Эмре. – Москва: Наука, 1980.
18. Литература Востока в средние века. – Москва: МГУ, 1970.
19. Маштакова Е.И. Туреская литература конца XVII – начало XIX в. – Москва: Наука, 1984.
20. Маҳмуд Асъад Жўшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. – Т.: Фан, 2001.
21. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: F. Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» наприёти, 1972.
22. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. – Т.: «А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси» наприёти, 1993.
23. Радий Фиш. Жалолиддин Румий. – Тошкент. «Ғ. Ўлом номидаги Адабиёт ва санъат» наприёти, 1986, 272 б.
24. Турская ашикская поэзия. – М.: Художественная литература, 1983.
25. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
26. Хуршид Даврон. – Т.: Қақнус, 1987.
27. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
28. “Ўзбек ва турк мақоллари иборалари”. Ўзбек-турк ата сўзлари ва дейимлари сўзлиги (асар турк талида). Тошкент 1998.
29. “Ўзбек адабиёти. Таъсир ва типология”. “Муҳаррир” напрёти. Тошкент 2013.

Түрк тилида нашр қылнған асарлар:

1. Аҳмат Қабакли. Түрк адабиёти. – Истанбул, 1997. ИИ жилд.
2. Али Чичекли. Юнус Эмро. – Истанбул, 1971.
3. Девон адабиёти антологияси. – Истанбул, 1983.
4. Адабиёт. Дарс китоби. – Истанбул, 1995.
5. Адабиёт лугати. – Истанбул, 1973.
6. Буюк түрк классиклари. – Истанбул, 1986.
7. Боқый девонидан. – Истанбул, 1987.
8. Ихсон Ишқ. Туркия ёзарлари энциклопедияси. – Анқара, 2002.
9. Саид Қорали ўғли. Түрк адабиёти тарихи. И жилд. – Истанбул, 1980.
10. Туркча сўзлик. И жилд. – Анқара, 1988; ИИ жилд, – Анқара.
11. Турк эртаклари. – Анқара, 1992.
12. Фуод Кўпрулу. Түрк адабиётида илк мутасаввуфлар. 1984.
13. Халқ адабиётига кириш (тузувчи – Шукри Элчин). – Анқара, 1993.
14. Шайх Ғолиб (ҳаёти ва асарлари). 1984.
15. Юнус Эмре. Девон. – Анқара, 1986.
16. Ўғиздан бугунгача. – Анқара, 1996.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Эртаклар ҳақида	17
Латифалар	21
Туркий халқлар оғзаки ижоди типологиясига доир.....	23
XIII-XV асрларда туркиядаги ижтимоий ва адабий мұхит...	28
Жалолиддин румий (1207-1273)	31
Султтон валад (1226-1312).....	36
Юнус әмре (1239-1321).....	39
Аҳмадий (1329-1413)	49
Хожи байрам (1352-1429).....	52
Юсуф синон шайхий (1371-1422-23)	55
Аҳмад пошо (?-1497)	57
Алишер навоий ва түрк адабиёти.....	60
“Гул ила алишер” достони	66
Ҳамидулла ҳамди – оқшамсиддин (чалабий) (1448-1509)....	71
Исо на жотий (1460-1509)	74
Мехри хотун (1460-1506)	78
Исо масихий (1470-1512)	82
XVI аср түрк адабиётіга умумий назар.....	84
Махмуд абдул боқий (1526-1600).....	86
XVII асрдаги ижтимоий ҳаёт ва адабий мұхитта умумий назар	91
Нафий (1582-1636)	94
Юсуф набий (1640-1712)	97
XVIII асрда адабий мұхит	104
Лола даври	106
XVIII аср адабиётининг ўзига хос жусусиятлари.....	107
Аҳмад нодим (1680-1730).....	110
Шайх ғолиб (1757-1799).....	114
Хотима.....	119
Жалолиддин румий уч йўловчи ҳақида ривоят.....	120

Ғазал	121
Рубоийлар	122
Султон валад ижодидан: ғазаллар	123
Юнус эмре шеърларидан	126
Аҳмадий (1329-1413)	129
Ғазалларидан	131
Ҳожи байрам шеърларидан	131
Юсуф синон шайхий ғазалларидан	135
Аҳмад пошо ғазалларидан	136
Ҳамидулла ҳамди – оқшамсиддин (чалабий)	137
Ғазал	142
Боқий ижодидан намуналар	143
Аҳмад нодим	147
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	151
Турк тилида напр қилинган асарлар	153

ДЛЧ ЗАМЕТОК

ДЛЧ ЗАМЕТОК

**Техник редактор: М.М. ЗАРИФОВ
Компьютерная верстка: Д.У. АРИФЖАНОВА**

**Данная работа рассмотрена и утверждена научным советом
ТашГИВ (Протокол № 4 от 18.04.2014)**

**Отпечатано в типография
ООО «Extremum- press».**

Тираж: 100

100053, г. Ташкент, ул. Багишамол 576.

Тел.: 234-44-05

E-mail:Extremum-press@mail.ru